

88

2018 йил -
Фаол тадбиркорлик,
инновацион ғоялар
ва технологияларни
қўллаб-қувватлаш
йили



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2017-yil 23-dekabr, shanba № 102-103 (9064)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ

Муҳтарам депутат ва сенаторлар!

Азиз ватандошлар!

Хурматли меҳмонлар!

Бугун биз барчамиз жонажон Ватанимизнинг сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеада иштирок этмок-дамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан биринчи марта мамлакатимиз парламенти — Олий Мажлисга **Мурожаатнома** тақдим этилмоқда.

Сизларга яхши маълумки, дунёдаги кўпчилик тараққий топган мамлакатларда давлат раҳбарининг миллий парламент аъзолари хузурида энг асосий ва долзарб сиёсий, ижтимоий-иқтисодий масалалар ва жамиятни демократик ривожлантириш бўйича Мурожаатнома билан чиқиш тажрибаси мавжуд.

Давлат бошқарувининг бундай демократик усули бугун Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, авваламбор, халқ билан мулоқот принцигига ғоят уйғун ва ҳамонда бўлиб, бизнинг иш фаолиятимиз самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Бугунги нуфузли анжуманда Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзолари билан бирга, видеоконференция алоқа тизими орқали туман, шаҳар ва вилоятлардаги маҳаллий Кенгашларга сайланган халқ ноиблари ҳамда барча бўғиндаги ижро ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, нодавлат

ташкilotлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этмоқда.

Тараққиётимизнинг янги босқичи бўлган 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномани эътиборингизга ҳавола этишга рўхсат бергайсиз.

Аввало, йил давомида мамлакатимизни янада тараққий эттириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни бажариш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятлари сафарбар этилганини таъкидлаш жоиз.

Бу борада "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим қадам бўлди, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу ўзгаришларнинг дастлабки натижалари аҳолимиз ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг яққол ифодасини топмоқда, эл-юртимизнинг ижтимоий фаоллиги, эртанги кунга ишончи ўсиб бормоқда.

Биз мамлакат ҳаётига доир ҳар бир қарорни халқимиз билан маслаҳатлашиб, бевосита мулоқот асосида қабул қилмоқдамиз. **"Халқ давлат идораларига**

эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган ғоя бу боранда фаолиятимиз мезонига айланмоқда.

Давлат ходимлари, аввало, биринчи раҳбарлар фақат кабинетда ўтирмасдан, жойларга бориб, аҳолини безовта қилаётган энг долзарб муаммоларнинг амалий ечими билан шуғулланмоқда.

Шу маънода 2017 йил халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммоларини самарали ҳал этиш бўйича янги тизим яратилган йил бўлди, деб айтишга тўла ҳақлимиз.

Бу тизимнинг асоси бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси **фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос демократик институти сифатида амалда ўзини оқламоқда.**

Қисқа муддатда ана шу қабулхоналарга бир ярим миллиондан зиёд фуқаро мурожаат қилгани ва қанча-қанча одамнинг йиллар давомида ҳал этилмаган муаммолари ижобий ечилгани Ўзбекистонда халқ ҳокимияти номига эмас, амалда жорий этилаётганни кўрсатмоқда. Жойларда раҳбарларнинг йўл қўйилган хато ва камчиликларни тезлик билан бартараф этиш юзасидан шахсий жавобгарлиги кучайгани мазкур тизимнинг муҳим натижаси бўлди.

(Давоми 2-бетда.)

ЗАМОНАВИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ТАРИХИДА УЛКАН ЎЗГАРИШ ЯСАГАН ВОҚЕА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 декабрь куни мамлакатимиз тарихида биринчи марта Олий Мажлисга Мурожаатнома тақдим этди.



Тошкент шаҳридаги Симпозиумлар саройида бўлиб ўтган анжуманда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари, нодавлат ташкилотлар фаоллари иштирок этди. Йилги видеоконференция алоқа тизими орқали туман, шаҳар ва вилоятлардаги маҳаллий кенгашлар депутатлари, барча бўғиндаги ижро ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, мамлакатимизнинг чет эллардаги элчилари кузатиб борди.

Мурожаатномада 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ўз ифодасини топди.

Мурожаатнома концепцияси 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ тузилган. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар да амалга оширилган ишлар атрофича баён қилинди.

Мурожаатнома ҳам ҳажман, ҳам мазмунан жуда кенг. Унинг мазмун-моҳиятида бир тамоийл "қизил ип" бўлиб ўтади. У

ҳам бўлса, халқ манфаати, халққа хизмат қилиш, халқни эъзозлаш!

Президентимиз ташаббуси билан давлат идоралари халққа хизмат қиладиган, уларнинг фаолиятига халқ баҳо берадиган тизим яратилди. Мамлакатимиз ҳаётига доир қарорлар халқимиз билан бевосита мулоқот, одамларнинг хоҳиш-истаклари асосида қабул қилинмоқда. Барча даражадаги раҳбарлар халқ олдида ҳисоб бермоқда.

Мазкур Мурожаатнома давлатимиз раҳбарининг яқунланаётган йил бўйича халқимиз олдидаги ўзига хос ҳисоботи ҳам бўлди. Шунингдек, Мурожаатномада мамлакатимизни келгусида ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган устувор вазифалар белгилаб берилди, бир қанча қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди.

Давлатимиз раҳбари тақлифи билан янги — 2018 йилга мамлакатимизда **Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили**, деб ном берилди.

Тадбир очиб ва самимий руҳда ўтди. Президентимиз халқимизни қийнаётган, тараққиётимизга ғов бўлаётган кўндан-кўн муаммолар ҳақида очиқ-ойдин гапирди. Баландпарвоз иборалар, сохта рақамлар эмас, аччиқ бўлса-да, ҳақиқий кўрсаткичлар айтилди. Илгари қузтилмаган бундай жасорат ва қатъият одамларнинг ишончи, ҳурматини қозонди.

Вақтлар ўтади. Президентимизнинг бу Мурожаатномаси замонавий давлатчилигимизда улкан ўзгариш ясаган тарихий нуқт бўлиб қолади.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МДҲ САММИТИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 26 декабрь куни Москва шаҳрида бўлиб ўтадиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг норасмий мажлисида иштирок этади.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСИ МУРОЖААТНОМАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Айнан халқимиз манфаатларини ҳисобга олиб, ижтимоий адолатни таъминлаш бўйича энг муҳим институт бўлган суд-ҳуқуқ соҳасида, прокуратура ва ички ишлар органлари тизимида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимда атрофлича сўз юритилгани учун, ўйламанки, бугун бу мавзуда ортиқча тўхталиб ўтиришга зарурат йўқ.

Жорий йилда Ўзбекистон ёшлар иттифоқини ташкил этиш, Хотинқизлар қўмитаси, "Маҳалла" ва "Нуроний" жамғармалари ишини янада фаоллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Юртимизда яшаб келаётган, лекин фуқаролиги бўлмаган 1100 дан ортиқ шахсга Ўзбекистон фуқаролиги берилди. Ўйламанки, бу инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлашга қаратилган ишларимизнинг яна бир тасдиғидир.

2017 йилда **иқтисодиёт соҳасида** замон талабларига жавоб берадиган, янгича маъно-мазмундаги ва самарали ислохотларни амалга ошириш йўлида биринчи қадамларни қўйдик.

Иқтисодиётимизни мутлақо янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича қатор қонунлар, фармон ва қарорлар, пухта ўйланган дастурлар қабул қилинди ва улар изчил амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда қисқа муддатда 161 та йирик sanoat объекти ишга туширилди. Бу биз учун келгуси йилда қўшимча 1,5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Масалан, Тошкент иссиқлик электр станциясида буғ-газ қурilmаси барпо этилди. Бу эса қўшимча равишда 2,5 миллиард киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Шунингдек, Навоий иссиқлик электр станциясида иккинчи буғ-газ қурilmаси, Қизилқум бағридаги Авминзо-Амантой олтин конлари негизда гидрометаллургия заводи қуриш бўйича ишлар давом этмоқда.

Хозирги вақтда Олмалик конметаллургия комбинати томонидан "Ёшлик — 1", "Ёшлик — 2" конларини ўзлаштиришга киришилди. Сардоба, Марказий Фарғона ва Тўпаланг сув омборларини қуриш бўйича ишлар жадал олиб борилмоқда. Бу йирик иш-ишотлар ҳам, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида муҳим воқеа бўлади.

Фарғона — Марғилон йўналишидаги темир йўл тармоғи айна пайтда электрлаштирилмоқда.

Яна бир йирик объект — Қандим газни қайта ишлаш комплекси ишга туширилиши ҳисобидан 2018 йилда қўшимча равишда 4 миллиард 100 миллион куб метр табиий газни қайта ишлаш, 67 минг тоннадан зиёд конденсат, 106 минг тоннадан ортиқ олтингу-

гурт ишлаб чиқариш имкони яратилади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг локомотивларидан бири бўлган Муборак газни қайта ишлаш заводида келгуси йили қўшимча равишда 6 миллиард куб метр табиий газни олтингурутдан тозалайдиган блоklar тўлиқ фаолият бошлайди. Шулар қаторида "Ўзагротех-саноат-холдинг" акциядорлик жамиятида янги йилда 5 мингдан кўпроқ замонавий тракторлар, мингдан зиёд пахта териш машинаси ва 2 мингдан ортиқ прицеплар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Бундай мисолларни яна узоқ давом эттириш мумкин.

Энг муҳими, мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида **нореал рақамлар ортидан қувиш, амалга ошмайдиган хомхайёлларни ҳақиқат сифатида тақдим этишдек номаъқул иш услуби танқидий қайта қўриб чиқилди. Амалий натижадорлик, инсон манфаати ва яна бир бор инсон манфаати ислохотларнинг бош мақсади этиб белгиланди.**

Айни шу асосда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2017 йилда барқарор иқтисодий ўсиш сур'атлари 5,5 фоизни ташкил этди, экспорт ҳажми қарийб 15 фоизга кўпайди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 854 миллион долларга этди.

Миллий валютамизни эркин конвертация қилишга киришдик. Юридик ва жисмоний шахслар хорижий валютани тижорат банкларидан чекловсиз сотиб олиш ва эркин сотиш имконига эга бўлди. Чет эл валютасининг олди-сотди операциялари ҳажми либерализация даврига нисбатан 1,5 баробар ошиб, ўртача 1,3 миллиард долларни ташкил этди. Шу билан бирга, давлатимизнинг олтинвалюта захиралари йил давомида 1,1 миллиард долларга кўпайди.

Жорий йилда мамлакатимизда 12 та эркин иқтисодий ва 45 та sanoat зонаси фаолияти йўлга қўйилди ва бу ташкилий чоралар худудларни жадал ривожлантириш имконини бермоқда. Яқин вақт ичида яна 50 та янги sanoat зонасини ташкил этиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Йил давомида биз учун го'ят муҳим бўлган **янги иш ўринларини ташкил этиш** масаласи доимий эътиборимиз марказида бўлди. 2017 йилда янги sanoat корхоналарини қуриш, хизмат кўрсатиш объектиларини ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 336 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди.

Ўз-ўзидан аёнки, биз аҳоли бандлигини таъминлашни ўзи олдимизга устувор вазифа қилиб қўйган эканмиз, бу масалага нафақат сон, балки сифат жиҳатидан ҳам алоҳида аҳамият беришимиз зарур.

Ўзбекистонда олиб борилаятган давлат сиёсатининг го'ят муҳим йўналиши бўлган **ижтимоий соҳани** ислох қилиш бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси ҳам босқичма-босқич таъминланмоқда.

Маълумки, аҳолимизни, айниқса, бюджет соҳаси ҳодимларини, кам таъминланган оилаларни" **уй-**

жой муаммоси кўпдан буюн қийнаб келарди. Бу оғир ижтимоий муаммога биз деярли эътибор бермай келганимиз ҳам бор гап.

Халқимизнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, биз жорий йилда имтиёзли ипотека кредитлари асосида **арзон уй-жойлар қуриш** лойиҳасини амалга оширишга киришдик. Шаҳар ва қишлоқларимизда жами 3,5 миллион квадрат метрдан зиёд намунавий уйлар ва кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди. Бу рақамни аввалги йилларга таққослайдиган бўлсак, 2007 йилга нисбатан 20 баробар, намунавий уй-жойлар қуриш дастури бошланган 2010 йилга нисбатан 3,5 баробар, 2014 йилга нисбатан эса 2 баробар кўп уй-жой қурилганини кўраимиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, биз кейинги 25 йил давомида биринчи марта аҳоли учун арзон, барча қулайликларга эга бўлган кўпқаватли уй-жойлар қуришни бошладик. 2017 йилнинг ўзида 800 минг квадрат метрдан зиёд ана шундай уй-жойлар қуриб фойдаланишга топширилди. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида жорий йилда 420 минг квадрат метр кўпқаватли уй-жой фонди фойдаланишга топширилди. Бу ўтган йилга нисбатан қарийб 3 баробар кўпдир.

Одамларимизнинг ҳаётий эҳтиёж ва манфаатларини таъминлашда бу муҳим масаланинг нақадар ўткир ва долзарб муаммо бўлиб турганини ҳисобга олиб, бу ишларнинг ҳажмининг оширишга эришди, биз янги йилда ҳам албатта давом эттирамиз. Чунки халқимиз эртага эмас, узоқ келажақда эмас, айнан бугун ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни қўришни истаиди. Бизнинг меҳнаткаш, оққўнғил, бағрикенг халқимиз бунга тўла ҳақлидир.

Оролбўйида экологик вазиятни яхшилаш юзасидан аниқ чоралар қўрилди. Молия вазирлиги ҳузурида Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси тузилди ва унга 200 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Ана шу маблағлар ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисининг сув таъминоти, турмуш шароити яхшиланмоқда. Шу билан бирга, мазкур худудларда 3 минг километрдан ортиқ ички йўллар капитал таъмирланди ва реконструкция қилинди.

Жорий йилда янги **таълим муассасаларини** қуриш, мавжудларини таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилди. 12 та умумтаълим мактаби янгитдан барпо этилди, 320 таси реконструкция қилинди, 152 та мактаб капитал таъмирланди. Шунингдек, 107 та мактабгача таълим муассасаси реконструкция қилинди ва қурилди, 195 та боғча капитал таъмирланди.

Фарзандларимиз тарбиясида энг асосий бугун ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги катта ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, Мактабгача таълим вазирлигини ташкил этдик. Биз ўзибу соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашимиз, жумладан, яқин 3-4 йилда барча худудларда минглаб янги

боғчалар қуришимиз, таълим-тарбия сифати ва даражасини янги босқичга кўтаришимиз лозим.

Кўплаб ота-оналар, ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамда кенг жамоатчилик томонидан билдирилган тақлифлар асосида юртимизда 11 йиллик таълим қайта тикланди.

Жойлардаги ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжни қоплаш учун Тошкент вилоятида Чирчиқ давлат педагогика институти ташкил этилди. Бундан ташқари, 15 та олий таълим муассасасида ташкил этилган махсус сиртки бўлимларда ўрта махсус маълумотга эга бўлган 5 мингдан ортиқ педагоглар учун олий маълумот олиш имконияти яратилди.

Таълим тизимидаги инновация ва креатив ёндашувлар асосида Мухаммад Хоразмий ва Мирзо Улугбек номлари билан аталадиган, аниқ фанлар чуқур ўқитиладиган махсус мактаблар ташкил этилди.

Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш борасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2017—2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури қабул қилинди.

Янги ташкил этилган институт ва филиаллар ҳисобидан юртимиздаги олий таълим муассасалари сони 81 тага, худудлардаги филиаллар 15 тага, қўшқий университетлар филиаллари 7 тага етди. Шулар қаторида Олмалик шаҳрида Москва пўлат ва қотишмалар институтининг, Тошкент шаҳрида эса АҚШнинг Вебстер университетининг филиалларини ташкил этиш бўйича келишувларга эришилганини таъкидлаш лозим. Олий таълим муассасаларида иқтисодиётнинг реал секторидagi талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, сиртки ва кечки бўлимлар очилди.

Ўзбекистон Фанлар академияси тизими такомиллаштирилди, моддий-техник базаси мустаҳкамланди, унинг таркибида бир қатор илмий-тадқиқот институти ва марказлар фаолияти тикланди. Кўп йиллик танаффусдан сўнг Фанлар академиясига сайлов ўтказилиб, ўзининг илмий ишлари билан мамлакатимиз ва халқаро микёсда ном қозongan истеъдодли олимлар академик деган юксак шарафга сазовор бўлдилар. Энди барчамиз Фанлар академиясидан янги илмий ишланмалар, истиқболли тадқиқотлар яратиш бўйича амалий натижалар кутиб қоламиз.

Буларнинг барчасидан биз ягона бир мақсадни кўзда тутмоқдамиз. Яъни Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт. Азиз дўстлар!

Жорий йилда маданий-гуманитар соҳаларни ривожлантириш бўйича қилинган ишлар ҳақида гапирганда, аввало, **маданият, адабиёт ва санъат, оммавий ахборот воситалари соҳасига** тааллуқли 12 та муҳим ҳужжат қабул қилинганини қайд этиш лозим.

(Давоми 3-бетда.)

2017-yil 23-dekabr, № 102-103 (9064)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI SHAVKAT MIRZIYEVNING OLIY MAJLISGA MUHOJATNOMASI

(Давоми. Боши 1—2-бетларда.)

Юртимиздаги ижодий уюшмаларнинг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш "Илҳом" жамоат фонди, шунингдек, маданият ва санъат муассасалари ҳамда йирик компания ва банклар ҳамкорлигида "Дўстлар клублари" ташкил этилди.

Яна бир муҳим янгилик — Тошкент шаҳридаги Миллий боғ ҳудудида муҳташам Адиблар хиёбони, Ёзувчилар уюшмасининг янги биноси, Қорақалпоғистонда ва бир қатор вилоятларимизда улуғ адибларимизнинг номлари билан аталган ижод мактаблари барпо этилди. Шунингдек, Қўқон шаҳри, Хоразм ва Жиззах вилоят драма театрлари қайта реконструкция қилинди, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали ташкил этилди.

Маънавий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлган ана шундай лойиҳалар ҳақида гапирганда, Ўзбекистондаги Ислоҳ цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий номларидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ислом академияси каби илмий-маърифий муассасалар фаолиятини йўлга қўйиш ишлари бошланганини алоҳида қайд этиш зарур. Шулар қаторида буюк алломаларимизнинг ёдгорлик мажмуалари қошида ҳадисшунослик, ислом ҳуқуқшунослиги, тасавуф, калом ва ақида илми каби диний-маърифий йўналишларни ўрганиш бўйича махсус мактаблар ташкил этилди. Албатта, бизнинг бу ишларимиз чуқур илмий ва амалий асосларга эга.

Маълумки, қадимий маданият ва цивилизациялар чорраҳаси бўлган юртимиз заминидан ўрта асрларда минглаб олим уламолар, буюк мутафаккир ва шоирлар, азиз-авлиёлар етишиб чиққан. Уларнинг аниқ фанлар ва диний илмлар соҳасида қолдирган бебаҳо мероси, бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланади.

Хозирги кунда Ўзбекистонимизнинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда. Афсуски, бу нодир китоблар ҳали тўлиқ ўрганилмаган, улар олимлар ва ўз ўқувчиларини қутиб турибди. Ушбу ноёб асарларда бугунги давр ўртага қўйётган жуда кўп долзарб муаммоларга жавоб топиш мумкин. Хусусан, ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб берадиган, барча одамларни эзгулик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик йўлида бирлашишга даъват этадиган теран маъноли фикр ва гоялар бугун ҳам ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотган эмас. Лекин биз ана шундай ноёб мерос ворислари, шундай бойлик эгалари бўлатуриб, уларни ҳар томонлама ўқиш-ўрганиш, халқимизга, аввало, униб-ўсиб келаятган ёшларимизга, жаҳон ҳамжамиятига етказиш бўйича, етарли иш қилмаганимизни ҳам очик тан олиш керак.

Биз диний жаҳолатга, зарарли оқимларга қарши маърифат билан курашиш кераклиги ҳақида кўп гапирармиз. Бу тўғри, албатта. Лекин маърифат, маърифий билimler қаерда — аввало ота-болаларимиз бизга қолдириб кетган мана шундай мўтабар китобларда эмасми?

Бизнинг ушбу йўналишдаги барча амалий ҳаракатларимиз айнан мана шундай эзгу мақсадга қаратилган бўлиб, нафақат мамлакатимиз ва мусулмон дунёсида, балки жаҳон миқёсида ҳам катта қизиқиш ва эътибор уйғотмоқда. Ана шундай бебаҳо бойликка, минглаб билимдон уламолар, фаол зиёлиларга эга бўлган, бу соҳада катта ташаббуслар билан чиқаятган халқ ва давлат сифатида юртимиздан қандайдир ақидапараст, диний оқимларга берилган кимсаларнинг чиқиши албатта бизга ярашмайди.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

2017 йил **ҳисмоний тарбия ва спорт соҳаси** бўйича ҳам катта ишлар қилинди. Юртимиз ёшларининг спорт соҳасидаги ютуқлари барчамизни қувонтирмоқда. Жаҳон ва китъа миқёсида янги-янги чемпионлар, шахмат бўйича халқаро гроссмейстерлар етишиб чиқмоқда.

Яқинга етиб бораётган йилда ўзбекистонлик спортчилар бокс, дзюдо, таэквандо, оғир атлетика, эркин кураш, самбо бўйича ўтказилган турли халқаро мусобақаларда салмоқли ютуқларга эришдилар. 2017 йил айниқса ўзбек миллий кураши тарихида ёрқин саҳифа бўлди. Сентябрь ойида Туркменистонда бўлиб ўтган Осиё олимпия кенгаши Бош ассамблеяси йиғилишида ушбу миллий спорт турини Осиё ўйинлари дастурига киритиш ҳақида қарор қабул қилинди. Яъни 2018 йил Индонезияда бўлиб ўтадиган 18-Осиё ўйинларида китъамиз спортчилари ўзбек миллий кураши бўйича ҳам ўзаро беллашдилар. Энди жаҳон спорт майдонларида **"ҳалол", "ғирром", "чала", "ёнош"** деган сўзлар жаранглаб, ўзбек номини, Ўзбекистон номини дунёга тараннум этади.

Айни вақтда биз Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасининг фаолиятини такомиллаштириш устида иш олиб бормоқдамиз. Бўлгуси халқаро олимпиада ўйинлари ва бошқа нуфузли мусобақаларга тайёргарлик ишлари энди бутунлай янги асосда йўлга қўйилади.

Бугун, мана шу юксак минбардан туриб, барча спортчи ёшларимизга, уларнинг устоз ва мураббийларига миллий спортимизни ривожлантириш йўлидаги хизматлари учун катта миннатдорчилик билдириб, янги зафарлар тиллашга руҳсат бергайсиз.

Муҳтарам юртдошлар!

Ўтган давр мобайнида **ташқи сиёсат соҳасида** хорижий давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш борасида сезиларли натижаларга эришдик.

2017 йилда 21 та олий даражадаги таширфлар амалга оширилди, 60 дан ортиқ давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Натижада 400 дан ортиқ битим ва келишувларга эришилди, қарийб 60 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги савдо ва сармоявий шартномалар имзоланди. Қабул қилинган ҳужжат ва келишувларни ўз вақтида тўлиқ бажариш мақсадида 40 та "йўл харитаси" ишлаб чиқилди ва хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда амалга оширилмоқда.

"Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё — бош устувор йўналиш" тамойилини амалда татбиқ этишга киришдик. Натижада минтақамизда мутлақо янги сиёсий муҳит яратилди, ўзаро ишонч ва яхши кўшничлик асосидаги алоқалар мустаҳкамланмоқда.

Туркменистон ва Қирғизистон билан стратегик ҳамкорлик ўрнатилди. Қозғистон билан стратегик ҳамкорлигимизни янада чуқурлаштириш борасида бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди, 2 миллиард доллар миқдориде иқтисодий битимлар тузилди. Тожикистон билан ҳамкорлигимиз ҳар томонлама мустаҳкамланмоқда. Тошкент ва Душанбе шаҳарлари ўртасида авиақатнов йўлга қўйилди.

Қирғизистон билан давлат чегаралари тўғрисидаги битимнинг имзоланиши Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган катта қадам бўлди. Қўшни Афғонистон Ислом Республикаси билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлида муҳим келишувларга эришилди, янги иқтисодий лойиҳалар бўйича амалий ишлар бошланди. Шунингдек, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Туркия, АҚШ ва Европа Иттифоқи давлатлари, мусулмон мамлакатлари билан ҳам самарали битим ва келишувларга эришилди.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби халқаро тузилмалар билан алоқаларни янги босқичда давом эттирмоқда. Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлигимиз тикланди, Европа инвестиция банки билан шериклик алоқалари ўрнатилди. Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялар банки билан ўзаро ҳамкорлик самарали тус олмақда.

Мамлакатимиздаги ижобий ўзгаришлар дунё ҳамжамиятида Ўзбекистонга бўлган қизиқишни ошириб, унинг халқаро майдондаги нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Албатта, йил давомида амалга оширган ишларимиз тўғрисида яна кўп гапириб мумкин. Лекин буларнинг барчаси биз танлаган узоқ ва машаққатли, айни пайтда ягона тўғри йўлдаги дастлабки қадамлар, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Фурсатдан фойдаланиб, "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурини амалга оширишда муносиб иштирок этган давлат ва нодавлат ташкилотлар, хўжалик бирлашмалари ва компанияларга, бу эзгу ишга ҳисса қўшган барча инсонларга самимий миннатдорчилик билдираман.

Муҳтарам мажлис иштирокчилари!

Мамлакатимизда шаклланган ижобий анъанага мувофиқ, энди сизлар билан бирга кириб келаятган янги — 2018 йилга қандай ном бериш ҳақида келишиб олишимиз керак. Биз бу масала бўйича кўп ўйладик. Йил давомида фуқароларимиздан Президентнинг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасига, давлат идораларига келган кўплаб мухожрат ва хатлар, жойларда бўлиб ўтган учрашувларда билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳам ҳисобга олдик, жамоатчилик фикрини ўргандик.

Билдирилган таклиф ва тавсияларнинг барчасини инобатга олиб, мен янги — **2018 йилга юртимизда Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили**, деб ном беришни таклиф этаман.

Шу ўринда фаол тадбиркорлик деган тушунчага қисқача тўхталиб ўтиш зарур. Фаол тадбиркорлик бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этадиган иқтисодий йўналишидир.

Фаол тадбиркор деганда, биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиш, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунаемиз. Бундай тадбиркорлар сафини кенгайтириш, жумладан, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналари мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яратиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлиши шарт. Керак бўлса, хориждаги етакчи компания ва ташкилотларда тажриба орттириши, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиши учун уларга ҳар томонлама имконият туғдириб беришимиз лозим.

Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган **инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз**. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврга ким ютади? Янги фикр, янги гояга, инновацияга таянган давлат ютади.

Инновация — бу келажақ дегани. Биз буюк келажагимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион гоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак.

(Давоми 4-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ

(Давоми. Боши 1—3-бетларда.)

Шунинг учун биз Инновацион ривожланиш вазиригини ташкил этдик ва унинг олдида аниқ вазифаларни кўйдик. Бу вазирлик нафақат иқтисодийёт соҳасида, балки бутун жамият ҳаётида энг муҳим лойиҳаларни амалга оширишда ўзига хос локомотив ролини бажаради, деб ишонамиз.

Келгуси йилда илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятини ривожлантириш, бунинг учун зарур молиявий ресурсларни сафарбар этиш, ушбу жараёнда иқтидорли ёшлар иштирокини, ижодий ғоя ва ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси эътиборимиз марказида бўлади.

I. Давлат ва жамият қурилиш тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари

Ҳурматли халқ ноиблари!

Бугунги кунда жамият ҳаётидаги мавжуд муаммоларни самарали ечиш, кенг қўламли ислохотларни изчил давом эттириш зарурати давлат бошқаруви соҳасида мутлақо янги тизим яратишни тақозо этмоқда. Ўйламанки, бунинг учун **“Давлат хизмати тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вақти келди.**

Бу борада бошқа муҳим масалалар қаторида давлат хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларнинг муносиб ижтимоий таъминот тизимини яратиш, айни вақтда мансабдор шахслар жавобгарлигини оширишни ҳам кўзда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Биз бошқарув соҳасида **биринчи навбатда** ижро ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш, кадрлар, моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича аниқ мезон ва тартибларни жорий этишимиз зарур.

Иккинчидан, ижро ҳокимияти органлари зиммасидаги вазифаларни амалга ошириш тартибини, уларнинг масъуляти доирасини аниқ белгилаш лозим.

Учинчидан, иқтисодийёт тармоқларига маъмурий таъсирларни қисқартириш ва бозор механизмларидан кенг фойдаланиш керак. Яъни давлат иштирокидаги бизнес тузилмаларини ташкил этишни чеклаш, бу борада бозорга хос механизмларни ишлаб чиқиш, давлатнинг айрим функцияларини хусусий секторга ўтказиш даркор.

Тўртинчидан, ҳокимиятнинг вакиллик органлари ва ижро ҳокимияти идоралари ўртасида яқин ҳамкорликни таъминлайдиган усул ва услубларни такомиллаштириб, ўта марказлашган бошқарувдан босқичма-босқич воз кечиш лозим.

Давлат хизматларини бевосита қуйи бўғинларда кўрсатиш, маҳаллий ҳокимият идоралари учун молиявий ва бошқа имкониятларни кенгайтириш зарур. Бу борада мавжуд тартиб-таомилларни оптималлаштириш ва соддалаш-

тириш, бошқарувнинг инновацион шакллари жорий этиш лозим.

Бешинчидан, давлат хизмати институтини ислоҳ қилиш, коррупцияга қарши таъсирчан кураш механизмларини жорий этиш керак.

Бугун ҳаётнинг ўзи биздан профессионал, тезкор ва самарали давлат хизмати тизимини шакллантириш, янги фикрлайдиган, ташаббускор, эл-юртга садоқатли кадрларга кенг йўл очиш бўйича самарали тизим ишлаб чиқишни талаб этмоқда.

Юқорида зикр этилган вазифаларни бажариш учун **Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини** огишмай амалга оширишимиз даркор.

Маълумки, мамлакатимизда коррупцияга қарши самарали кураш олиб бориш мақсадида ушбу йўналишда алоҳида қонун қабул қилинди. Шу асосда аниқ мақсадларга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олган давлат дастури изчиллик билан амалга оширилмоқда. Ана шундай ишларимиз натижасида шу йилнинг 9 ойида коррупция билан боғлиқ жиноятлар ўтган йилга нисбатан 33 фоизга камайди. Биз бундай натижаларни коррупцияга қарши кураш борасидаги узоқ ва давомли фаолиятимизнинг дастлабки самараси, деб қабул қилишимиз, бу йўлда янада қатъий иш олиб боришимиз шарт.

Қадрли дўстлар!

Ислохотларимиз самарасини оширишда **парламент, депутат ва сенаторларнинг ўрни ва ролига** алоҳида тўхталишни жоиз, деб ҳисоблайман.

Шу йил 12 июлда Олий Мажлис аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувда **парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижросига айланishi зарурлигини** алоҳида таъкидлаб, амалий чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаган эдик. Лекин бу дастур ижросидан халқимиз қандай наф кўрди, қайси депутат ёки сенатор одамларимизнинг оғирини енгил қилишга, соғлиқни сақлаш, экология, коммунал хўжалик, таълим ёки бошқа соҳаларда уларни қийнаётган муаммоларни ҳал қилишга қандай ҳисса қўшди?

Бу борадаги аниқ мисолларни халқимиз ҳаётда ҳам, матбуот ва телевидениеда ҳам кўраётгани йўқ. Бу — ҳақиқат.

Афсуски, депутатлар, сенаторларимиз уйғониши керак, бу — ҳаёт талаби, деган гаплар гаплича қолиб кетди. Яна бир бор айтман, қўтилган амалий натижа йўқ.

Йил давомида билдирилган 136 та қонунчилик ташаббусидан бор-йўғи 27 таси депутатларга тегишли бўлиб, улар ҳам асосан амалдаги қонунларга Президентнинг фармон ва қарорларидан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалардир. Шунинг ўзи парламентимиз фаолияти самараси етарли эмаслигини кўрсатмайди-ми?

Нима ислохотларни амалга ошириш учун фақат Президент фармон ва қарорлар қабул қилиши керакми?

Қачон парламент, майли, кўп эмас, ҳеч бўлмаса битта соҳани тубдан яхшилашга қаратилган қарор ёки қонун ишлаб чиқади? Қачон бўлади бу иш?

Эл-юртимиз сизлардан, мухтарам халқ ноибларидан бу борада жавоб кутмоқда. Депутат ёки сенатор бўлиб сайландик, энди ўзиниз хоҳлаганча юрамиз, деган гаплар ўтмишда қолиб кетди. Яна бир бор айтман, уйғониш керак.

Афсуски, парламентимиз фаолияти кўп ҳолларда шунчаки расмий йўналишлардан иборат бўлиб қолмоқда.

Нима учун аниқланган муаммолар ёки сайловчилар кўтараётган масалалар тегишли қонунлар қабул қилиш йўли билан ёки ижро ҳокимияти олдига масалани қатъий қўйиш билан ҳал этилмаяпти? Самарасиз назорат, қуруқ мажлисларнинг, айтинглар, кимга кераги бор?

Парламентимиз соғлиқни сақлаш тизими, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ҳамда маҳаллий Кенгашларда ишчанлик, ўз-ўзини таққид руҳини яратишга бош-қош бўлиши зарурлиги тақлиф қилинган эди.

Бирок бу соҳаларда парламент ва депутатларнинг ўрни етарлича сезилмаяпти.

Бугунги кунда биронта ҳам ҳудудда соғлиқни сақлаш тизими аҳоли учун муносиб хизмат қиладиган даражада ташкил этилган, деб айтолмаймиз.

Қонунчилик палатаси (Н.Исмоилов) ўз иш фаолиятида асосий эътиборни тизимдаги ана шу муҳим муаммоларни, айниқса, жойларда ҳал этишга қаратса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Керак бўлса, Қонунчилик палатасида соғлиқни сақлаш масалалари бўйича алоҳида кўмита ташкил этиб, унинг аъзолари асосан ҳудудларда фаолият кўрсатса, нур устига нур бўларди.

Ҳисоботларга эътибор берсак, маҳаллий Кенгашлар фаолиятида гўёки ижобий ўзгаришлар юз бераётгандек туюлади, лекин улар фақат рақамларда акс этмоқда, ҳолос. Бизга рақамлар эмас, аниқ натижа керак.

Қачонки, ҳудудлардаги вазият ижобий томонга ўзгарса, бюджет ижроси тўлиқ таъминланса, жиноятчилик камайса, янги иш ўринлари яратилса, энг муҳими, халқимизнинг турмуш даражаси яхшиланса, маҳаллий Кенгашлар фаолиятига ижобий баҳо берса бўлади.

Афсуски, биронта туманда халқ депутатлари Кенгашининг фаолияти намунали асосда ташкил этилгани йўқ.

Сенат раҳбарияти (Н.Йўлдошев) юқори палатанинг бу йўналишдаги ишини танқидий кўриб чиқиши, аҳолининг фикр ва мулоҳазаларини эътиборга олган ҳолда, вакиллик органлари фаолиятини тубдан ўзгартириш бўйича зарур чораларни кўриши мақсадга му-

вофиқдир. Шунингдек, ҳудудларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самардорлигини ошириш борасидаги ишларни ҳам сусайтирмаслик лозим.

Парламентимизнинг энг муҳим фаолияти — қонун ижодкорлигини ҳам камчилик ва нуқсонлардан холи, деб бўлмайди. Очик тан олиш керак, аксарият ҳолларда бирон-бир масалани аниқ ҳал этмайдиган, бир-бирига тўғри келмайдиган қонун ва қонуности ҳужжатларини қабул қилиш амалда кўплаб муаммолар туғдирмоқда.

Ўзингиз айтинг, самарасиз ишчи гуруҳлар ташкил этиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсир кўрсатмайдиган, ижро механизмларига эга бўлмаган, таъбир жоиз бўлса, “ўлик” қонунлар кимга керак? Ана шундай салбий ҳолатларни бартараф этиш мақсадида **Қонунчилик ва норматив ҳужжатлар ижодкорлигини такомиллаштиришга доир концепция** ишлаб чиқиб, амалга оширишимиз лозим.

Бундан буён турли дастурлар ижроси доирасида қонун қабул қилиш амалиётини қайта кўриб чиқамиз.

Барчамиз бир ҳақиқатни унутмаслигимиз керак: **қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт.**

Ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан фикр ва тақлифларни қуйидан — фуқаролардан, жойлардаги халқ депутатлари Кенгашларидан олиш тартибини кенг жорий этиш зарур. Қонунларни қабул қилиш жараёнида уларни аҳоли ўртасида ҳар томонлама муҳокама қилиш тизимидан самарали фойдаланишимиз керак.

Олий Мажлис раҳбарияти қонунлар муҳокамасига кенг халқ оммасини жалб қилиш, бунинг учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, жумладан, Интернет тармоғида махсус “майдон”лар яратиш зарур. Шу муносабат билан мамлакатимиз фуқаролари давлат ва жамият ҳаётига дахлдор муҳим масалалар бўйича ўз фикрларини билдиришлари учун Интернет тармоғида **“Менинг фикрим”** деб номланган махсус веб-саҳифа ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, демократиянинг илғор механизми сифатида **жамоа бўлиб электрон муурожаат киритиш тартибини** татбиқ қилиш зарур. Яъни бир гуруҳ фуқаролар томонидан илгари сурилган ташаббусларни Олий Мажлис ёки халқ депутатлари Кенгашлари кўриб чиқиши мажбурий экани қонунда белгилаб қўйилиши лозим.

Биз яқинда Олий Мажлис ҳузурида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтини ташкил этдик. Ушбу институт Олий Мажлисга келаётган турли тақлифларни чуқур таҳлил қиладиган, таъбир жоиз бўлса, элакдан ўтказадиган илмий марказ бўлиши лозим.

(Давоми 5-бетда.)

2017-yil 23-dekabr, № 102-103 (9064)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI SHAVKAT MIRZIYEVNING OLIY MAJLISGA MUHOJATNOMASI

(Давоми.
Боши 1—4-бетларда.)

Яна бир муҳим масала — барча соҳаларда вазиятни ҳар томонлама ўрганиш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун таъсирчан чоралар ишлаб чиқишда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада кучайтириш керак. Бу жараёнда ҳам рақамлар кетидан қувиш амалиётидан воз кечиш лозим. Қоғозда юзлаб масалаларни ҳал қилгандан кўра, амалда бир нечта муаммони ҳал қилиб берсангиз, одамлар сизлардан рози бўлади.

Энг муҳими, ҳаётдаги ўзгаришларни халқимиз билиши, давлат ҳокимияти тизимида ҳақиқатда ҳам ўз вакили борлигини сезиши керак. Бўлмаса, барча ишларимиз, тадбирларимиз зое кетади.

Партиялараро рақобатни таъминлаш, барча сиёсий субъектлар учун тенг шароитлар яратиш парламент ролини кучайтиришнинг муҳим шarti ҳисобланади.

Маълумки, 2008 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Экологик ҳаракати ўтган даврда чинакам сиёсий кучга айланган. Аммо тан олиш керак, Ҳаракат вакиллари парламент қуёи палатасига квота асосида киритилиши унинг фаол ва ташаббускор бўлиб ишлашини муайян даражада сусайтирмоқда. Барча сиёсий кучлар учун тенг шароит яратиш ва парламент қуёи палатасидан **Экологик ҳаракат вакиллари учун махсус ўрин ажратишдан воз кечиш** вақти келди, деб ўйлайман. Бу ўзгариш сиёсий майдонда соғлом рақобатни кучайтиради ва Экологик ҳаракатнинг алоҳида сиёсий куч сифатида мустақамлашишига хизмат қилади.

Шу ўринда сиёсий ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга бўлган сайлов қонунчилиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Бу борада қабул қилинган 6 та қонун ва бир қатор қонуности ҳужжатлари, афсуски, ҳалигача яхлит бир ҳужжат шаклига келтирилмаган. Шу сабабли халқаро норма ва стандартларга жавоб берадиган **ягона Сайлов кодексини** ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим. Шунингдек, 2019 йилда ҳокимиятнинг вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш бўйича тадбирлар дастурини ишлаб чиқишга ҳозирдан киришиш керак. Дастурда мазкур сиёсий жараён янада ошқоралик руҳида ўтишини таъминлайдиган янги, илғор амалиётни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Хурматли дўстлар!

Олдимизда турган навбатдаги муҳим масала — давлат хизматлари сифатини тубдан яхшилаш, уларнинг кўламини кенгайтириш орқали аҳоли учун қўлай муҳит яратишдан иборат. Шунинг учун барча давлат идоралари томонидан кўрсатиладиган хизматларни мувофиқлаштириб ва назорат қилиб борадиган янги тузилма — Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлигини ташкил этдик. Эндиликда ушбу Аген-

тликнинг Халқ қабулхоналари қошида фаолият олиб борадиган Давлат хизматлари марказлари нафақат тадбиркорларга, балки бутун халқимизга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатадиган идора бўлади.

Давлат органлари фаолиятини режалаштириш, самарадорлигини ошириш ҳамон долзарб масала бўлиб турибди.

Бугун бирорта идоранинг ўтган даврдаги фаолиятини ҳолисона баҳолаш имконини берадиган аниқ мезон йўқ. Масалан, ҳозирги кунгача мен Иқтисодиёт вазирлиги ёки бошқа бирон вазирлик фаолиятига қайси мезонлар бўйича баҳо берилишини билмайман. Шунинг учун вазирлик ва идоралар, барча даражадаги ҳокимликлар прогноз кўрсаткичларни белгилашда ўз фаолиятида кутилаётган натижаларнинг аниқ миқдор ва сифат кўрсаткичларини белгилаб олиши лозим.

Давлат органлари тузилмаси ва вазифаларини қайта кўриб чиқиш талаб этилмоқда. Энг муҳими, бу борада хатога йўл қўймаслик, чуқур ўйлаб қарор қабул қилиш учун Маъмурий ислохотлар концепциясини амалга ошириш бўйича комиссиядан албатта ижобий ҳулоаса олинishi лозим.

Мамлакатимизда қабул қилинаётган чора-тадбирларни самарали амалга оширишда **ижро ҳокимияти органларининг уйғун фаолият олиб бориши** гоят муҳим аҳамиятга эга.

Афсуски, бугунги кунда фаолият йўналишидаги жавобгарлик даражаси, ваколат механизмлари аниқ чегаралаб, белгилаб қўйилмагани ишимизга халақит бермоқда.

Шу муносабат билан давлат бошқарувида очиқликка асосланган, самарали қарорлар қабул қилиш тизимини татбиқ этиш лозим.

Давлат бошқарув органлари ва Вазирлар Маҳкамаси ўртасида ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориш бўйича принцип ва механизмларни қайта кўриб чиқиш мақсада мувофиқдир.

Ҳар бир вазирлик ўзига ишониб топширилган соҳада давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлаши ва яқиний натижа учун тўлиқ жавобгар бўлиши шарт.

Вазирликлар билан тенг мақомада фаолият олиб бораётган, ҳукумат ва парламент билан бевосита ҳамкорлик қилаётган агентликлар, кўмита, инспекция ва марказларни тегишли вазирликларга бўйсундириш талаб этилади. Шунинг назарда тутган ҳолда, Ҳукуматнинг вазифа ва тузилмасини танқидий қайта кўриб чиқиш ва оптималлаштириш лозим. Бундай ўзгаришлар давлат ва ҳўжалик иши соҳасида деярли бир хил вазифаларни бажараётган юздан ортиқ бошқарув органлари сонини тубдан қисқартириш имконини беради.

Биз учун энг оғир муаммолардан бири — давлатнинг функция ва ваколатлари ҳаддан ташқари марказлашиб кетганидир. Масалан, ҳозирги вақтда 64 та лицен-

зия тури мавжуд бўлса, шундан 21 таси Вазирлар Маҳкамаси ва 40 таси марказий идоралар томонидан берилади. Бу лицензияларнинг учтаси вилоят ҳокимликлари ва фақатгина биттаси туман ҳокимликлари ваколатига тегишлидир. Бундай ҳолатни рухсат бериш билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш соҳасида ҳам кузатиш мумкин.

Рухсат беришга оид 220 та ҳужжатдан фақатгина 11 тасини туман ёки шаҳарларда олиш мумкин. Қолган 209 таси учун республика ва вилоят органларига мувофиқ қилишга тўғри келади. Ўзингиз айтинг, бунинг тўғри деб бўлади? Масалан, Шовот туманида хусусий ёгча очишга лицензия олиш учун тадбиркор минг километр масофани босиб, Тошкентда келиб-кейтишга, 3-4 ойлаб кутишга мажбур бўлмоқда.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, кредит ва молия воситаларини ажратиш, маҳаллий даражада кўпгина муҳим қарорларни тасдиқлаш борасида ҳам шундай ҳолатлар кузатишмоқда.

Маҳаллий ҳокимлик органлари оҳдий масалаларни ҳал этишда ҳам ваколатга эга бўлмаса, бунинг қандай тушуниш мумкин?

Буларнинг барчаси маҳаллий тузилмаларга ҳудудлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш бўйича мустақил иш олиб боришда салбий таъсир кўрсатмоқда.

Давлат бошқарувини ҳаддан ташқари марказлаштиришдан воз кечиш зарур. Бунинг учун кўпгина ваколатларни марказий давлат органларидан ҳудудий органларга ўтказиш керак. Шунинг учун жойларда — туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликларида инвестицияларни фаол жалб этиш бўйича ҳоким ўринбосарлари лавозими жорий этилди.

Шу билан бирга, ҳудудий бошқарув органларининг бюджет маблағларини шакллантириш, қўшимча захираларни яратиш бўйича солиқ, молия ва иқтисодиёт соҳалари органларининг масъулиятини ошириш юзасидан қарор қабул қилинди.

Бюджет тизимини ислоҳ қилиш соҳасида маҳаллий ҳокимият органлари ваколатлари янада кенгайтирилди. Энди ҳар бир ҳудуд раҳбари берилган имкониятлардан фойдаланиб, масъулиятни тўла ўз зиммасига олиши, ўз аравасини ўзи тортиши керак.

Яқин истиқболдаги долзарб вазифалардан бири — **ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий масалаларга масъул бўлган раҳбарларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича ваколатларни туман ва шаҳар ҳокимларига тўлиқ ўтказишдан иборат**. Бундан буён тиббиёт бирлашмаси, халқ таълими, иқтисодиёт, молия бўлимлари, солиқ инспекцияси ва бошқа тузилмалар раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва озод этиш туман ҳокими томонидан амалга оширилади. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бўйича кадрларни танлаш, тайинлаш ва лавозимдан озод этиш билан боғ-

лиқ ваколатлар қайта кўриб чиқилади.

Айни пайтда маҳаллий раҳбарларга бундай кенг ваколат ва мустақиллик бериш билан бирга, яқиний натижа учун уларнинг жавобгарлигини тубдан оширишимиз зарур.

Яна бир муҳим вазифа — **ҳокимларнинг ижро ва вакиллик ҳокимияти раҳбари сифатидаги ваколатларини алоҳида-алоҳида ажратиб қўйиш** билан боғлиқ.

Кейинги пайтда юртимизда халқ депутатлари Кенгашларининг роли, халқ ноибларининг ваколатлари тубдан оширилди. Сиёсий партияларнинг маҳаллий ҳокимият идораларини шакллантириш борасидаги ваколатлари босқичма-босқич кенгайтирилди, депутатлик назорати эса мустақамланди. Бироқ, очиқ тан олишимиз лозим, ҳокимларнинг ҳам маҳаллий Кенгашларга, ҳам ижро ҳокимиятига раҳбарлик қилиши демократик принципларга мос келади, деб бўлмайди.

Ҳаммага маълум, ҳокимлар ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан маҳаллий Кенгашларга ҳисоботлар тақдим этади. Кенгашлар эса ўз ўрнида тегишли қарорлар қабул қилади. Энди, айтишлар, ҳисоботини ўзи раҳбарлик қилиб келаётган маҳаллий Кенгашга тақдим қилиши ва тасдиқлатиши, ўзининг фаолиятига ўзи баҳо бериши тўғрими?

Бу тизим ҳокимлар ва маҳаллий Кенгашлар вазифаларини самарали бажаришига салбий таъсир этаётганини замоннинг ўзи кўрсатмоқда. Биз келгусида бу масала бўйича қонунга асосланган тўғри ечим топамиз.

Ҳокимларнинг ҳудудларни ривожлантириш, маҳаллий бюджетни ижро этиш, коммунал муаммоларни ҳал қилиш каби долзарб фаолиятни устидан халқимиз ўз вакиллари орқали тегишли назоратни амалга оширишига имконият яратиш бериш бизнинг энг муҳим вазифамиз бўлиб қолиши зарур.

Бугунги шароитда айнан очиқлик ва ҳисоб бериш масъулияти давлат аппаратини самарали шакллантиришнинг муҳим шarti ҳисобланади.

Яқин келажакда **барча давлат харидларини амалга ошириш ва давлат мулкни сотиш** учун Интернет тармоғида ягона майдон ташкил этиш лозим. Бу бюджет харажатларини қисқартириш, давлат мулкни самарали бошқариш ва катта молиявий маблағларни иқтисод қилиш имконини беради.

Мухтарам юртдошлар!

Эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошираётган ислохотларимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва роли беқиёс эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

(Давоми 6-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI SHAVKAT MIRZIYEVNING OLIY MAJLISGA MUHOJATNOMASI

(Davomi.
Bo'lim 1—5-betlarda.)

Хозирги кунда юртимизда 9 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти мавжуд, 29 та халқаро ва хорижий ноҳукумат ташкилотларининг филиал ва ваколатхоналари фаолият юритмоқда. 2017 йилда "Нуроний" жамғармаси, Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Савдо-саноат палатаси, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши каби нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган алоҳида фармон ва қарорлар қабул қилинди. Аммо ана шундай муҳим саноат-харажатларга қарамадан, аҳолининг муаммоларини тизимли ўрганиш, уларни аниқ ҳал этиш, айниқса, ижтимоий шароити оғир аёлларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш масалаларида бу ташкилотларнинг иштироки етарли даражада сезилмапти. Улар фақат номига йиғилишлар ўтказиш билан машғул бўлиб қолмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари бугун айтилган танқидий гаплардан ҳулоса чиқариб, ўз фаолиятида бурилиш ясади, деб ишонамиз. Ушбу ижтимоий тузилмалар билан амалий мулоқотни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурда **Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича масъалат кенгашини** тузиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Бу йўналишдаги яна бир долзарб муаммага тўхталиб ўтмоқчиман. Бугунги кунга қадар давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий механизмлари яратилмаган. Бу эса нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини холисона баҳолашга ҳалақит бермоқда. Шундан келиб чиқиб, давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизмларини жорий этиш мақсадида **"Жамоатчилик назорати тўғрисида"**ги қонунни қабул қилиш зарур. Шу муносабат билан барча давлат органлари қошида фаолият олиб борадиган жамоатчилик кенгашлари ташкил этишни тақлиф қиламан. Мазкур жамоатчилик кенгашлари давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлайдиган, уларни аҳоли билан бевосита боғлайдиган кўпчилик вазифини бажариши лозим.

Жамиятимиз ҳаётида демократик принципларни мустаҳкамлашда **оммавий ахборот воситалари** муҳим ва таъсирчан омили ҳисобланади. Бу борада чинакам профессионал замонавий журналистикани шакллантириш, хусусан, нодавлат оммавий ахборот воситаларини, ахборот ва таҳлилий Ин-

тернет сайтларни молиявий қўллаб-қувватлашга эътибор қаратиш, бунинг учун алоҳида давлат фондиди тузиш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда юртимизда 1 минг 500 дан зиёд оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда. Улар мулк шакли, йўналиши, ахборот узатиш воситаларига кўра турличадир. Ўз-ўзидан равшанки, уларнинг барчасига юқори малакали кадрлар керак.

Афсуски, бундай кенг кўламли вазифини талаб даражасида ҳал этадиган таянч олий ўқув юрти мамлакатимизда мавжуд эмас. Шу муносабат билан Журналистика ва оммавий коммуникация воситалари университети ташкил этиш зарур, деб ҳисоблайман.

II. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари

Ҳурматли депутат ва сенаторлар!

Мен бир фикрни такрорлашдан чарчамайман: халқимиз ҳамма нарсдан устун қўядиган адолатни ҳаётимизда том маънода қарор топтириш энг асосий вазифамизга айланиши шарт.

Ўтган бир йил давомида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар бошланди. Хусусан, судлар тузилмасини ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ҳеч қайси ҳокимият бўғинига бўйсунмайдиган орган — Судьялар олий кенгаши ташкил этилди. Кенгаш томонидан судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлашда таъсирчан жамоатчилик назорати ўрнатилди.

Мазкур соҳадаги ислохотларни давом эттиришимиз лозим. Шу мақсадда Олий Мажлис ҳузурда **Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашиш комиссиясини** ташкил этиш зарур, деб ҳисоблайман. Бу комиссия одамлардан келиб тушаётган муҳожаатлар, халқ билан бевосита учрашув ва мулоқот жараёнида кўтарилаётган масалаларни умумлаштириш, парламент сўрови орқали ҳаққоний вазиятни таҳлил қилиши, Олий суд ва Судьялар олий кенгаши билан бирга муаммоларни ҳал этиш чораларини кўриши лозим.

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш учун, биринчи навбатда, судьяларни одил судловга таъсир ўтказадиган омиллардан ҳимоя қилиш керак. Тергов ва суд ишига аралашши ҳолатларини аниқлаш, бунинг учун жавобгарликни кучайтириш ва жазо муқаррарлигини таъминлаш гоят муҳимдир.

Биз "Хабас корпус" институтини жорий этиш ва тергов олиб боришда суд назоратини кучайтириш борасидаги ишларни изчил давом эттирамиз. Шундан келиб чиққан ҳолда, тинтув ўтказишга ва жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларнинг телефондаги муло-

қотларини эшитиб туришга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш зарур.

Биз айрим қилмишларни жиноятлар тоифасидан чиқариш ва либераллаштириш, жиноий жазоларни инсонпарварлик нуқтаи назаридан ўзгартиришга алоҳида эътибор қаратамиз. Шу мақсадда **2018—2021 йилларда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни ривожлантириш концепциясини** қабул қилишимиз ва амалга оширишимиз зарур.

Халқимизнинг кечиримли бўлиш ва бағрикенглик каби азалий қадриятларидан келиб чиқиб, **жиноий жавобгарликка тортиш муддатларини қайта кўриб чиқиш лозим**. Шунингдек, юксак профессионал даражада фаолият юритадиган малакали судьяларни тайёрлашга хизмат қиладиган **Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясини** ташкил этишимиз керак.

Конституция байрамига бағишланган мажлисда таъкидланганидек, бундан буён Ўзбекистонда ҳибсга олинган ва жиноий жавобгарликка тортилган шахсларга нисбатан қийноққа солиш, рўқий ҳамда жисмоний босим ўтказиш, бошқа гайриинсоний зўравонликка мутлақо йўл қўйилмайди. Бундай ҳаракатларни содир этган ҳодим ёки кимнингдир "буюртмаси"ни бажарган ҳар қандай шахс, ким бўлишидан қатъи назар, муқаррар қонуний жазога тортилади.

Маҳкумлар ҳуқуқларини таъминлайдиган қўшимча механизмлар яратишни ҳисобга олган ҳолда, **жиноят-ижро қонунчилигини янада такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади**.

Жазони ижро этиш муассасалари тизимини танқидий ўрганиш ва тубдан такомиллаштириш доирасида 2018—2022 йилларда тегишли чора-тадбирлар дастурини қабул қилиш режалаштирилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш мақсадида барча вақтинча сақлаш ва тергов ҳибсхоналари, жазони ижро этиш муассасалари видеокузатув воситалари билан жиҳозланади. Келгуси йилдан бошлаб ички ишлар органлари йўл-патрул ва пост-патрул хизматларини ўз вазифини бажариш, айниқса, фуқаролар билан мулоқот жараёнини қайд этиш имконини берадиган видеокамералар билан таъминлаймиз. Бу тизим соҳадаги мавжуд таъмагирлик ва суиистеъмолчилик ҳолатларининг олдини олиш имконини яратади.

Хозирги вақтда вилоятлар ўртасида йўл-патрул постларининг эскича жойлашуви ҳаракатланиш эркинлигини чеклаб, савдо-иқтисодий муносабатлар, ички ва ташқи туризм ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзингиз ўйланг, бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудидида 60 дан зиёд бундай постлар мавжуд. Энди тасаввур қилинг, оддий одам Хоразмдан Тошкентга машинада келмоқчи бўлса, йўлда 17 та постдан ўтади. Фарғона водийсидан келаётган киши эса 8 та ана шундай постга дуч келади. Шу муно-

сабат билан вилоятлар чегарасидаги барча йўл-патрул постларини тугатиш, патрул хизмати стационар постлари сонини кескин камайитириш лозим.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, биз ҳуқуқий демократик давлат қураётган эканмиз, ҳар томонлама билимли, юқори малакали, халқаро стандартларга жавоб берадиган, ўз касбининг ҳақиқий фидойиси бўлган **ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш ишларини** такомиллаштиришимиз керак.

Айни пайтда юртимиздаги олий таълим муассасаларига юридик мутахассислик бўйича бир йилда 600 га яқин талаба қабул қилинади. Бу жами олий ўқув юртига қабул қилинадиган талабаларнинг атиги бир фоизини ташкил этади. Ўзингиз айтинг, бу билан давлатимиз ва жамиятимизнинг ҳуқуқшунос мутахассисларга бўлган, тобора ортиб бораётган эҳтиёжини қондириш мумкинми? Албатта, йўқ. Бу борада Тошкент давлат юридик университетининг ўқув-методик базасини кенгайтириш билан бирга, мамлакатимизда мазкур йўналишдаги йирик ва нуфузли хорижий олий таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш биз учун муҳим вазифа ҳисобланади.

Барчага маълумки, юртимизда охириги йилларда адвокатурани ривожлантириш бўйича эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилди. Эндиликда адвокатларнинг консалтинг хизмати, яъни маслаҳат бериш ва тadbirkorлик субъектларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш чораларини кўришимиз лозим. Адвокатлар томонидан юридик хизматлар кўрсатиш борасидаги фаолиятни кенгайтириш даркор. Жумладан, тadbirkorларга рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришда кўмаклашиш, давлат органларида вакиллик қилиш, низоларни судга ҳал этиш, меҳнат ҳуқуқи бўйича юридик хизматлар кўрсатиш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш каби йўналишларда бундай хизматларни кучайтириш керак.

Барчамизга аёнки, шу вақтгача ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ва суд идораларининг асосий вазифаси аксарият ҳолларда одамларни жазолашдан иборат бўлиб келган. Бу — аччиқ ҳақиқат. Шу муносабат билан бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: ҳуқуқ-тартибот органлари ҳодимлари яхши билиб олсин — "текшир-текшир" ва "деди-деди" кабиллидаги гаплар асосида жавобгарликка тортишлардан халқимиз қаттиқ чарчаган.

Ваколат доирасидан чиқиб, барча соҳаларга аралашши, Ватан ва халқ манфаати бир четда қолиб, ўз манфаати йўлида "идора" номини рўқач қилиш даври ўтди. Яъни энди биронта фуқаро қалбаки далиллар, тухмат ва бўҳтонлар асосида жавобгарликка тортилмаслиги шарт. Конституция ва қонун нормалари сўзсиз ишлаши учун ишончли кафолатлар яратишимиз зарур.

(Davomi 7-betda.)

2017-yil 23-dekabr, № 102-103 (9064)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI SHAVKAT MIRZIYEVNING OLIY MAJLISGA MURUJOATNOMASI

(Давоми.
Боши 1—6-бетларда.)

Биз ҳар қайси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи бевосита ўз ваколати доирасидан чиқмайдиган, бир-бирининг функциясини такрор этмайдиган тизим шакллантиришимиз шарт. Лўнда қилиб айтганда, ички ишлар — жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш билан, миллий хавфсизлик — давлатни ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш билан шуғулланиши лозим. Прокуратура эса қонунлар ижроси устидан назорат олиб бориши зарур. Судларнинг асосий вазифаси адолат қарор топтиришдан иборат. Бунинг учун суд ҳар бир иш юзасидан қонуний, асосли ва адолатли қарор чиқариши лозим. Шу мақсадда ўтган бир йил мобайнида суд, прокуратура, ички ишлар органи фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш бўйича кенг қўламли ишларни амалга оширдик. Ушбу идораларнинг вазифалари аниқ белгиланиб, уларнинг фаолияти халқ манфаатларига хизмат қилишга йўналтирилмоқда. Лекин бу борада қабул қилинган қатор қонун, фармон ва қарорларимиз ҳаётга тўлиқ татбиқ этилди, дейишга, албатта, ҳали эрта.

Қўрилаётган чораларга қарамадан, ички ишлар идоралари ҳали чинакам "Халқларвар ички ишлар идоралари"га айлангани йўқ.

Прокуратура органининг эса жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги фаолияти етарли эмас.

Суд идоралари ҳали-ҳамон ҳар қандай ҳолатда адолат қарор топадиган масканга айлангани йўқ.

Мазкур идоралардаги барча ходимлар фаолияти фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга тўлиқ сафарбар этилмоқда, деб айтолмаймиз. Шу сабабли бу соҳадаги ислохотларни келгусида ҳам қатъий ва изчил давом эттирамиз.

Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ишига фақат ва фақат халқимизнинг ўзи баҳо беради. Улар учун ягона ва энг қаттиқ талаб — бу фуқароларнинг қонуний манфаатларига хизмат қилиш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳимоя қилишдан иборат. Энг асосийси, биз бир идора қўлида барча ваколат ва ресурслар тўпланиб қолишига, ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати принципи бузилишига йўл қўймаслигимиз зарур.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Миллий хавфсизлик хизмати идоралари бугунги кунгача 26 йил аввал Ҳуқумат тасдиқлаган Низом асосида фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу Низом чорак аср давомида ўзгартирилмагани ва ҳар қандай оддий масала ҳам миллий хавфсизликка таҳдид деб баҳолаб келингани ушбу идора ваколатларининг асосий кенгайиб кетишига сабаб бўлган.

Айни вақтда дунёнинг баъзи минтақаларида юзага келган кучли вазиет аҳоли миграцияси хуҷайишига, бу эса, ўз навбатида,

терроризм ва экстремизмнинг тарқалишига ҳамда уларнинг глобал муаммолардан бирига айланишига олиб келмоқда. Бундай вазиятда миллий давлатчилигимиз, мустақиллигимиз, аҳолимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти ва хавфсизлигимизни сақлаш биз учун энг устувор вазифага айланиб бормоқда. Айнан шу нуқтаи назардан ва глобаллашув даврининг барча таҳдидларини инобатга олган ҳолда, Миллий хавфсизлик хизмати фаолиятини ҳам ислоҳ қилиш вақти келди. Шу муносабат билан "Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тўғрисида"ги ва "Миллий хавфсизлик хизмати тўғрисида"ги қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни таклиф этаман. Ўйлайманки, ушбу қонунларнинг қабул қилиниши фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда фаровон ҳаёти кафолатларини янада мустаҳкамлаш учун ҳуқуқий пойдевор яратади.

III. Иқтисодийни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари

Қадрли дўстлар!

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, ҳар қандай ислохот ва ўзгаришни барқарор иқтисодийтсиз амалга ошириб бўлмайди. Биз ўтган йил давомида бу борада кенг қўламли ишларни бошладик. Лекин миллий иқтисодийтимизни мустаҳкамлаш, юртимизни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш учун олдимизда ҳали қўлаб вазифалар турибди.

Бугунги кунда дунёда инновацион тараққиёт моделларини жорий этиш, илғор ғоялар, "нау-хау" ва "ақли" технологияларни экспорт қилиш ҳисобидан тез суръатлар билан ривожланаётган давлатлар сони тобора ортиб бормоқда. Мамлакатимизда бу йўналишда амалга оширилаётган ишларни, афсуски, қониқарли деб бўлмайди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Халқаро валюта фонди маълумотларига қўра, аҳоли жон бошига тўри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича Ўзбекистон дунё рейтингда 187 мамлакат ўртасида 134-ўринда турибди. Ваҳоланки, Ўзбекистон жуда бой ташқи ресурсларга, катта иқтисодий салоҳиятга эга бўлган давлат. Юртимиз заминидан олтин, қумуш, мис, уран, нефть, табиий газ, қўмир каби табиий қазилма бойликларнинг катта захиралари мавжуд. Умуман, Менделеевнинг кимёвий моддалар жадвалидаги барча элементларни мамлакатимиздан топиш мумкин.

Биздаги унумдор тупрок, тўрт фаслда ҳам офтоб чиқиб турадиган қулай иқлим ва бетакрор табиати, ўзингиз айтинг, яна қаерда топиш мумкин?

Ҳамма гап ана шу бебаҳо бойликни халқимиз манфаати йўлида оқилон ва самарали ишлата олишда. Лекин, очик тани олишимиз керак, бу масалада биз орқанда қолмоқдамиз. Масалан, 2017

йилда юртимизда газ ишлаб чиқариш ҳажми 56,5 миллиард куб метрни ташкил этди. Аммо мазкур соҳа йиллар давомида модернизация қилинмагани туфайли йўқотиш микдори жуда катта — 20-23 фоизни ташкил этмоқда. Бу бойликнинг катта қисми бекордан бекорга исроф бўлаётгани албатта барчамизни ўйлантириши, ташвишга солиши керак. Чунки Худо бундай неъматни ҳаммага ҳам бермаган. Уни қадрлаш, ҳар бир мисқолини асраб-авайлаб ишлатиш керак.

Иқтисодиёт — бу ҳисоб-китоб дегани. Ҳар бир ишимизда пухта ҳисоб-китоб биринчи ўринда туриши лозим. Акс ҳолда, ҳамма ишимиз эски ҳаммом, эски тос бўлиб қолаверади. Мана, масалан, 2018 йилда 66 миллиард куб метр табиий газ ишлаб чиқаришимиз керак. Шундан 17 миллиард куб метр газ "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамиятига етказиб берилади. Бунинг ҳисобидан 56 миллиард киловатт электр энергияси ишлаб чиқарилади. Афсуски, бизда электр узатиш тармоқлари эскириб кетган. Бунинг оқибатида 15-20 фоиз электр энергияси истеъмолчига етиб бормасдан, тармоқнинг ўзида бехуда йўқотилмоқда.

Ёки яна бир мисол. "Ўзкимёсоноат" акциядорлик жамияти тарихига қирадиган корхоналар томонидан йилга 10 миллиард куб метр табиий газ истеъмол қилинади. Шу асосда минерал ўғитлар ишлаб чиқарилиб, фермерларимизга етказиб берилади. Фермер хўжалиқларидан бунинг учун маблағлар ўз вақтида ундирилмагани сабабли "Ўзкимёсоноат" корхоналари 2017 йил 1 декабр гача табиий газдан 890 миллиард сўм қарздор бўлиб қолган.

Бозор шaroитида маҳсулот етказиб берувчи ҳам, истеъмолчи ҳам ўз шартнома мажбуриятларини тўлиқ бажариши керак. Акс ҳолда, бир жойда депсиниб, ботишми муаммодан чиқмайди.

Иқтисодиётда бошқарув тизими эскиргани, инновацион ғояларни қўлаб-қувватлаш бўйича самарали механизмлар ўз вақтида жорий қилинмагани ҳам жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Шунингдек, технологик қоқоқлик, ресурс ва энергияни тежайдиган технологиялар, муқобил энергия манбаларини татбиқ этишнинг сустиги ҳам иқтисодий тараққиёт йўлида тўсиқ бўлмоқда.

Энг ёмони, истиқболли йирик лойиҳаларни белгилаш ва амалга оширишда жиддий хатоликларга йўл қўйилгани, хорижий кредитлар самарасиз ишларга сарфлангани иқтисодий ривожига халақит бермоқда. Масалан, мамлакатимизда 25 йил давомида олинган кредитларнинг аксарияти етарлича иқтисодий самара бермагани турли мутахассислар очик тани олмақда. Мисол учун, Қорақалпоғистонда барпо этилган Устюрт газ-кимё мажмуаси қутилган иқтисодий фойдани бермапти. Молия вазирлигида ўтирган баъзи "валломатлар" вақтида бу — дунёдаги энг зўр

лойиҳа, деб бутун оламга жар солган эди. Лекин қани натижа?

Бундай ачинарли ҳолатни халқимизнинг энг ўткир эҳтиёжлари билан боғлиқ ижтимоий дастурлар бўйича ҳам кўриш мумкин. Мисол учун, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида охириги 10 йилда 17 та лойиҳа доирасида 618 миллион доллардан зиёд хорижий кредит маблағлари жалб этилди. Агар шунча валюта халқимиз турмуш шароитини яхшилаш учун самарали ишлатилиб, аниқ натижага эришилганида, албатта, бу ишда ташаббускор бўлган иқтисодиёт комплексининг раҳбарларига бугун минг бор раҳматлар айтилар эдик. Лекин, афсуски, бундай бўлгани йўқ. Бошланган лойиҳаларнинг кўпчилиги охирига етказилмади. Ичимлик суви қанча-қанча одамлар учун ҳали ҳам ширин озулигича қолмоқда. Уларнинг умиди, ишончи оқланмагани учун ким жавоб беради?

Биз, аввало, четдан кредит ва сармоялар олиб келиш бўйича самарали тизим яратишимиз, ҳар бир кредитни аниқ ишлатишни ўрганишимиз лозим. Бу масалада етти ўлаб, бир марта кесадиган, оқибатини пухта ўйлаб иш олиб борадиган давр келди.

Шу нуқтаи назардан, давлатнинг инновацион янгиланиш дастурини шакллантириш, инновация ва инвестициялардан самарали фойдаланадиган янги авлод кадрларини, янги сармоядорлар синфини тайёрлаш ўта муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун **Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур** керак. Ушбу дастур Ўзбекистонни жаҳондаги тараққий топган мамлакатлар қаторига тезроқ олиб чиқишга имкон яратиши лозим.

Мамлакатимизда асосий энергия ресурсларининг нархи паст бўлиб қолаётгани бозор иқтисодиёти шароитида ўзини оқламаслигини албатта ҳаммамиз яхши тушунамиз. Масалан, Ўзбекистонда аҳоли ва sanoat корхоналари учун 1 мегаватт соат электр энергиянинг нархи 25 АҚШ долларини ташкил этади. Германияда эса бу нарх аҳоли учун — 332 доллар, корхоналар учун — 144 доллардан иборат. Россияда тегишлича 47 ва 51 долларни, Ҳиндистонда 68 ва 87 долларни ташкил этади. Шунингдек, 1000 куб метр табиий газнинг нархи Ўзбекистонда 32,9 доллар, Швецияда 1552, Португалияда 1132 доллардан зиёд, Италияда 1045, Германияда 785 доллардан, Англияда эса 770 доллардан ортиқни ташкил этади. Бу рақам Россияда 83 доллардан, Қозғистонда 45 доллардан зиёддир.

Кўриниб турибдики, бизда энергия ва табиий газ ресурслари ривожланган давлатларга нисбатан бир неча баробар арзон. Лекин ресурслардан оқилон фойдаланиш йўқлиги натижасида таннархнинг пасайишига, маҳсулот ҳажми ўсишига эришиш қийин бўлмоқда.

(Давоми 8-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ

(Давоми.
Боши 1–7-бетларда.)

Энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун мамлакатимиз энергетика тизимини ислоҳ қилишимиз, бу борада аниқ стратегия ишлаб чиқишимиз лозим. Аввало, самарасиз ва зарар билан ишлайдиган корхоналарни хусусийлаштириш, монополияни тугатиш керак. Шунингдек, электр энергияси етказиб беришда рақобат муҳитини шакллантириш ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантириш зарур. Бунинг учун хусусий секторни кенг жалб этган ҳолда, ишлаб чиқаришни молиялаштириш бўйича бозор механизмларига ўтиш талаб этилади.

Биз 2018 йилни Фаол тadbirkorлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили деб эълон қилган эканмиз, келгуси йили фаол тadbirkorликни ривожлантириш эътиборимиз марказида бўлади. Бу соҳани қўллаб-қувватлаш, бизнес субъектларини жадал ва барқарор ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўрилади.

Афсуски, тadbirkorлик фаолиятини ташкил этишда ҳали ҳам муаммолар йўқ эмас.

Юртимизда тadbirkorлик нима учун кутилган даражада ривожланмапти? Чунки бу соҳа вакилларини асоссиз равишда текшириш ҳолатлари кўп. Очиғини айтганда, тadbirkorликнинг эркин ривожланишига ўзимиз – давлат идоралари йўл қўймаймиз. Ҳеч кимга керак бўлмаган тартиб-таомиллар ҳамон сақланиб қолмоқда, жойларда кўпгина амалдорлар фақат ўз шахсий манфаатини ўйлаб иш кўрмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, машҳур давлат ва сиёсат арбоби Уинстон Черчиллнинг бир гапи беихтиёр эсга тушади. Қаранг, у нима деб ёзган экан: **“Баъзилар тadbirkor кор деганда соғин сигирини, фақат саноқли одамларгина тadbirkor деганда оғир аравани тортаётган меҳнаткаш отни тушунади”**.

Ўйлайманки, бу гапларнинг нақадар тўғри эканига изоҳ беришнинг ҳожати йўқ.

Бозор иқтисодиётининг талаби шундайки, ресурс ва имкониятлардан фойдаланиш имкони, яъни фаолият майдони ҳаммага тенг бўлиши керак. Яқкаҳокиммликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган махсулотларни мамлакатимизга импорт қилиш фақат айрим гуруҳлар қўлида тўпланиб, улар учун мўмай даромад манбаига айланиб қолганини адолатдан деб бўлмайди.

Баъзи бир корхоналарга имтиёзлар бериш орқали ўзимиз эркин рақобат муҳитини бўғиб, нархларнинг барқарор бўлишига салбий таъсир кўрсатмоқдамиз.

Энди биз бундай амалиётдан воз кечамиз. Бу масалада ҳаммага тенг шароит яратилади. Имтиёзлар айрим корхоналарга

эмас, балки алоҳида ишлаб чиқариш ва хизмат турларини рағбатлантириш мақсадида берилди. Имтиёзни рўқча қилиб, энг муҳим фаолият турларини тўла монополия қилиб олишга мутлақо йўл қўйилмайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида тенг ва ҳалол рақобат муҳитини яратиш мақсадида **“Мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада самарали таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”**-ги фармон лойиҳаси ишлаб чиқилиб, кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилди.

Кўпчиликка яхши аён: божхона тартиб-таомилларининг мураккаблиги тadbirkorликка тўсқинлик қилаётган асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Жаҳон банкининг ҳисоботида кўра, экспорт-импорт ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича Ўзбекистон 190 та давлат орасида 175-ўринда тургани ачинарли, албатта. Айтилик, божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун Бельгияда 1 соат кифоя қилса, бизда бунга 1 ойлаб муддат сарфланади.

Импорт товарлар ҳар бир божхона режимида алоҳида-алоҳида текширувдан ўтказилади. Бундай божхона режими бизда бир нечта. Нима учун мамлакатимиз худудининг ўзида битта юк бир нечта марта текширилиши керак? Бундан ким манфаатдор? Ҳар бир текшириш харажат талаб қилади-ку! Нима, бизнинг молиявий имкониятларимиз чексизми? Бундан ташқари, товарнинг турига қараб мувофиқлик, гигиеник ёки ветеринария бўйича сертификатларсиз товарларни божхона омборидан чиқаришга йўл қўйилмайди. Бизнинг ҳар бир божхона омборимиз экспресс-лабораториялар билан жиҳозланган эмасми? Бу жараёнлар қанчалик очик ва ошқора, нега бу ҳақда мутасадди идоралар бонг урмайди?

Барча ривожланган давлатларда божхона кўриги хавф-хатардан огоҳ этиш тизими орқали амалга оширилади. Бу ҳам давлат ресурсларини, ҳам тadbirkorларнинг вақтини тежайди. Лекин бу тизим бизда ҳанузгача жорий этилмаган. Келгуси йилдан бошлаб тadbirkorлик субъектлари учун божхона кўригида хавф-хатардан огоҳ этиш тизими, яъни тadbirkorлар қанчалик ҳалол эканига қараб, уларни “яшил” ва “қизил” йўлақлар орқали ўтказишни жорий этамиз.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси (А.Арипов) 2 ой муддатда тегишли қарор лойиҳасини тайёрлаб, киритиши зарур.

Айни вақтда ноконуний текширишлар, хусусий бизнес фаолиятига асоссиз аралашушга қарши курашни кучайтириш керак. Шу мақсадда тadbirkorлик субъектлари фаолиятини текшириш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш лозим.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши фаолияти давр талабига жавоб бериш мумкин. Бундан оқибат олиш керак. Ўзингиз ўйланг, ушбу кен-

гашнинг ишчи органи ҳам, энг кўп текшириш ўтказадиган назорат органи ҳам – солиқ идорасининг ўзи. Текшириш учун ҳам ўзи рухсат берса, ҳам ўзи текширса, бундан қандай тушуниш мумкин?

Шу муносабат билан текширишлар ўтказишга рухсат беришнинг махсус электрон ахборот тизимига ўтиш ва унинг назоратини Бош прокуратурага юқлаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Биз 2018 йилга Фаол тadbirkorлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб ном берганимиз муносабати билан барча тadbirkorлик субъектларининг **молиявий-ҳўжалик фаолиятини текширишни 2 йилга тўхтатсак**, нима дейсизлар?

Бош прокурор бошчилигида назорат қилувчи органлар раҳбарлари ҳар ойда намунали, фаол тadbirkorлар билан учрашувлар ташкил этиб, уларни қўйнаётган муаммоларни эшитиш, қонуний фаолиятига тўсқинлик қилаётган камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриб бориши талаб этилади.

Тadbirkorлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишда Савдо-саноат палатаси томошабин бўлиб ўтирмаслиги лозим. Шу билан бирга, палата фақат давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан йўл қўйилаётган камчиликларни муҳокама қилмасдан, тadbirkorлар содир этаётган номаъқул ишларни, айниқса, жиноятларни танқидий муҳокама қилиши зарур.

Тadbirkorлар ҳамжамияти nopok тadbirkorларга нисбатан мurosasiz бўлиши лозим. Уларга нисбатан биринчи навбатда давлат эмас, балки тadbirkorларнинг ўзлари муносабат билдиргани ва ушбу муҳит софлигини таъминлайдиган тизим яратишимиз керак.

Яна бир муҳим масала — юртимизда фонд бозори, фонд биржасини янада ривожлантириш учун Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази ишини тубдан қайта ташкил этиш лозим.

Биз бўш турган давлат мулки объектларини ўзаро шериклик асосида хусусий секторга ўтказиш бўйича ишларни давом эттирамиз. Интернет тармоғида электрон савдолар ва аукционлар орқали **ер участкаларини, жумладан, тadbirkorлар учун ажратишнинг ягона тартибини** ўрнатиш зарур. Шу мақсадда 2018 йилдан бошлаб **электрон савдо майдонлари орқали давлат активларини сотиш бўйича электрон тизим ташкил этилади**.

Иқтисодиётни ривожлантиришда пухта ва барқарор банк-молия тизими улкан аҳамиятга эга. Биз аҳоли ва тadbirkorлик субъектларининг банк тизимига ишончини кучайтирмасдан туриб, “яширин иқтисодиёт”дан тўлиқ халос бўла олмаймиз.

2018 йилда банк тизими фаолиятини ривожлантириш бўйича

белгиланган вазифаларни амалга оширишда банклар билан тadbirkorлик субъектлари ўртасида самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини таъминлаш масалаларига асосий эътиборни қаратиш зарур.

Валюта бозорини ислоҳ қилишга қарши бўлган айрим “экспертлар”нинг иккиланиши ва “маслаҳат”ларига қарамасдан, биз қисқа муддатда халқаро стандартлар асосида валютани либераллаштириш жараёнини бошладик. Лекин биз яхши тушунамизки, бу иш ушбу соҳадаги ислохотларнинг бошланиши, холос.

Валюта сиёсати бизнес ва иқтисодиётни ривожлантириш манфаатларига тўлиқ хизмат қилиши, инвестиция фаолиятига ижобий туртки бериши лозим.

2018 йилда солиқ сиёсатини амалга оширишда кескин чора-тадбирлардан воз кечамиз. Чунки ислохотлар даврида давлат тизимининг узлуксиз фаолият кўрсатиши учун бюджет барқарорлиги сув билан ҳаводек зарур.

Ўзбекистонда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ниятида бўлган инвесторлар учун мамлакатимизни жозибали қилиш мақсадида солиқ тизимини тақомиллаштириш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Барча бизнес тоифалари учун **солиқ юқини камайтириш ва қулайлаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш** зарур.

Ўз эҳтиёжи учун объектлар қураётган, янги ташкил этилган кичик ва ўрта тadbirkorлик субъектларига ягона солиқ тўловини маълум муддатга кечиктириш ҳуқуқини бериш даркор. Шунингдек, кичик корхоналар учун қўшимча қиймат солиғи тўлашга ўтишни рағбатлантириш шарт.

Шу билан бирга, **тез ривожланаётган, йириклашиб бораётган корхоналарни рағбатлантириш сиёсатига ўтиш** лозим.

Солиқ имтиёзлари беришда индивидуал ёндашувлардан воз кечиб, уларни фақат иқтисодиётнинг маълум тармоқлари учун қўллаш амалиётига ўтишни тақлиф этаман.

Энг муҳими, инвесторлар назари билан қараганда, солиқ тизими узоқ муддат давомида аниқ ва тушунарли бўлиши керак. Шунинг учун солиқ тизимида пухта ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган сиёсатни амалга ошириш лозим.

Биз мамлакатимиз **бюджет тизимини қайта кўриб чиқишимиз, бюджет даромадлари ва харажатлари халқимиз учун очик ва ошқора бўлишини таъминлашимиз** зарур.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, куни кеча бўлиб ўтган Сенат мажлисида Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги давлат бюджети ҳамда солиқ тизимини тақомиллаштириш билан боғлиқ муҳим қонунлар маъқулланди.

(Давоми 9-бетда.)

2017-yil 23-dekabr, № 102-103 (9064)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСИ МУРОЖААТНОМАСИ

(Давоми.)

Боши 1—8-бетларда.)

Ушбу қонунларга имзо қўйишда мен уларда халқимиз манфаатларини тўла акс эттириш, тадбиркорлар ва инвесторлар учун янада қўлай шароит яратиш, ҳудудларимизни ривожлантириш бўйича аниқ чоралар назарда тутилганми, йўқми — шунга алоҳида эътибор қаратаман. **Керак бўлса, бу қонунларни оддий одамларимиз ва тадбиркорларимиз манфаати нуктаи назаридан қайта кўриб чиқишга ҳам тайёрман.**

Бизда энг катта муаммо нима, биласизларми?

Бизда инвестиция дастурларини шакллантиришда пухта режалаштирилган, узоқ муддатга мўлжалланган ягона концепция йўқ.

Ҳар бир давлат ташрифида биз хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича бир неча миллиард долларлик келишувларга эришмоқдамиз. Аммо бу келишувларни амалга ошириш жуда сусткашлик билан бормоқда. Негаки, бу борада аниқ ишлайдиган тизим мавжуд эмас.

Амалдаги инвестиция дастурларида аниқ бир лойиҳага оид маълумотлар йўқ. Дастурларни шакллантиришда Иқтисодиёт вазирлиги, маҳаллий ҳокимликлар фақат рақамлар ортидан қувиш билан банд. Улар шу мақсадда иқтисодий наф бермайдиган, истикболи йўқ, молиялаштириш манбалари аниқ бўлмаган лойиҳаларни ҳам дастурга қўшиб юбориш, лойиҳа нархини асоссиз ошириб кўрсатиш, бир сўз билан айтганда, кўзбўямачилик билан шугулланмоқда.

Бундай ноҳус амалиётга чек қўйиш вақти келди. Биз бу ҳолатларга барҳам бериш ва инвестицияларни иқтисодиётнинг реал секторига жалб қилиш, лойиҳаларни шакллантиришнинг бутунлай янги механизмни жорий этиш бўйича қарор қабул қилдик. Шошма-шошарлик билан ишлаб чиқилган сохта инвестиция дастурларини қабул қилиш амалиётидан бутунлай воз кечилди.

Бундан буён ривожланишнинг узоқ муддатга мўлжалланган концепциялари ишлаб чиқилади. Бу борада биринчи қадам сифатида **Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурлари** қабул қилиниб, мазкур дастурларни молиялаштириш фонди ташкил этилди.

Иқтисодиётни ривожлантиришда аҳоли қўлида тўпланган маблағларни инвестиция шаклида ҳаракатга келтириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини кучайтириш муҳим вазифаларимиздан биридир. Шу мақсадда Интернет тармоғида маҳаллий ва хорижий инвесторларни керакли статистик ахборотлар билан таъминлайдиган, бизнес юритиш учун яратилган шароитлар ҳақида маълумот берадиган **“Инвестиция портали”** очишни таклиф этаман.

Хорижий тажрибалар асосида барча инвесторлар учун туну кун ишлайдиган бепул мобил теле-

фонлар алоқасини ташкил этиш зарур. Чет эл инвесторлари учун ўз капиталини тезроқ олиб чиқиб кетмасдан, уни қайта инвестиция қилишга ундайдиган рағбатлантириш тизимини яратиш ҳақида ҳам ўйлаб кўриш лозим.

Ҳокимлар, давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг инвестицияларни жалб этиш, хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик қилиш, янги ишлаб чиқариш турларини ташкил этиш, иш ўринлари яратиш бўйича фаоллигини ошириш зарур. Кейинги йилдан бошлаб жойларда инвесторлар учун яратилган шароитларни аниқлаш бўйича рейтинг натижалари эълон қилиб борилади, керак бўлса, ҳудуд раҳбарлари фаолиятга айнаи шу мезон асосида баҳо берилади.

Маълумки, бугунги кунда дунёнинг 33 та мамлакатидо элчихоналаримиз мавжуд. Лекин мамлакатимизнинг инвестиция соҳасидаги жозибасини ошириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этишга кўмаклашиш бўйича Ташқи ишлар вазирлиги ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланяптими? Элчихоналардаги савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиларнинг иши қониқарлими?

Элчиларимиз учун иқтисодиёт, инвестиция масалалари, афсуски, иккинчи даражали бўлиб қолган. Улар фақатгина “сиёсат” билан банд. Элчихоналарда иқтисодиёт, молия, инвестиция масалалари бўйича мутахассислар етишмайди. Бундан буён, керак бўлса, ҳар бир элчихона ходимини лавозимга тайинлашда уларнинг иқтисодий билим ва кўникмаларини алоҳида ўрганиш тизимини жорий қилиш зарур.

Хурматли дўстлар!

Ташқи иқтисодий соҳада ҳали ишга солинмаган катта имконият ва захиралар мавжудлигини таъкидлаш лозим. Бу борада биз Марказий Осиё мамлакатлари ва йirik шерикларимиз — Хитой, Россия, Жанубий Корея, АҚШ, Туркия, Европа Иттифоқи мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришни давом эттирамиз.

Келгуси йилда Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо юкларини жаҳондаги ва минтақадаги асосий бозорларга олиб чиқадиган ишончли транспорт ва транзит йўлакларини изчил шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Бугунги кунда бизнинг асосий юкларимиз Қозоғистон транзит йўлакларини орқали, айниқса, энг кўп юклар “Сариоғоч” станциясидан ўтади ва бу маршрут имкониятлари бизнинг эҳтиёжларимизни тўлиқ қондирмоқда, деб айтмаймиз. Ушбу станциядан товарларни Ўзбекистон ҳудудига олиб киришда электровозлар, замонавий терминаллар етишмаслиги, темир йўл тармоқларидаги бандлик маҳсулотларнинг узоқ муддат қолиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бу эса мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли логистик маршрутларни диверсификация қилиш, бу борада кўшинала-

римиз билан амалий музокаралар ўтказиш зарур.

Хитой давлатининг ташаббуси билан амалга оширилаётган “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси доирасида мамлакатимизнинг транспорт-коммуникация инфратузилмалари соҳасидаги имкониятларини ошириш лозим. Транзит давлатлар, хусусан, Туркменистон, Эрон, Қозоғистон, Россия, Озарбайжон ва Грузия ҳудудларидан асосий экспорт юкларини транзит шаклида ташишда преференцияларга эга бўлиш ҳақида жиддий ўйлашимиз керак. Шу сабабли хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг логистика соҳасида аниқ лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги ҳаракатларини рағбатлантиришимиз даркор.

Шунингдек, миллий юк ташувчиларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларга кўшимча шароитлар яратиш мақсадида **“Миллий логистика портали”**ни ташкил этиш лозим.

Келгуси йилда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича музокараларни қайта бошлаймиз. Экспортни янада рағбатлантириш мақсадида техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини халқаро стандартларга уйғунлаштириш лозим. Асосий мақсадларимиздан бири — ташқи бозорга сифатли ва сертифициланган маҳсулотларни **“Ўзбек бренди”** номи билан олиб чиқишдан иборат.

Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётга юқори даромад келтирадиган истикболли тармоқлардан бири — бу туризмдир. Ўзбекистон туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўлган давлат ҳисобланади. Юртимизда 7 минг 300 дан ортиқ маданий мерос объектлари мавжуд ва уларнинг аксарияти ЮНЕСКО рўйхатида киритилган.

Шу билан бирга, мамлакатимизнинг бетакрор табияти, гўзал дам олиш зоналари имкониятларидан фойдаланиб, янги туристик йўналишлар очиб мумкин. Бу соҳага жаҳон брендларини фаол жалб этган ҳолда, биз зиярат туризми, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик туризм ва бу соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Бу борада давлат-хусусий шериклик муносабатларини қўллаш соҳани тараққий эттиришда кенг имкониятлар очишини ҳисобга олишимиз лозим.

Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарларидаги **муҳаддас қадамжолар ва ёдгорликларни зиярат қилишдан иборат бўлган “кичик ҳаж” дастурини ривожлантириш ва жадаллаштириш** зарур. Ички туризм соҳасидаги катта имкониятларни ҳам тўлиқ ишга солиш лозим.

Бош вазир ўринбосари С.Холмуродов ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.Абдуҳақимов ана шу масалаларни ҳал этиш бўйича ҳужжатларни бир ой муддатда ишлаб чиқиб, тақдим этсин.

Хурматли мажлис қатнашчилари!

Рухсатингиз билан, иқтисодиётимиздаги етакчи тармоқ —

қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги энг муҳим вазифаларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Шу йил 9 декабрда бўлиб ўтган Қишлоқ ҳўжалиги ходимлари кунига бағишланган йиғилишда биз бу ҳақда батафсил гаплашиб олдик. Айтилган фикрларни тақоррорламасдан, қўйидаги муҳим масалаларга эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблайман.

Маълумки, ҳозирги кунда юртимизда 51 фоиздан зиёд аҳоли қишлоқ жойларда яшайди. Бироқ қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг мамлакат ялли ички маҳсулотдаги улуши 17 фоиздан ошмайди. Аграр соҳа маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми эса 10 фоизга ҳам етмайди. Ҳолбуки, ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 50 фоиздан ортиқни ташкил этади. Шу муносабат билан **қишлоқ ҳўжалигини янада ишлаб чиқиш бўйича комплекс дастур** ишлаб чиқиш лозим.

Айниқса, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини ҳал этиш, генетик модификация қилинган маҳсулотлар етиштирилмаслик бўйича қатъий назорат ўрнатишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Сўнги йилларда мамлакатимиз бозорларида импорт мева-сабзавот маҳсулотлари кўпайиб бораётгани бизни албатта хушёрликка чиқариши керак. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун, аввало, йўқолиб бораётган қадимги навларни тиклаш, селекция ишларини оқилона ва самарали йўлга қўйиш, соҳага илм-фан ютуқлари, инновацион ишланмаларни кенг жорий этишимиз зарур.

Маълумки, мамлакатимиз тўқимачилик саноати 1 миллион 400 минг тоннагача пахта толасини қайта ишлаш имкониятига эга. Бу республикамиздаги тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар эҳтиёжини тўлиқ қоплай олади. Лекин пахта толасини қайта ишлаш саноатини бошқаришда кўпгина муаммолар мавжуд. Бу эса пахта хомашёсини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашда рентабеллигининг пасайишига олиб келмоқда. Шу муносабат билан соҳадаги муаммоларни ҳал этиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни янада рағбатлантиришга оид алоҳида фармон қабул қилинди. Бугунги кунгача ўзимизнинг тўқимачилик корхоналаримизга пахта хомашёсини фақат “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти орқали сотар эдик. Фармонга мувофиқ тўқимачилик корхоналари пахта хомашёсини энди тўғридан-тўғри тузилган шартнома асосида бевосита фермерлардан сотиб олиш имкониятига эга бўлди.

Навоий, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида пахта-тўқимачилик кластерларини яратиш доирасида пахта хомашёсини бозор талаблари асосида етиштириш, нарх-навоини шакллантириш ва сотишни ташкил этиш бўйича соҳариба бошланди. Келгусида бундай ижобий тажрибани бутун мамлакатимиз миқёсида жорий қилишни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

(Давоми 10-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСА МУРОЖААТНОМАСИ

(Давоми.
Боши 1—9-бетларда.)

Чорвачилик соҳасига тўхталадиган бўлсақ, қорамол ва парранда сонини кўпайтириш, бу борада сифат ва маҳсулдорликка эришиш учун етарли шароит яратишимиз зарур. Яқин истиқболда ҳар бир туманда ихтисослаштирилган бўрдоқчилик комплекслари, юқори технологик паррандачилик фабрикалари, шунингдек, иссиқхона ҳўжаликлари ташкил этилиши лозим.

Биз ҳозирги вақтда 1,5-2 миллиард доллар миқдориди мевасабзавот маҳсулотларини экспорт қилмоқдамиз. Лекин ушбу соҳада йилга 10-15 миллиард доллар маҳсулот экспорт қилиш имконияти мавжуд. Маҳсулот тайёрлаш ва экспорт қилишда “Ўзғорэкспорт” акциядорлик жамияти, биржалар, агрофирмалар ва улгуржи компаниялар катта роль ўйнаши лозим.

Кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини самарали реализация қилиш жуда муҳим масаладир. Шу мақсадда фермер ҳўжаликлариди етиштирилган маҳсулотлар ҳажми ва миқдори ҳақидаги маълумотларнинг ягона базасини яратиш зарур.

Қадрли халқ ноиблари!

Шу ўринда ҳудудларни жадал иқтисодий ривожлантириш ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Бу борада маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари, имконият ва жавобгарлигини кенгайтириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг 9 та туманида хорижий инвестиция иштирокида биронта ҳам корхона ташкил этилмаган. Тўғридан-тўғри инвестициялар асосан Тошкент шаҳри, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари ҳамда Фарғона водийсига тўғри келмоқда.

Ҳудудларда замонавий ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация тармоқлари бўйича лойиҳаларни давлат-ижтимоий шериклик муносабатларини кучайтириш орқали тўлиқ амалга оширишимиз зарур. Бироқ бу борада етарли иш олиб борилмаётганини қайд этиш жоиз. Шунинг учун **Давлат-хусусий шериклик муносабатларини жорий этиш концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш** керак.

Иқтисодиётимизнинг тўла ишга солинмаган, катта салоҳиятга эга йўналишларидан бири — бу **қурилиш соҳасидир**. Келгуси йилда қурилиш соҳасини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш асосий вазифалардан бири бўлади.

Биз қурилиш-пудрат ташкилотлари ва қурувчиларнинг замонавий авлодини яратиш устида жиддий бош қотиришимиз зарур. Шу мақсадда **қурилиш соҳасини 2030 йилгача инновацион ривожлантириш дастури** ишлаб чиқилади. Бу борада хориждан малакали мутахассисларни жалб этиш ва маҳаллий мутахассисларнинг чет мамлакатларда малака ошириши учун барча зарур шароитни яратамиз.

Келгуси йилда шаҳар ва қишлоқларимизнинг меъморий қиёфа

сини янада яхшилаш борасидаги ишларни изчил давом эттираамиз.

Биз бир нарсани унутмаслигимиз керак: ҳар бир бино, у бочка бўладики, шифохона бўладики, ўз асосий вазифасини бажаришдан ташқари, кўриниши билан одамларнинг кайфиятига ҳам бевосита таъсир этади. Шу сабабли ҳудудларда қурилиш режалаштирилган ижтимоий объектларни лойиҳалаштиришда эски қолиплардан воз кечиб, инновацион ёндашувларни жорий этиш зарур.

Аҳоли, айниқса, ёш оилалар, эски уйларда яшайётган ва бошқа тоифадаги фуқароларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиб, биз арзон ва сифатли уй-жойлар қуриш бўйича ишларни изчил давом эттираамиз. Шу мақсадда 2018 йилда намунавий ва арзон уй-жойлар қуриш кўламини жорий йилга нисбатан 1,5 баробар кўпайтириш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилган.

Яна бир муҳим масала — **хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини** тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Бу борада янги тузилган вазирлик — Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ташаббус кўрсатиб ишлаши керак.

Янги йилда кўпгина аҳоли пунктларида, аввало, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида аҳолини тоза ичимлик суви ва канализация хизматлари билан таъминлаш лойиҳалари амалга оширилади. Шу тариқа ҳудудларда яшайётган 580 мингга яқин аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланади.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари! 2018 йилда янги йўللар барпо этиш, транспорт-логистика инфраструктурасини янада ривожлантириш, кўрсатилмаётган хизматлар сифатини ошириш бўйича қуйидаги ишларни режалаштиришмоқчи:

Биринчидан, 180 километр узунликдаги темир йўллارни қайта тиклаш ва 200 километрдан ортиқ темир йўллارни электрлаштириш; **Иккинчидан**, Тошкент—Урганч—Хива тезюрар поезди ва Тошкент—Самарқанд—Бухоро—Урганч—Хива туристик поезди ҳаракатини йўлга қўйиш, Тошкент Жанубий вокзали ҳамда Хива янги вокзалини фойдаланишга топшириш;

Учинчидан, Бухоро — Мискин ва Қарши — Китоб темир йўли йўналишларини электрлаштириш ва Шаҳрисабз билан бирлаштирадиган янги темир йўл тармоғини қуриш;

Тўртинчидан, Тошкент шаҳрида Сергели ва Юнусобод метро йўналишлари, пойтахтимиз атрофидаги катта халқа йўл бўйлаб ҳаракат қиладиган ер усти метроси қуриш борасидаги ишларни жадаллаштириш;

Бешинчидан, сифатли хизмат кўрсатиш имконини берадиган замонавий инфратузилмалар барпо этиш орқали автомобиль йўллари ва темир йўл йўналишларида йirik транзит хабларини ташкил этиш.

Кейинги йилларда муҳим стратегик тармоқ — **аэрокосмик технологияларни** сунъий йўлдош орқали иқтисодиётимизнинг етакчи

соҳа ва тармоқларига жорий этишга, афсуски, биз етарлича эътибор бермадик. Замонавий тараққиётнинг муҳим шарти ва омили бўлган ушбу соҳани ривожлантириш мақсадида давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳаларни амалга оширишга хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда, миллий космик инфратузилмаларимизни яратимиз керак. Ушбу йўналишга дахлдор бўлган илмий-тадқиқот институтларини такомиллаштириш ва уларнинг салоҳиятини мустаҳкамлаш зарур.

Биз аэрокосмик фаолият борасида алоҳида давлат органини ташкил этиб, бу соҳани ривожлантириш билан боғлиқ вазифаларни комплекс равишда ҳал этишимиз керак.

IV. Ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича устувор йўналишлар

Муҳтарам парламент аъзолари! Ҳурматли вилоят ва туман Кенгаши депутатлари!

Биз илғор хорижий тажриба асосида аҳолининг муносиб ҳаёт даражаси учун зарур бўлган даромадларни аниқлаш бўйича “истеъмол саватчаси” тушунчасини қонунчиликда мустаҳкамлаш ва уни амалда таъминлаш механизмларини яратишимиз лозим.

Айни вақтда аҳолининг реал даромадлари, иш ҳақи, стипендия, пенсия ва ижтимоий нафақаларни босқичма-босқич ошириш бўйича ҳам амалий чоралар кўрилади.

Инсон саломатлигини муҳофаза қилиш борасида сўнгги вақтда олиб бораётган ишларимизга қарамаддан, афсуски, жойларда кўпга муаммолар ҳамон сақланиб қолмоқда. Ана шуларни ҳисобга олиб, ҳудудлар аҳолиси учун қулай бўлган, сифатли ва замонавий тиббий ёрдам кўрсатиш, касалликларни барвақт аниқлаш бўйича бошлаган ишларимизни изчил давом эттираамиз. Бу борада масофадан туриб профилактика қилишни таъминлайдиган “Ақлли тиббиёт” ва “Ягона тиббий ахборот маркази” концепцияларини ўз шароитимизга мослаштириб татбиқ этишимиз керак.

Айни вақтда хусусий тиббиётни жадал ривожлантириш учун хорижий инвесторларни жалб этиш ва чет эллик мутахассислар мамлакатимизда доимий фаолият юритишини таъминлашга қаратилган ишларни янада кучайтираамиз.

Ҳеч кимга сир эмас, аҳолини дори-дармон билан таъминлаш одамларни қийнаётган долзарб муаммолардан биридир. Бу масалани ҳал этиш мақсадида яқин вақт ичида аҳолини арзон ва сифатли дори воситалари билан таъминлайдиган 2 мингта ижтимоий дорихона қурилиб, ишга туширилади.

Она ва бола саломатлигини асрашда муҳим омили бўлган скрининг марказлари фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқишни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. 2018 йилда 46 та туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаси негизда туманлараро перинатал марказлар ташкил этилади. Улар замонавий тиббиёт ускуналари, юқори малакали

кадрлар билан таъминланади. Тиббиёт фани ютуқларидан самарали фойдаланган ҳолда, кишлоқ врачлик пунктларида касалликларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича замонавий диагностика лабораторияларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Аҳолини телекоммуникация хизматлари билан тўлиқ қамраб олиш мақсадида узоқ туманларда 2 минг километр оптик толали алоқа тизимлари қуриш, Интернет ўтказувчанлигини 2,5 баробар ошириш ва 4 мингдан ортиқ таянч мобил алоқа станциясини ишга тушириш кўзда тутилмоқда. Мазкур чора-тадбирлар натижасида 600 дан зиёд аҳоли пункти Интернет ва мобил алоқа билан таъминланади.

Аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши ва бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Маданий мерос объектларини ишончли кўриклаш ва улардан оқилона фойдаланиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Археология тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ва археолог топиломаларни сақлаш дастурини ҳам қабул қилиш лозим.

Шу билан бирга, илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт соҳаларида сидқидилдан хизмат қилаётган юртдошларимизни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, жумладан, уларнинг уй-жой, ижтимоий ва тиббий шароитларини яхшилаш, гонорлар миқдорини ошириш, ёш истеъдод эгаларининг салоҳиятини юзага қилириш бўйича қабул қилган барча қарорларимизнинг ижроси албатта таъминланади.

Нега деганда, ҳақиқий олимлик, ҳақиқий ижодкорлик — бу игна билан қудуқ қазишдек мashaqqatli иш. Бун билган одам билди, билмаган билди олиши зарур.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича келгуси йилда кенг кўламдаги ишлар кўзда тутилмоқда. Жумладан, Нукус шаҳрида Олимпия ва миллий спорт турларига ихтисослаштирилган олий спорт маҳорати мактаби, Урганчда “Ёшлик” спорт мажмуаси, Тошкент, Андижон, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида универсал спорт комплекслари, Қарши шаҳрида спорт-соғломлаштириш мажмуаси, кўп тармоқли ёпиқ сузиш ҳавзаси барпо этилади.

Азиз дўстлар!

Биз ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш борасидаги ишларимизни янги босқичга кўтариш мақсадида “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунни янги таҳрирда қабул қилдик. Шу асосда янгирача ёндашувлар ҳаётга фаол жорий этилмоқда.

Ёшлар ҳақида гап кетганда, мен доим бир нарсани ўйлайман. Мана, бугунги кунда қанча-қанча ёшларимиз чет элларда таълим олмақда, меҳнат қилмоқда. Албатта, уларнинг орасида ўз йўлини топиб, бегона юртда ҳеч кимдан кам бўлмади яшайётганлари ҳам кўп.

(Давоми 11-бетда.)

2017-yil 23-dekabr, № 102-103 (9064)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ

(Давоми.
Боши 1—10-бетларда.)

Лекин Ватан соғинчи ҳар қандай одамни ҳам қийнайди. Шунинг учун улар билан доимий алоқа ўрнатилиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, юртимизга қайтиш истагида бўлганларни қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни кучайтиришимиз зарур.

Шу мақсадда Ўзбекистон ёшлари халқаро ассоциациясини тузиш ва унинг самарали фаолият юритиши учун тегишли шароит яратиб беришимиз керак. Ёшларимиз хориждаги тенгдошлари билан илм-фан, маданият, тадбиркорлик, спорт ва бошқа соҳаларда фаол мулоқотда бўлишлари мақсадга мувофиқ. Бу уларнинг ўз салоҳиятини дунё миқёсида намоён этишлари учун катта имконият яратади. Шунинг учун келгуси йили Самарқанд шаҳрида **Марказий Осиё ёшлари форумини** ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Жорий йилда олиб борган ислохотларимизнинг энг муҳим натижаларидан бири — бу, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга бутунлай чек қўйилгани бўлди. Бундай ижобий ўзгаришлар Халқаро меҳнат ташкилоти ва бошқа тузилмалар томонидан эътироф этилгани эътиборга лойиқ, албатта.

Биз бундан буён ҳам инглиз тили ва бошқа хорижий тилларни чуқур ўқитиш масаласига устувор аҳамият қаратамиз. Шу билан бирга, биз учун зарур бўлган мутахассисликлар бўйича таълим олиш ва кадрлар малакасини ошириш ишларини кенг қўламада йўлга қўямиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, айтиш лозимки, биз улғу боболаримизнинг муносиб давомчилари бўладиган етуқ инсонларни тарбиялаш масаласига, афсуски, етарлича аҳамият бермадик. Ҳолбуки, интеллектуал ва маданий салоҳиятини қандай ноёб бойлик экани, нодир талант эгаларини тарбиялаб камолга етказиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини унутишга ҳаққимиз йўқ. Ривожланган мамлакатлар бугунги юксак тараққиёт даражасига айнан шунинг ҳисобидан етгани — бу ҳам ҳақиқат.

Минг афсуски, мамлакатимизда катта илмий салоҳиятга эга бўлган айрим олимлар, истеъдодли ёшлар ўртасида хорижий давлатларга кетиб қолиш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Қанча-қанча ўзбек йигитлари, ўзбек қизлари бугун чет эллардаги йирик компания ва банкларда, нуфузли университетлар, халқаро ташкилотларда катта-катта лавозимларда хизмат қилмоқда. Мен шахсан ўзим хорижий мамлакатларга сафарларим чоғида ўнлаб ана шундай ватандошларимиз билан учрашиб, мулоқотда бўлдим.

Чет эллардаги юртдошларимизга консуллик хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш, уларнинг юртимизга бемалол келиб-кетиши, мамлакатимизни тараққий эттиришда иштирок этишлари учун зарур шароитлар яратилмоқда. Биз бу ишларни келгусида янада кенгайтирашимиз.

Шу муносабат билан **чет элларда яшаётган ва ишлаётган ва-**

тандошларимиз билан ўзаро ҳамкорлик соҳасида давлат сиёсати концепциясини ишлаб чиқишни тақлиф этаман.

V. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар

Муҳтарам депутат ва сенаторлар!

Барчамизга аёнки, жаҳонда кескин иқтисодий рақобат, ахборот хуружлари, террористик таҳдидлар тобора кучайиб бормоқда. Дунёнинг турли жойларида, айниқса, Яқин Шарқ минтақасида қонли тўқнашув ва низолар давом этмоқда. Минг афсуски, бундай нотинч кескинлик ўчоқлари камайиш ўрнига қўлайиб бормоқда.

Ана шундай тахликали вазиятни ҳисобга олган ҳолда, биз юртимизда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, турли хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича фаолиятимизни ҳар томонлама кучайтиришимиз шарт. Бу — замон талаби.

Аввало, шу йўналишда шаклланди тизим самарадорлигини янада оширишимиз, айниқса, диний масалалар билан бевосита шугулланадиган ҳоким ўринбосарлари, мутасадди ташкилотлар масъулиятини янада кучайтиришимиз зарур. Хусусан, маҳалла раислари, профилактика инспекторлари, имом-хатиблар, диний-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар, ёшлар, хотин-қизлар ташкилотлари фаоллари — бarcha-barchamiz биргаликда иш олиб боришимиз лозим.

Ишни ана шундай ташкил этсак, ҳар биримиз бу масалага беварқ бўлмасдан, ўз боламизни, ўз уйимиз, ўз маҳалламизни ўзимиз асрайдиган бўлсак, мен ишонаман, бундай бало-қазолар ҳаётимиздан албатта йироқ бўлади.

Биз диний экстремизм гоёлари таъсирга адашиб тушиб қолган фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни соғлом ҳаётга қайтариш бўйича ишларни янада такомиллаштирамиз.

Ахборот ресурслари орқали тарқатилётган бузғунчи гоёларнинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари таркибиде алоҳида бўлинмалар ташкил этиш зарур.

Жамиятимизда диний конфессиялар ўртасида ҳамжихатлик ва фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлашни биз бундан буён ҳам энг долзарб ва эзгу вазифамиз деб биламиз. Шу мақсадда мамлакатимиздаги диний ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилади.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Шу ўринда яна бир муҳим масала — мамлакатимиз **мудофаа тизимининг** ташкилий тузилмаси, унинг ҳарбий-жанговар ҳолати, аскар ва офицерларнинг маънавий ва руҳий тайёргарлик даражаси бугунги тез ўзгараётган давр та-

лабларидан ортда қолаётганини қайд этиш лозим.

Ўтган қисқа даврда миллий армиямизни ислоҳ қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилиниб, Куролли Кучларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш жараёни бошланди.

Ҳарбий соҳадаги ислохотларимизнинг самарасини ошириш мақсадида янгидан қабул қилинаётган Мудофаа доктринаси муҳим роль ўйнайди. Ушбу доктрина Ўзбекистон ташқи сиёсатининг очиклик тамойилини, яқин қўшнилар билан дўстона ва амалий муносабатларни ривожлантиришни ифода этади. Унда давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш устувор вазифа сифатида аниқ белгилаб қўйилган.

Мамлакатимиз геостратегик жойлашувининг ўзига хослиги, шунингдек, минтақада вужудга келётган ҳарбий-сиёсий ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, Куролли Кучлар бирлашмаларининг вазифа ва тузилмалари қайта кўриб чиқилди. Миллий гвардия барпо этилди, армияни янги курул-аслаҳа ва замонавий ҳарбий техника билан таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси тузилди. Ҳарбий кадрлар тайёрлаш соҳасида олиб борилаётган тизимли ўзгаришлар асосида Куролли Кучлар академиясининг фаолияти тубдан қайта ташкил этилди.

Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оилалари ва фахрийларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда гапирганда, 2017 йилда ҳарбий хизматчилар учун 56 та кўпқаватли уй барпо этилганини ва бу ишлар келгуси йилда янада катта ҳажмда давом эттирилишини таъкидлаш жоиз.

Айни пайтда мудофаа соҳасида олдимизда янги ва муҳим вазифалар турганини барчамиз яхши тушунамиз. Аввало, Миллий хавфсизлик концепцияси ҳамда Мудофаа доктринасининг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Давлатимизнинг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш, армиямизнинг жанговар қудрати ва салоҳиятини ошириш ҳам энг муҳим вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Куролли Кучларни замонавий курул-аслаҳа ва ҳарбий техникалар билан таъминлаш учун **Мудофаа-саноат комплексини шакллантириш ва ривожлантириш давлат дастурини қабул қилишимиз** зарур.

Мамлакатимизда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, биз ташқи сиёсат соҳасида барча узоқ ва яқин давлатлар, аввало, қўшни мамлакатлар, халқаро ташкилотлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш сиёсатини изчил давом эттирамиз.

Биз Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва халқаро молия институтлари билан сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар со-

ҳаларда тузилган шартнома ва келишувларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажариш бўйича барча зарур чора-тадбирларни кўрашимиз.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаб, бизга хайрихоҳ бўлиб келаётган халқаро ташкилотлар вакилларига, хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига самимий миннатдорчилик билдиришга рухсат этгайсиз.

Ҳурматли дўстлар!
Бугун сизларнинг эътиборингизга тақдим этилган ушбу Мурожаатномада баён қилинган режа ва лойиҳалар, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз тараққиётини, халқимиз фаровонлигини янги, янада юксак босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Айни вақтда барчамиз яхши тушунамлики, бу устувор йўналишларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш учун тегишли ҳуқуқий асос ва механизмларни яратиш зарур.

Шу муносабат билан Бош вазир А.Арипов, Давлат маслаҳатчилари У.Исмоилов, О.Муродов, Хавфсизлик кенгаши котиби В.Маҳмудовга барча давлат ва ўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар ҳокимлари билан биргаликда, ушбу Мурожаатномадан келиб чиқадиган устувор вазифаларни сўзсиз амалга оширишга доир комплекс чора-тадбирларни 2018 йил 10 январгача ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни таъминлаш вазифаси топширилади.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!
Албатта, Мурожаатномада баён этилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда ҳал қилувчи босқич бўладиган 2018 йил биз учун осон бўлмайди. Буни очик айтиш керак. Лекин, халқимиз таъбири билан айтганда, сув келса симириб, тош келса кемириб бўлса ҳам, танлаган йўлимиздан қайтмаслигимиз шарт. Нера деганда, бу ҳаётда ҳеч нарса ўз-ўзиндан бўлмайди. Ўзимиз ҳаракат қилмасак, ҳеч ким бизга бегараз ёрдам бермайди.

Барчамиз бир ҳақиқатни чуқур тушуниб, англаб олишимиз керак: бугун гап халқимиз, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги, жондан азиз болаларимизнинг бахти ва камоли ҳақида бормоқда. Шундай улғу мақсадлар йўлида барчамиз белимизни маҳкам боғлаб ишлашимиз, бор ақл-заковатимиз, билим ва тажрибамизни, жонажон Ватанимизга фарзандлик меҳрими ва садоқатимизни сафарбар этишимиз керак.

Ўзимиз ўзимизга хиёнат қилмасак, ўзимиз ўзимизни алдамасак, ҳалол-поқ бўлиб меҳнат қилсак, мен аминман, кўзлаган барча марраларимизга албатта етамиз. Бу борда мен аввало кўп синовлардан ёруғ юз билан ўтган олиханоб халқимизнинг мустаҳкам иродаси ва бунёдкорлик салоҳиятига ишонаман.

Эзгу мақсадларимизга эришиш йўлида барчангизга куч-ғайрат, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва фаровонлик тилайман.

Катта раҳмат сизларга, соғомон бўлинглар!

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ МУРОЖААТНОМАСИ ХАЛҚИМИЗ УЧУН УНУТИЛМАС ТАРИХИЙ ВОҚЕА БЎЛДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномасини халқимиз катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кутиб олди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирлари юртдошларимизнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

Раъно ФОЗИЛОВА, Тошкент вилоятининг Чиноз туманидаги 40-умумтаълим мактаби она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси:

— Билим, иқтидор ва ижодкорликни улуғлаган давлатнинг, халқнинг келажаги улуғ бўлади. Бугун биз тарихий воқеанинг гувоҳи бўлдик. Муҳтарам Президентимиз Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига Мурожаатномасида ўз халқига ишонч билдирди. Ҳаётимиз учун энг муҳим омиллар ҳақида халқона, содда ва раво қилиб, мурожаат қилди.

Президентимиз интеллектуал ва маданий салоҳиятнинг қандай ноёб бойлик, бу соҳаларда нодир талант эгаларини тарбиялаб камолга етказиш қандай ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканига алоҳида ургу берди. Айниқса, бунда адабиёт, санъат ва маданият соҳалари йўлидаги ислохотлар ижодкорларнинг иқтидорини намоён этишида муҳим омил бўлмоқда. Қисқа муддат ичида Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш «Илҳом» жамоат фонди, шунингдек, «Дўстлар клублари»нинг ташкил этилиши ва улар ўз атрофига қўллаб-қувватлаш эгаларини жамлаш олдганини бугун қувониб айтсак арзийди. Шу билан бирга, пойтахтимизда мухташам Адибнинг хайбони, Ёзувчилар уюшмасининг янги биноси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда улуғ адибларимиз номлари билан аталган ижод мактабларининг барпо этилиши ёш иқтидор эгаларини тарбиялаб, уларнинг юқори чўққиларни забт этишига пухта заминдир.

Буни узокқа бормасдан, ўзимнинг ҳаётим мисолида айтиб берай. Мен шундай жаннатмонанд юртининг бахтли аёлиман. Негаки, ишлашга имкон яратилган мамлакатда ёниб яшаш, қалб кўрини бериб ишлаш бахти менга насиб этганидан қувончимни сўз билан ифода этолмайман.

Бугун Президентимиз раҳнамоллигида амалга оширилаётган езгу ишлар бarchамизга kuch baxsh etmoqda. Ўзим ҳам ижодкор сифатида «Ёш мухбирлар», «Истиқлол гунаҳлари» тўғрисидаги мақолаларини туманимиздаги «Чиноз ҳаёти» газетасида мунтазам эълон қилмоқда.

Хусниддин АБДУКАРИМОВ, Чилонзор туманидаги «Бўрижар» жомеъ масжиди имом-хатиби:

— Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига Мурожаатномасида диний мавзуга алоҳида эътибор қаратди.

АҚШдаги «The Washington Times» газетасида чоп этилган Л.Тод Вуд-

нинг «Ўзбекистон диний бағрикенглик қарор топган юрт» сарлавҳали мақоласида ислом динининг моҳиятини тушуниш учун Ўзбекистонга бориш керак дейилган эди. Бу фикрда ҳар томонлама асос бор. Чунки истиқлол шарофати билан юртимизда дунёвий ва диний илмларни ўрганиш, уларнинг мазмун-моҳиятини янада тадқиқ этишга кенг имкониятлар очилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш, динимиз тарихи, улуғ алломалар ва азиз-авлиёларимиз меросини ўрганиш ҳамда тарғиб этишга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Ҳадисшунослар Исо Термизийнинг Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги мангу оромгоҳида илмий марказ барпо этилган, Бухорода Баҳроуддин Нақшбанд ҳазратларининг қадамжолари, Тошкентда Имом Термизий номидаги масжид ва Сузуқ ота макбраси каби қадамжоларга бўлган эътибор ислом динининг асл моҳияти эзгулик, фақат эзгулик эканидан далолатдир.

Давлатимиз раҳбари ўз Мурожаатномасида буюк алломаларимиз ёдгорлик мажмуалари қошида ҳадисшунослик, мусулмон ҳуқуқшунослиги, тасаввуф, калом ва ақида илми каби диний-маърифий йўналишларни ўрганиш бўйича мактаблар ташкил этилганини таъкидлади. Мазкур мактаблар ўрта асрларда етишиб чиққан минглаб олим уламолар, мутафаккир ва шоирлар, авлиёлар қолдирган илмий ва диний меросни ўрганишга хизмат қилади.

Умида ТЕШАБОВА, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори ўринбосари:

— Президентимизнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига Мурожаатномаси бarchамизда катта қизиқиш уйғотди. Мурожаат чоғида давлатимиз раҳбари хозирги кунда мамлакатимиз китоб фондларида 100 мингдан зиёд кўлэзма асарлар сақланаётгани ва улар шу кунга қадар тўлиқ ўрганилмаганини таъкидлади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси йигирма саккиз мингдан ортиқ нодир ва ноёб фонди билан нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиё минтақасида алоҳида нуфузга эга шундай масканлардан ҳисобланади. Бу ерда асраб-авайланаётган XIII–XIX асрларда Мовароуннаҳр, Хуросон, Туркистон заминидан битилган кўлэзма ва тошбосмалар, XVII–XVIII асрларда Фарбий Европада чоп этилган китоблар шулар жумласидандир.

Таъкидлаш керакки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик

маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисидаги қарори аҳоли ва ёшларнинг китобга бўлган меҳрини ошириш, мамлакатлар ўртасида илмий-маърифий алоқаларни мустаҳкамлаш, кутубхоналар фондини замон талаби даражасида сақлаш, илмий ва бадиий меросни келгуси авлодга етказишда муҳим ҳужжат бўлди.

Кутубхонамизда 2017 йилнинг илк кунларидан бу борадаги ислохотлар ижроси доирасида қўллаб-тадбирлар ташкил этилмоқда. Хусусан, яқинда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Корнелий Кекелидзе номидаги Грузия Миллий кўлэзмалар маркази ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандумининг имзоланиши кутубхона ва фонд ишини такомиллаштириш, тажриба алмашиш, миллий меросни ўрганишга хизмат қилади. Эътиборли жиҳати, бу учрашувда Ўзбекистон Миллий кутубхонасига улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг Грузия Миллий кўлэзмалар марказида сақланаётган кўлэзмаларидан фотонусхалар тақдим этилди.

Президентимиз халқимизга қилган ўз мурожаатида таъкидлаганидек, биз дунё ахлини хайратга соладиган ноёб илмий-маънавий меросга эга бўлган халқимиз!

Гулнора ХАМИДОВА, Олмазор туманидаги «Пахта» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси:

— Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига Мурожаатномасида аёллар муаммоларига алоҳида эътибор қаратди.

Туман хотин-қизлар қўмиталари раислари ҳали ўзининг ишини бажаролмаяпти, тушунмаяпти, оддий аёлларимизнинг дардини билолмаяпти, деб ҳақли равишда танқид остига олди.

Аёллар орасида ўз жонига қасд қилиш муаммоси долзарблигига қолаётгани ҳаммамизга маълум. Шундай экан Хотин-қизлар қўмитаси нега жим? Улар муаммонинг олдини олиш бўйича нима иш қилапти? Нимага бундай бўлди, ким айбдор, дея бонг уриши керак улар, деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбарининг бу оташин сўзлари шу юртда яшаётган ҳар бир инсонни ўйлантиргани, огоҳ бўлишга, масалага жиддийроқ қарашга ундагани аниқ. Шахсан мен бу сўзларни телевизор орқали эшитиб, ҳаяжонга тушдим.

Бу муаммо кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас. Хотин-қизлар масаласида йиллар давомида йўл қўйиб келинган камчиликлар туфайли шундай иллат юзага чиқди. Аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини химоя қилиш, бандлигини таъминлаш, турмуш шароитини яхшилашга кўмаклашиш хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла фаоллари фаолиятининг асосий мезони бўлиши керак.

Негаки, ўзбек аёли бугун бахтли яшашга ҳақли. Маҳалла фаоллари ҳар бир хонадонга кириб, аёлларнинг дарду ташвишларини тингласа, уларга яхши яшашига кўмак-



Munosabat

дош бўлса, бундай муаммоларга ўз-ўзидан барҳам берилди.

Бу борада маҳалламизда анчагина ишларни режалаштирганмиз. Оилалар билан ўтказётган суҳбатларимизда аёлларнинг аҳолидан бохабар бўлишга, муаммосини аниқлаб, бартараф этишга эътибор қаратаймиз. Натижада жорий йилда фуқаролар йиғинимизда ажримлар сони кескин камайди, хотин-қизлар ва воёга етмаганлар ўртасида бирорта ҳам жиноят содир этилмади.

Президентимизнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига Мурожаатномасида бу борада билдирган фикрлари бизни ўз ишимизга янада масъулият билан ёндашишга ундайди.

Малоҳат МЎМИНОВА, уй бекаси:

— Шу пайтгача кўпчилик қатори мен ҳам болам боғчада вақтида оёқ-қатлаиб, вақтида ухласа бўлди, деб ҳисоблардим. Чунки моддий-техник базаси фариб бўлиб қолган мактабгача таълим муассасасидан, бунинг устига жуда кам маошга ишлаётган тарбиячилардан ортиқ нимани ҳам кутардим.

Энди фикрим ўзгарди. Президентимиз бошчилигида фарзандларимиз тарбиясида энг асосий бўлган ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги катта ўрни ва аҳамияти эътиборга олинди. Мактабгача таълим вазириликнинг ташкил этилгани, соҳа ривожини унинг олиб борилаётган ишлар натижаси бунга сабаб бўлди. Бугунги кунда кичик ёшдаги фарзандим Яшнобод туманидаги 405-мактабгача таълим муассасасига боради. Йил бошидан буён мана шу боғчада ҳам ижобий ўзгаришлар кўп бўлди. Машгулот хоналари таъмирланди. Эски сантехника анжомлари янгисига алмаштирилди. Мени энг қувонтиргани эса машгулотларга олий маълумотли мутахассисларнинг жалб этилгани бўлди.

Натижа дарров билинди. Илгари бормайман, деб хархаша қиладиган болам, боғча деса юғурди. Машгулотлар унинг теварак-атрофига қизиқишини ошириб, билимга меҳрини уйғотмоқда. Расм чишишга, пластилиндан ҳар хил шакллари ясашга уста бўлиб қолган. Нутқи ҳам раво, боғча опасидан эшитган эртақларини бизга айтиб чарчамайди. Ранглар, мева ва сабзавотлар, ҳатто ҳайвонларнинг ҳам ингилча ва русча номларини билиб олган. Биз оналар Президентимизни дуо қиламиз!

Васила ФАЙЗИЕВА, Ўзбекистон давлат санъат музейи директори:

— Янги 2018 йил остонасида туризмиз. Катта оразу-истақлар билан қўтилаётган янги йил олдидан, албатта, ҳар биримиз ўтган даврни сарҳисоб қиламиз.

Шу маънода айтадиган бўлсак, 2017 йил халқимиз учун тарихий воқеаларга бой бўлди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бarchа соҳаларда бошлаб берган янги ислохотлар ижросини таъминлашда халқимизнинг фаол иштирокига

(Давоми 13-бетда.)

2017-yil 23-dekabr, № 102-103 (9064)

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ МУРОЖААТНОМАСИ ХАЛҚИМИЗ УЧУН УНУТИЛМАС ТАРИХИЙ ВОҚЕА БЎЛДИ

(Давоми. Боши 12-бетда.)

гувоҳ бўлдик. Бунда маданий-гуманитар йўналишлар ривожига маданият, санъат, адабиёт ва оммавий ахборот воситалари соҳаларига доир қабул қилинган 12 та муҳим ҳужжат ижроси билан боғлиқ.

Бу жараёнда зиргина санъат соҳасини олайлик. Қўқон шаҳар мусикали драма театри, Хоразм вилояти мусикали драма театри, Жиззах вилояти мусикали драма театрининг катта маблағ ҳисобидан реконструкция қилиниши, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали ташкил этилиши каби эзгу ишлар аҳолининг санъатдан завқ олиб яшашида, ёшларнинг санъат соҳасидаги билимини, маънавиятини мустаҳкамлаш йўлидаги яна бир катта қулайликдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 31 майдаги «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мамлакатимиз музейлари қаторида қадимги Кушон давлати, Варахшадаги Бухорхудодлар, Қувадаги буддавийлик ибодатхонаси, Афросиёб ва Ахсикентдаги археологик қазилма ишларида топилган ноёб буюмлар каби 98 мингдан ортиқ ашё ва коллекцияни ўзида мужассам этган Ўзбекистон давлат санъат музейи моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ҳамда замонавий шарт-шароитлар яратишга кенг йўл очиб берди.

Бугун биз яна бир янги воқеанинг шохиди бўлдик. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев телевидение орқали жонли эфирда Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига Мурожаатнома тақдим қилди. Унда давлатимиз раҳбари халқ манфаати ва фаровон ҳаёти йўлида амалга оширилган ишлар натижаси, унинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумот берди. Бу Мурожаат янги ислохотлар ташаббускори бўлган Президентимизга нисбатан юртдошларимизнинг юксак ишончини янада оширди.

Фарахат ПАЛИМОВ, Ибройим Юсупов номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернат директори, Нукус шаҳри:

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг биринчи марта мамлакатимиз парламенти — Олий Мажлиси Мурожаатномасида иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз ис-

теъдод ва салоҳиятини юзага чиқаришга доимий эътибор қаратиш, айниқса, адабиётга, маънавиятга улкан эътибор қаратиш, ижодкорларга ҳурмат-эҳтиром, ўсиб келаятган ёш авлодга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Бу бизни ҳам ўз ишимизга янада масъулият билан ёндашишга ундайди.

Президентимиз жорий йил 21 январь кuni Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон ва Ўзбекистон халқ шоири Ибройим Юсупов номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернат бунёд этиш, мактаб олдида шоир ҳайкалини ўрнатиш, босмахона ташкил қилиш бўйича топшириқлар берган эди. Қисқа фурсатда уч қаватли замонавий, барча шароитларга эга улкан зиё маскани барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари 15-16 декабрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида мактаб-интернатимиз фаолияти, ўқувчиларга яратилган шароитлар билан яқиндан танишган, ўқитувчи ва ўқувчилар, қорақалпоғистонлик адиблар билан учрашган эди.

Учрашув чоғида Президентимизнинг бу ерни маънавият масканига айлантириш, атоқли шоир ва ёзувчиларимиз ижодини халқимизга ва бутун дунёга тараннум этиш, ўқувчи ёшлар ўртасида ижодий танловлар ўтказиш, жамиятда китобсеварлик муҳитини шакллантириш, айниқса, ёшларни китобга қайтариш зарурлигини айтиб ўтди. Мактаб ўқувчиларига автобус совға қилди.

Президентимиз билан учрашув ўқувчиларимиз ҳаётида бир умр эсда қоладиган, уларни янада чуқур билим олишга, ижод қилишга, ўзини намоён этишга даъват қиладиган тарихий воқеа бўлди.

Мақтабимиз 216 ўқувчига мўлжалланган. Ўқувчилар учун кенг ва ёруғ синфхоналар, юз ўринли ётоқхона, дарслик, турли адабиётлар ва бадиий китоблар билан таъминланган кутубхона, интернет тармоғига уланган замонавий компьютерлар билан жиҳозланган синфхона, спорт зали, кимё ва физика лабораториялари, ошхона фаолият юритмоқда.

Мақтабимизга болаларни бешинчи синфдан қабул қиламиз. Бу йил шаҳар, туман ва энг чекка овуллардан 5 — 10-синфда ўқийдиган энг иқтидорли ўқувчиларни тест синовлари асосида саралаб олдик. Мақтабимизда ўттиздан зиёд педагог ўқувчиларга дарс бермоқда. Ўқувчиларимиз дарслардан ташқари, турли тўғаракларда фаол

қатнашади. Айниқса, тил ва адабиётга қизиқувчи, қалами бор ўғил-қизлар кўп. Улар билан эл суйган адиблар, шоир-ёзувчилар, санъаткорлар иштирокида маънавий-маърифий учрашувлар мунтазам ташкил этилади. «Аязий» журналини чоп этишни йўлга қўйдик, «Аязий избосарлари» танловини ўтказдик.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда ёшларни маънан баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, уларнинг келгусида буюк аждодларимизга муносиб авлод бўлиб вояга етишишни таъминлашга қаратилган эътибордан далолатдир.

Давронбек МАХСУДОВ, Тошкент ислом университети Ислום цивилизациясини ўрганиш ISESCO кафедраси мудири:

— Президентимиз Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига Мурожаатномасида турли ёт ғоя ва таҳдидларга қарши маърифат билан курашишдек устувор вазифага алоҳида тўхталди.

Дарҳақиқат, жаҳон саҳнида ахборот хуружлари тобора авж олаётган бир пайтда фуқароларимизнинг онгу тафаккурини диний-экстремистик таъжовулардан асраш, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлиқни таъминлаш масаласи ҳар қачонгидан-да муҳим аҳамиятга эга.

Сир эмас, бугун муқаддас динимизни сохталаштириш йўли билан турли бузғунчиликлар содир этилмоқда. Шу маънода, соф ислом маърифатини тарғиб қилишда давлат, жамоат ва диний ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Президентимиз қайд этганидек, эзгулик, меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик йўлидаги бирлашиш ислом динининг асл моҳиятини очиб беришга хизмат қилиб, одамлар дунёқарашида терроризм, экстремизм ва диний ақидапарастликка мурасасиз курашни шакллантириш имконини беради.

Юртимиз заманидан етишиб чиққан мутафаккирлар, олим уламолар қолдирган маънавий мерос бутун инсоният учун бебаҳо мулк ҳисобланади. Таассуфки, бу нодир асарлар ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Ваҳоланки, ушбу китобларда бугунги даврнинг долзарб муаммоларига аниқ жавоб топиш мумкин. Ана шундай бебаҳо бойликка эга халқ орасидан ақидапараст, диний оқимларга берилган кимсаларнинг чиқishi ҳақиқатан ҳам адолатдан эмаслигини теран англамоқдамиз.

Шу боис Президентимизнинг ушбу йўналишдаги ташаббуслари

кутилган натижаларни бериши учун биргаликда ҳаракат қилишимиз керак. Шундагина аҳоли ўртасида бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолши ҳўлатларининг олдини олиш бўйича таъсирчан натижаларга эришамиз.

Кумар БЕГНИЯЗОВА, «Yoshlar ovozi» ва «Молодежь Узбекистана» газеталари махсус муҳбири, Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси, «Йилнинг энг фаол журналисти — 2017» танлови голиби:

— Сўз — мўъжиза. Биргина сўз инсонга қувонч бағишлайди, бир сўз дилни хуфтон қилади. Жамиятга тўғри, ҳаққоний сўзни айта олиш ҳар бир қалам аҳлининг, биз журналистларнинг ҳам асосий бурчимиздир.

Бугун мамлакатимизда 1 минг 500 дан зиёд оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда. XXI аср жадвал ахборотлашувида бу кўрсаткич ҳали етарли эмасдек, назаримизда.

Президентимиз 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномасида оммавий ахборот воситалари соҳасини янада ривожлантиришга оид тавсия ва тақлифларини билдириб ўтди. Соҳага юқори малакали кадрлар зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Афсуски, бундай кенг кўламли вазифани бир жойда марказлаштирган ҳолда ҳал этадиган таянч олий ўқув юрти мамлакатимизда мавжуд эмас, деди Шавкат Мирзиёев. Бу кўпчилик журналистларнинг дилидаги гаплар эди. Чунки мамлакатимизда атиги учта олий таълим муассасасидагина журналистика мутахассислиги мавжуд. Олий ўқув юртиларининг етарли мутахассисларни жамиятга етказиб берилаётганлиги тўғрисида кўпчилик оммавий ахборот воситаларида, ташкилотларнинг ахборот хизматларида бошқа соҳа вакиллари фаолият кўрсатаётди. Бу ахборот маконида турли камчилик ва муаммоларни юзага келтирмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўз Мурожаатномасида Журналистика ва оммавий коммуникация воситалари университетини ташкил этиш зарурлигини қайд этди. Бу тақлиф келгусида етуқ журналистларни тайёрлаш ва ахборот бозорини янгиликлар билан тўлдириш имконини беришига ишонамиз.

ЎЗА

ҲАЛИ ҚИЛАДИГАН ИШЛАРИМИЗ КўП

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатларига Мурожаатномасини эшитиб, бўйимга бўй, энимга эн қўшилди. Кўнглим яшарди. Энди хунарни шогирдларга қолдириб, оёқ узатиб ётсам ҳам бўлаверди, деган ўйда юрардим. Хато қилган эканман. Ҳали қиладиган ишларимиз кўп экан.

Оддий тоштарош уста ва имтиёзни эшитиб, бўлсам-да, тадбиркорларга яратилаётган шароит

яти 2 йил текширилмаслиги, бу иш билан фақат прокуратура шуғулланиши ва Президентнинг шахсан назоратида бўлиши таъкидлангани ишлайман деган ҳар қандай одамга куч беради-да.

Нурота тумани Фозгон қишлоғида 2 йрик мармар заводи йиллаб фаолият кўрсатмаётган эди. Дав-

латимиз раҳбарининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги ташаббуси натижасида мазкур заводлар қайта иш бошлаб, ҳар бирида 25–30 чоғли ёшлар сифатли асл Фозгон мрамари ва гранитларини тайёрлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Худудда тоштарошлиқни янада ривожлантириш, ёш уста хунармандларни тайёрлаш мақсадида 260 миллион сўм имтиёзли кредит

олиб, замонавий дастгоҳлар харид қилмоқчимиз. Давлатимиз раҳбарининг бугунги маърузасини эшитгач, ҳали яна камида 10–15 йилга етадиган режаларни пишиб етилди. Уларни амалга оширмай оёқ чўзиш йўқ. Бу менинг қатъий қарорим.

Тоҳир РАҲИМОВ, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиб, Нурота тумани

2017-yil 23-dekabr, № 102-103 (9064)

Билимни янгича баҳолаш мезонлари

тажриба-синовдан ўтказилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш, ўқувчиларнинг хорижий тилларни ўрганишга қизиқишини кучайтириш, таълим самарадорлигини ошириш мақсадида 2017 йил 27 октябрда Халқ таълими вазирлигининг "Умумтаълим мактабларида чет тилини ўзлаштириш даражасини давлат таълим стандартларида белгиланган кўникмалар асосида баҳолаб бориш механизмини тажриба-синовдан ўтказиш тўғрисида"ги 340-сонли буйруғи қабул қилинди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда таълимнинг барча босқичларида баҳолаш мезонлари ҳамда тартиби ишлаб чиқилиб, унга мувофиқ чет тиллардан ҳам баҳолаш тартиби яратилди. Республика таълим маркази мутахассислари ва амалиётчи ўқитувчилардан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, ўқувчиларнинг чет тиллардан эгаллаган билимини баҳолаш бўйича янги механизм жорий ўқув йилининг 2—4-чорақлари давомида умумтаълим мактаблари-

нинг 4-, 5-, 10-синф ўқувчилари ўртасида тажриба-синовдан ўтказилмоқда. ДТС ва ўқув дастурининг чет тилини билиш даражалари ҳамда ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган малака талабларига мувофиқлиги, ўқувчилар ёши, психо-физиологик хусусиятларига мослиги бўйича жамоатчиликнинг таклиф ва хулосалари олиниб, тахлил қилинмоқда.

Тажриба-синов учун республикамизнинг ҳар бир ҳудудидан 4 тадан инглиз, 2 тадан немис ва француз тили фани ўқитилган жами 112 та мактаб ҳамда вазирлик тасар-

руфидаги 6 та ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби танлаб олинди. Экспериментатор-ўқитувчилар "Йилнинг энг яхши чет тили ўқитувчиси" республика кўрик-танлови соҳиблари, Англияда малака оширган, Тошкентдаги Гёте институти ҳамда Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда ўтказилган тренерлар тайёрлаш ўқув-



Jarayon

ларида иштирок этган, тренерлик сертификатига эга бўлган тажрибали педагоглар орасидан сараланди.

Улар оралиқ ва якуний назорат ишлари орқали ўқувчиларнинг тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзиш кўникмаларини баҳолаб, натижаларини журналда қайд этишмоқда. Белгиланган тартибга кўра, иловалардаги сўровномалар тахлилий хулосалар билан тўлдирилиб, мактаб фан методбир-

лашмасига, сўнг туман чет тили методистига топширилади. Ўз навбатида туман(шаҳар) халқ таълими бўлимлари томонидан хулосалар ҳудудий халқ таълими бошқармасига, сўнг умумлаштирилган ҳисобот Республика таълим марказига тақдим этилади.

Янги баҳолаш механизми қатор афзалликларга эга. Bunda ўқувчининг ҳар бир хатти-ҳаракати ва интилиши алоҳида эътиборга олинади. Мисол учун, 4-синфларда гапириш кўникмасини баҳолашда икки жиҳат — нутқдаги узвийлик ва мантикий боғлиқлик ҳамда грамматик саводхонлик ва сўз бойлиги инобатга олинади. Ёзиш кўникмасини баҳолаш имло қоидалари, грамматик қурилмалар қисмларига бўлинади. Тинглаб тушуниш ва ўқиш кўникмалари эса бир йўналишда баҳоланади. 5-, 10-синфларда гапириш кўникмасини баҳолаш уч қисмга бўлинади. Булар —

аниқлик, мантикий кетма-кетлик ва талаффуз.

Ёзув кўникмасини баҳолаш ҳам уч қисм — топшириқнинг бажарилиши, грамматик ва лексик бирликлардан иборат. Тинглаб тушуниш ва ўқиш кўникмасини баҳолашда бир йўналиш эътиборга олинади.

Ўқувчи билими икки қисм асосида баҳоланганда баллар йиғиндиси иккига бўлиниб, ўртача баҳо чиқарилади: $3+5=8:2=4$. Уч қисм асосида баҳоланганда белгиланган меъёрлар бўйича ўқувчи олган баллар йиғиндиси учга бўлиниб, ўртача бал чиқарилади: $5+4+3=12:3=4$.

Тажриба-синовда янада такомиллашадиган баҳолаш механизми кейинги ўқув йилидан таълим жараёнига татбиқ этилиши кўзда тутилган.

Абдурахим НОСИРОВ,
Халқ таълими вазирлигининг умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув-методик жараёнларни ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи

Айни пайтда экспериментатор-ўқитувчилар томонидан янгича баҳолаш мезонлари юзасидан дастлабки хулосалар асосида таклиф ва тавсиялар тайёрланмоқда.

— Учқўрғон тумандаги 43-ИДУМда тажриба-синов ишларини экспериментатор-ўқитувчи Турсунной Умматалиева олиб борапти, — дейди Учқўрғон туман халқ таълими бўлимининг хорижий тиллар методисти Озода Жабборова. — 2-чорак якуни бўйича хулосаларга асосан бир қатор таклифлар ишлаб чиқдик. Мисол учун, янги баҳолаш механизmidан оралиқ назорат ("Progress check")да, жорий баҳолаш даврида эса оддий баҳолаш тартибидан фойдаланиш яхши самара бериши аниқланди. Чунки жорий баҳолаш даврида гуруҳда ўртача 15 нафар ўқувчи бўлса, ҳар бир ўқувчининг барча кўникмаларини баҳолаш ўқитувчи учун қийинчилик туғдирди. Қолаверса, бунда 45 дақиқалик дарснинг катта қисми баҳолаш билан ўтиб кетади. Яна бир таклифимиз, гапириш кўникмасини баҳолаш учун алоҳида соат ажратилиш лозим ёки уни жорий назоратда баҳолаб бориш мақсадга мувофиқ. Баҳолаш мезонидан ҳар бир баҳо учун берилган меъёрлар давлат таълим стандарти ва ўқув дастурларининг даража ва синфлар учун белгиланган талабларига мос. Эътиборлиси, янги механизм орқали ўқувчилар ўз малака ва кўникмаларини тахлил қилишга ўрганишади. Бу эса уларда ўз-ўзини баҳолаш компетенцияси шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади. Тажриба-синовда ўқувчилар машқ дафтарини ҳам баҳолаб, журналга қайд этиб бориш белгиланган. Фикримизча, машқ дафтари жорий ва оралиқ назоратда баҳолаб борилгани сабабли алоҳида баҳолаш шарт эмас.



Ўқув-семинар ўтказилди

Пойтахтимиздаги 303-мактабда давлат таълим стандартлари талабларининг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши даражасини ва уларнинг билимлари сифатини назорат қилиш мезонлари мавзусида ўқув-семинар ўтказилди. Семинар бешта шўбада иш олиб борди.

— Семинарда тажриба-синов ишлари олиб борилаётган таянч таълим муассасалари экспериментатор-ўқитувчилари томонидан очиқ дарслар ташкил этилди. Машғулотларда тажриба-синовда қатнашаётган 1-, 4-, 5-, 10-синф ўқувчиларига она тили, биология, математика, физика фанларидан ДТС талаблари даражасида билим бериш,

БКМни ўзлаштириш ва компетенцияларни баҳолашга оид маълумотлар берилди. Семинар иштирокчилари ушбу маълумотларни ўз иш фаолиятларида қўллаш бўйича ўзаро фикр алмашдилар, — дейди 303-мактабнинг биология фани ўқитувчиси Хилола Маматкулова.

Б.РИЗОКУЛОВ
олган сурат.





ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

Кириб келаётган
Янги – 2018 йил
қутлуғ бўлсин, азизлар!

Мамлакатимизда бунёдкорлик
ишларини амалга ошираётган
барча юртдошларимизга,
баркамол ёш авлодни
тарбиялаётган устоз ва
мураббийларга янги йилда
мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр,
бахт-саодат тилаймиз!

Янги йил барчангизга муборак бўлсин!



«Мовароуннахр» нашриёти, «Хидоят» журнали, «Ислом нури» газетаси,
«muslim.uz» веб-портали жамоалари барча юртдошларимизни
яқинлашиб келаётган янги милодий 2018 йил билан
самимий қутлайди!

Яратгандан юртимизда шундай байрам тантаналари
бардавом бўлишини сўраймиз!



ОБУНА—2018



Хидоят


**ИСЛОМ
НУРИ**

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Севимли нашрларингиз – «Хидоят» журнали, «Ислом нури» газетаси ва уларнинг қорақалпоқ тилидаги иловалари («Хидаят», «Ислам нури») йилдан-йилга мазмунан бой, шаклан чиройли бўлиб, обуначилари тобора кўпайиб бормоқда.

Азиз ватандошлар! Ўзингизни, оила аъзоларингизни илм-маърифат нуридан бебаҳра қолдирманг! «Маърифат улашиш – энг эзгу амал» шиорини маҳкам тутайлик.

Нашрларимизга обуна бўлинг!

 @muslimuzportal
@hidoyatuz

ЙИЛЛИК ОБУНА БАҲОСИ:
(масжидлар орқали)

«ХИДОЯТ» – 45 000 сўм;
«ИСЛОМ НУРИ» – 36 000 сўм.

Қорақалпоқ тилидаги иловалар:

«ХИДАЯТ» – 25 000 сўм; «ИСЛАМ НУРИ» – 18 000 сўм.

Манзилимиз: 100002, Тошкент шаҳри, Зарқайнар 18-берккўча 47-а уй. Электрон почта: m-nashr@mail.ru.

Мурожаат учун телефон рақамлари: (0 371) 227-34-30; (0 371) 240-08-23.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН, ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

"Islom Karimov xotirasiga bag'ishlangan eng yaxshi ilmiy-ommabop maqola" ko'rik-tanloviga

Халқни буюк муҳаббат билан севар эди

Дунё тарихида, шу жумладан, юртимизда ҳам жуда кўп подшоҳлар, султонлар, амиру хонлар ўтган. Уларнинг баъзиларини замонлар оша авлодлар яхшилик билан хотирлайди. Халқи, юрти учун қилган эзгу ишлари ҳақида китоблар битиadi, баъзиларини эса ҳатто замондошлари ҳам эсламайди ё эсласис келмайди. Халққа сеvimли раҳбар бўлиш учун унинг ўзи халқни сева олиши керак.

Шундай бир ривоят бор. Эмишкi, бир қавм ўзига янги раҳбар тайинламоқчи ният қилиб, донишмандлардан:

— Қандай инсонни ўзимизга бошлик қилиб сайласак тўғри бўлади? — деб сўрашибди. Шунда донишмандлар:

— Танлаган уч нафар номзодингизни бизга жўнатинг, — дейишибди. Номзодлар навбат билан донишмандлар хузурига кела бошлабди. Улар биринчи номзодга бир манзилини бериб:

— Шу хонадонда бедаво дардга чалинган бемор яшайди. Унинг ҳолидан хабар олиб қўйинг, — дейишибди. Биринчи номзод беморнинг қандай хасталик билан огриганини эшитгач, хонадонга яқин ҳам бормасдан табиб жўнатибди ва донишмандларга:

— Менинг таобатдан хабарим йўқ. Керакли одамни жўнатдим, ўзи беморни оёққа тургизишга ёрдам беради, — дебди.

Донишмандлар иккинчи номзодга ҳам шу манзилини беришибди. У ҳам вазиетни англагач, табибга қўшиб дори-дармонлар ҳам йўлабди.

Учинчи номзод эса беморнинг олдига бориб, то у оёққа тургунча табиб билан баравар жон куйдирибди. Яхши сўзлар айтибди, далда берибди, соғайиб кетишга ўзида ишонч уйғотибди.

Донишмандлар: — Фуқаролари мушкул аҳволда қолганда унинг ёнида турадиган, майдонни ташлаб қочмайдиган одамгина юртга раҳбар бўлишга лойик, — дея учинчи номзодни раҳбарликка тавсия қилишган экан. Бу — бир ривоят. Лекин унинг моҳиятидаги фикр — ҳақиқат.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислom Каримовда ана шундай халқпарварлик, элпарварлик фазилатлари муҳасам эди. У Ўзбекистон халқини буюк муҳаббат билан севарди. Халққа, юртга меҳр у кишининг зуваласида бор эди, десам тўғри бўлади.

Биринчи Президентимиз ниҳоятда қийин бир вазиетда раҳбарликни ўз зиммасига олди. Чунки қарийб 150 йил империя таркибиди бўлган, бировнинг изну иштиёри билан яшаш ва ишлашга ўрганиб қолган, қатагонлардан юрагини олдириб қўйган халқни озод яшашга ўргатиш, боқимандалик кайфиятидан халос этиш, инсон сифатидаги шаъни, гурурини тиклаш осон иш эмасди.

Ислom Каримов 1986—1989 йилларда Қашқадарё вилoяти партия комитетининг биринчи котиби сифатида фаолият олиб борди. Мен бу йилларда биринчи котибимиз амалга оширган ишларни кўриб, Қашқадарё аҳлининг: "Бошимизга Ҳумокуши кўнибди", дея суюнганини яхши эсламан. Чунки раҳбаримиз ишни халқнинг яшаш шароитини яхшилашдан бошлаган эди. Уша даврда вилoят марказидаги "Пахтазор" микрорайонида истиқомат қилардим. Худудни кўжаламзорлаштириш, дарaxтлар экиш, арик қазитиш, ховлиларни оқлаш ишларига вилoятимиз раҳбари катта аҳамият берган. Ободончилик, чиройли шароитларда яшаш одамларнинг кайфиятини кўтарди, меҳнат иштиёқини уйғотди. Шу йилларда "Буюм бозори" ишга тушган, "Мебеллар уйи", "Болалар дунёси" каби кенг қамровли дўконлар қурилган. Одамлар руҳиятида ўзгача бир жонланиш бошланган.

Бу инсон ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларига баравар аҳамият беради. Ўқитувчиларнинг ҳар янги ўқув йили бошида ўтказиладиган август кенгашларида шаҳсан ўзи иштирок этар, маъруза қилар, биз педагогларга: "Сизлар болаларимизга иккинчи ота-она, шунчакки ота-она эмас, билимли, ўқиган ота-онасизлар", деган таърифларни айтиб, яхши ўқитиш, яхши тарбия беришга илҳомлантирарди.

Ислom Каримов республикамиз Президентлигига ана шундай меҳнат ва меҳр пиллапоялари билан кўтарилиб келди.

Узоқ йиллар халқимиздан

ботмонлаб олиб, берарга келганда чимдимлаб берган империя омбору хазиналаримизни бўшатиб кетгани, истиклолнинг илк йилларида дўконларимизда оддий макарон, ҳатто, болаларга печенье топиш амримаҳол бўлиб қолганини оғриқ билан эслаймиз. Одамларда "қаҳатчилик бошланар эмиш" деган саросима, кўрқув пайдо бўлган, айримлар булканонларни кесиб, қожон қила бошлаганди... Ислom Каримов чорак аср давомида халқимизни ана шундай аянчли вазиетдан тўқлик, фаровонликка, ёруғ кунларга олиб чикди!

Ўзимнинг соҳамдаги ўзгаришларни яхши билганим учун кўпроқ Ислom Каримовнинг маърифат билан боғлиқ эзгу хизматларига тўхталгим келади. "Мактабга эътибор — келажакка эътибор" деган ҳеч қачон эскирмайдиган шиор ҳам юртимизда Биринчи Президентимиз кўллаб-қувватлаши билан оммалашиб кетди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида ёш авлодини ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан тарбиялаш учун кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Таълим-тарбия сифати юксалгани, болаларда спортга иштиёқ ортгани бугун мамлакатимиз ёшларининг халқро фан олимпиадаларида, спорт, санъат соҳасида эришяётган ютуқларида намоён бўлмоқда. Ёшгина ўқувчиларнинг халқро ареналарда бу қадар кўп чемпионликини, гран-при совринларини қўлга киритгани тарихимизда ҳеч қачон бўлмаган. Биринчи Президентимизнинг ёшларга

бўлган меҳри, "Сизлар менин фарзандларимсиз, ҳам-мангизни бағримга босаман", деган самимий изҳорлари ёшларимизни голиблик шохсупасига етаклади.

Биз Ислom Каримов раҳбарлигиди энди оёққа тураётган кўпчилик давлатларнинг ҳаловатини бузган фуқаролар урушини четлаб ўтдик, ерли, мулкли бўлди, тadbиркор сифатида ўзимизни ўзимиз боқишга қурбли бўлиб, боқимандалик кайфиятидан халос бўла бордик.

Халқимизга сингган бекиёс хизматлари, донолиги туфайли кўпчилик юртдошларимиз ўзарo сўхбатларда Биринчи Президентимизни эхтиром билан "Отамиз" дея атар эди. Дарҳақиқат, у киши шундай улўғ номга муносиб инсон эди. Шу дамда сатрлар дилимга куйилиб келмоқда:

**Меҳрдан кўқарар
ва гуллар одам,
Меҳрдан юксалиб
боради халқ ҳам.
Жойингиз фирдавси
аълода бу дам,
Элини севганин
судди Ҳақ ҳам.**

Айни пайтда Президентимиз Шавкат Мирзиёев устозининг йўлини давом эттириб, хотирасини эъзозлаб, асл ўзбекона удумни улўғлаб, илк кунларданок халқимиз меҳрини қозонди. МЕНГА энг олий муқофот — "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонини бериш тўғрисидаги фармонга Ислom Каримов имзо чеккан эди. Унвонни Шавкат Мирзиёевнинг қўлларидан қабул қилиб олдим. Оддий мактаб ўқитувчисининг ўқитиш-ўқитиш борасидиги меҳнатини қаҳрамонлик даражасига кўтарган, бу инсонлардан бугун эл-юртимиз қатори мен ҳам миннатдорман.

**Муҳаббат ШАРАПОВА,
Ўзбекистон Қаҳрамони**

Элим деб, юртим деб яшади

2018 йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, Мустақиллигimizinинг асосчиси, халқимиз, шу жумладан, фарзандларимизнинг тақдирини белгилаб берган давлат арбоби, элимизнинг мард ва жасур ўғлини Ислom Каримовнинг 80 йиллиги нишонланади.

Ҳар бир миллат ва давлатнинг ўз миллий қаҳрамонлари, суюкли ва ардоқли фарзандлари бўлади. Ўзбек халқининг ҳам шундай буюк фарзандлари борки, улар билан ҳар қанча фахрлансак кам. Ана шундай буюк сиймолардан бири Ислom Каримовдир. У Ватанимизни мустабид тузум қарамлигидан озод қилиб, ҳалокат ёқасига келиб қолган юртни қайта тиклади. Буюк йўлбошчимиз гоят қалитс ва таҳликали бир вазиетда огир қийинчиликлар ва синовларга қарамай, тарихан қисқа даврда Ўзбекистонни жадал ва барқарор суръатлар билан ривожланаётган замонавий демократик давлатга айлантирди.

Ўзим педагог бўлганим учун жорий йил сентябрда ўтказилган хотира тadbирлари муносабати билан умумтаълим муассасаларида ўқувчиларга Биринчи Президентимизнинг болалик ва ўқувчилик йиллари, ўқишга ва илм

олишга бўлган қизиқиши ҳамда она Ватанимизни озодликка олиб чиқиш йўлидаги буюк тарихий хизматлари ҳақида машғулотлар ташкил этдим. Мен келтирган далиллардан Ислom Каримов болалигиданок тиришқок, интилувчан бўлганини билган ўқувчиларда билим эгаллашга иштиёқ кўчайганини, ўзига талабчанлиги ортганини яққол ҳис этдим.

Ислom Каримов 1938 йил 30 январда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. У болалигида учувчи бўлишни орзу қилган ва Самарқанд шаҳридаги ўзи ўқиган 21-мактабдаги авиамоделчилар тўғрагининг фаол аъзоси бўлган. Ислom Каримов ясаган авиамоделлар у ўқиган мактабда ҳали ҳам сақланиб турибди. Кейинчилик у Тошкент давлат политехника институтига ўқишга кирди, авиация заводида ишлади.

Маълумотларга кўра, Биринчи Президентимиз мактабни тутатган 1955 йилда Самарқанд вилoятига фақат битта олтин медал келган. Уша олтин медални Ислom Каримов олган. Шу йили вилoятда ўқувчилар ўртасида ўтказилган олимпиаданинг ҳам мултлақ голиби бўлган. У кишини кўп йиллар ўқитган устози, кекса педагог Халим Абдураҳмонов 1955 йилда

Ислom Каримовга топширган "Фаҳрий ёрлик"нинг орқасига куйидаги ёзувини ёзган:

"Мен бугун умримни педагогикга бағишладим. Олтинчи йиллик фаолиятим давомида минглаб болаларга устозлик қилдим. Аммо шу йиллар ичида Ислom Каримовдай зукко, ақли, илмга чанқок, дўстларининг меҳру-муҳаббатини қозонган бошқа ўқувчини учрата олмадим. Ислom Каримовга ўзинчи синфини битирув кечасида олтин медал топиришим, ҳаётининг энг саодатли дақиқаларидир!"

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев у киши ҳақида "**Ислom Абдураҳмоновнинг республика раҳбари этиб сайланиши Яратганини халқимизга бебаҳо марҳамати бўлган эди**", деб бежиз таъкидламайдди. Ислom Каримовнинг том маънодаги фидойилиги, элим деб, юртим деб ёниб яшаш туфайли халқимиз куллик занжирдан қутулиб, яна қаддини тиклади. 1991 йил 31 августда Ислom Каримов томонидан Ўзбекистон мустақиллигининг эълон қилиниши том маънодаги тарихий ҳодиса, буюк маънавий жасорат бўлди.

Биринчи Президентимиз Ислom Каримов раҳнамалигига халқимиз куйидаги тарихий ютуқларга эришти:

— Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги қўлга киритилди;

— Ўзбекистон дунё мамлакатлари томонидан тан олинди;

— Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари қабул қилинди;

— Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди;

— қисқа мuddатларда мамлакат худудий ахлитлигини, чегаралари дахлсизлигини таъминлашга қодир бўлган миллий армия шаклланди;

— аҳоли онгида туб янгиланишлар содир бўлди, кишиларнинг дунёқарашини ўзгарди;

— халқнинг маънавий қадриятлари, анъана ва урф-одатларига, тарихий меросимизга эхтиром билан қараш давлат сиёсати даражасига кўтарилди;

— мамлакатда тинчлик, барқарорлик, миллатлараро тотувлик қарор топди;

— баркамол авлод таълим-тарбиясига катта эътибор қаратилди, кўплаб замонавий таълим муассасалари барпо этилди...

Мустақил мамлакатимизнинг Биринчи Президенти келажак авлодлари эзгуликка, илм-маърифатга ундовчи буюк тарихий сиймо сифатида хотирамизда мангу яшайди.

**Азимжон ХОНКУЛОВ,
Риштон туман халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари**

2017-yil 23-dekabr, № 102-103 (9064)

Буёқ мураббий

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, Буёқ давлат ва сиёсат арбоби Ислам Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори ижтимоий-маънавий ҳаётимизда муҳим ўрин тутган тарихий воқеа бўлди.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Биринчи Президентимиз ҳақида айтган "замонамизнинг улуғ сиёсатчиси", "узокни кўрадиган ва стратегик фикр юритадиган шахс", "дунёда ва турли минтақаларда юз бераётган ўта мураккаб воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини давлатчилик нуқтаи назаридан кўра билиш қобилиятига эга бўлган, ўз юрти ва халқи учун, ҳар ватандошимизнинг тақдирини учун улкан масъулият туйғусини чуқур ҳис қиладиган атоқли раҳбар", "буёқ устозимиз", "Ислам Абдуғаниевичнинг республика раҳбари эътибори билан Яратганнинг ҳалқимизга бебаҳо марҳамати бўлган эди", "замонавий Ўзбекистоннинг тарихи — бу мамлакатимизнинг ҳақиқий мустақилликка эришиш йўлида Ислам Абдуғаниевич Каримов раҳнамолигидagina олиб борилган ўта мураккаб ва оғир курашлар тарихидир", "Амир Турмурад кейин Ислам Каримов зиёрат қилинади" деган фикрларидан Биринчи Президентимизнинг миллат олдидagi буёқ хизматларининг улуғ эътирофи мумкин.

Маърифатли халқлар ўзини озодликка олиб чиққан раҳнамолирини абадий эъзозлайди. Ислам Каримов раҳбарлигида бошқа соҳалар қатори халқимизнинг маънавий қадриятларига эҳтиром, муқаддас динимиз, ўзгилгимиз, аёнана ва урф-одатларимиз, бебаҳо тарихий меросимизни сақлаш ва тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Буни Биринчи Президентимизнинг "Ким эдигу, ким бўлди", деган машҳур ибораси орқали теран англаш мумкин.

Мустамлака зулмидан эзилган миллатнинг қаддини тиклаш учун "миллат дари — менинг дардим", деб майдонга чиқадиган жасоратли раҳнамо керак эди. 1989 йили Ўзбекистонда мана шундай Шахс — Ислам Каримов майдонга чиқди. Олдinda бизни қаттиқ гоёвий, мафкуравий синовлар кутарди. Миллий гоё, маънавият ва маърифат масаласи Ислам Каримовнинг давлат раҳбари сифатидаги биринчи иш кунларидан устворлик касб этди:

"Ҳеч қачон бўшлиқ бўлмайди. Биз бормаган жойга бошқалар боради" (1989 йил 19 август);**"Улуғ ўзбек халқининг қаддини кўтарамиз. Фурурини тиклаб, мақсадга эришамиз";****"Мафкуравий фаолият концепциясиз йўқ...";****"Оммавий маданият" муаммоларига алоҳида эътибор бериш лозим. Халқни маънавий айтиш, қўпол пасткашиқдан ҳимоя қилиш керак" (1991 йил 27 март).**

Халқни бахтли қилиш учун аввал бахтсизликни тўхтатиш керак эди. Бахтсизлик миллатлараро мождорларда, одамлардаги тошбағирликда, асоссиз айбопларда, яшаш қийин эмас, даҳшатли бўлиб қолганида, жиноятчиларнинг ялло қилиб юришида, попултиқ митингбозликларда, халқнинг nochорлигида, ҳувиллаган дўкон расталаридан мўралаб турарди.

1991 йил 14 июнда ҳали атеистик мафкура қиличи ҳавога кўтарилган бир пайтда "Виждон эркинлиги ва диний ташхилотлар тўғрисида"ги қонунини қабул қилиш қанчалар улкан жасоратни талаб қилганини тасаввур этиш қийин эмас. Шу биргина мисолнинг ўзиёқ дин масаласи Ислам Каримов

фаолиятида ўта муҳим аҳамият касб этиб, янги жаҳиятнинг маънавий пойдеворини қуришда устувор йўналиш сифатида қаралгандан далолат беради. Миллий маънавий қадриятларни тиклаш истиқлол арафасида республика-

"Ислам Каримов хотирасига бағ'ишланган энг yaxshi ilmiy-ommabop maqola" ko'rik-tanlovi

миз раҳбарининг ижтимоий-сиёсий ислохотларининг асосий мавзуси бўлди. Шу даврда қадимий Наврўз байрами, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари қайта тикланиб, муқаддас ҳаж зиёрати учун йўللар очилди. Тилимиз ва динимизга, миллий қадриятларимизга муносабат тубдан ўзгарди.

Мустиқиллик йилларида муқаддас динимизнинг бош китоби Қуръони карим ўзбек тилига таржима қилиниб, миллионлаб нусхаларда chop этилганини жамоатчилигимиз яхши билади. Муқаддас сураларнинг маънолари таржимаси юртдошларимиз қалбига кириб бориб, уларнинг маънавий бойлигига айланди. Бу ҳам осон бўлмаган эди. 1990 йилнинг март ойида Қуръони каримнинг дастлабки суралари "Шарқ юлдузи" журналининг 3-сонида босилиб чиқди. Таҳминан 170 минг ададди журнал тезда бутун юртимиз бўйлаб тарқалганидан атеистик мафкуранинг ашаддй тарafdорлари ваҳимага тушиб қолади. Қандай қилиб бўлмасин, улар бу ишни тўхтатиш ва журналнинг кейинги сонларида Қуръони карим таржимасининг давомини chop этишга йул қўймаслик чораларини излайди. Матбуотда Қуръони карим таржимасининг "зарарли оқибатлари" ҳақида мақолалар эълон қилинади. Ҳатто журнал жамоасига "коммунистик партия сиёсати"ни тарғиб қилиши керак бўлган шундай нуфузли нашр динни тарғиб қилиб ўтира, бу нима деган гап!" кабилидаги сиёсий айблар қўйила бошлади. Натижада Қуръони карим таржималарининг босилиши хавф остида қолади. Кундан-кун қучайиб бораётган бу тортишувга Ислам Каримов нуқта қўйди. Бу хайрли ишни hech тўхтатмасдан, Қуръони карим таржимасини "Шарқ юлдузи"да эълон қилишни давом эттириш бўйича топшириқ беради. Шу тариқа Муқаддас Китобимиз ўзбек тилида chop этилади.

Миллатнинг маънавий томирларига қон келди, ҳаёт келди. Миллий тикланиш бошланди. Бу Ислам Каримовнинг: "...биз тарихий халқ аьаналари, урф-одатлари ва маросимлари асосида одамлар онгини шакллантириш омилларини қучайтиришимиз зарур. Яширишга ҳожат йўқ, биз шубҳали шюрларга берилиб, маънавий маданиятимизни озиклантириб турган илдишларни қиркиб ташлашга ўнлаб йилларни сарфладик. Ҳозир бунинг оқибатларини сезиб турибмиз..." (Ил-фан имкониятларидан тўлароқ фойдаланайлик. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида бўлиб ўтган учрашувда сузланган нуқта, 1989 йил 28 ноябрь), дея бу ишни сиёсатнинг устувор йўналиши сифатида белгилаб, изчил амалга оширганида рўйбга чиқа бошлади.

"Оқибатлар" нималарда қўринаятган эди? Мисол учун она тилимиздаги "тавозе", "хаё", "виждон", "иймон", "инсоф" каби маънавий тушунчалар миллий маданиятимизнинг юксак мақомидан далолат. Бу сўзлар мулозamat учун ишлатилмаган. Уларнинг ортида шу тушунчалар маъносига тенг фазилатлар

яшаган. Zero, "Ҳаё ва андиша дунёда тартиб сақлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Ҳаё йўқолса, ҳеч кимда виждон қолмайди, (у ҳолда) дунёда тартиб бузилади, кишилар бир бирларига бераққ қарайдиган бўлади-лар" (Ахлоқи Муҳсиний).

Лекин шўро даврида бу фазилатлар "қолоқлик", "мистика", "эскилик саркти", дея камситилди. Кейинги авлодларга ўтиб қолмасин, деб мактаб дарсликларидан сиқиб чиқарилди. Мана, ёзувчи Иброҳим Раҳимнинг ўша йиллардаги қузатувларидан бир парча:

"... Кўпгина ёшларимиз "инсоф" нима деганини билиш у ёқда турсин, бу сўзнинг ўзини ҳам эшитмагандек, тушунмайдилар.

Эски ховлимизнинг рўпарасидаги ўрта мактабнинг тўполончи ўқувчиси ўзидан кичик болани дўппослаганида қўлидан ушлаб, "Инсофинг борми, ўзиндан кичик болани урасанми?" деса, "Инсоф" деганиниг нима?" деб анқайиб қолди. Шундан кейин бошқа бир неча боладан ҳам сўрадим. "Унақа дарс ўтганиниг йўқ", деб жавоб қилдилар. Шу воқеадан кейин мактабларда Инсоф дарсини ўтиш керак, шекилли, деган хулосага келдим.

Инсофли бўлиш ҳақида на уйда, на мактабда ва на атрофдагилардан таълим олган айрим ёшлар инсофсизлик қилиб қўйганини ўзлари англамаптилар, ангаласлар ҳам унинг хунук оқибати — гуноҳи тўғрисида мушлақ ўйламаптилар..." (Иброҳим Раҳим. *Ҳаёт чорраҳаларида*. — Ташкент, "Ўзбекистон", 1991. - 110-б.).

Ислам Каримов раҳбарлигида ислохотларда "маънавият ва иқтисодиёт бир-бирини инкор этмайди, аксинча, бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб, ривожланиб боради", деган қоида дастуриламалга айланди. Шу ўринда атоқли инглиз олими Жон Леб-бокнинг "Миллатнинг ҳақиқий шарафи худудининг бепоёنлигида ҳам, ерининг учундорлигида ҳам, табиатнинг гузаллигида ҳам эмас, балки халқнинг гоёвий ва ахлоқий баркамоллигига боғлиқ", деган сўзлари ёдга тушади.

1989 йили БМТ томонидан "Инсоният ўз инсонийлигини сақлаб қола оладими?" номли ташвишли илмий-тадриқот натижаси chop этилди. Бу китоб устида жаҳоннинг 34 мамлакатидан энг машҳур олимлар ишлади ва маънавий қашшоқликнинг оқибатлари саналди. Бироқ орадан 19 йил ўтса-да, гуманитар муаммолар қамаймади, қўпайиб келаверди. Ниҳоят, 2008 йили Ўзбекистон раҳбари ушбу муаммо ечимларини оқибатдан эмас, сабабдан — инсоннинг ўзидан, унинг маънавиятидан излаш кераклигини асослаб берди. "Юксак маънавият — энгилмас қуч" китоби жаҳоннинг қўп тилларига таржима қилинди. Бу — инсонийликни, она сўти, ота ўғити билан синган миллийликни сақлаш, бойитиш ташаббусининг дунёдаги эътирофидир.

Миллатни юксак маънавиятли қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлана борди. Zero: "Моддий ислохотлар, иқтисодий ислохотлар — ўз йўлига. Уларни ҳал қилиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин, ammo маънавий ислохотлар — қўллик, мутелик исканжасидан озоd бўлиш, қаддини баланд туттиш, ота-боболаримизнинг удуларини тиклаб, уларга ворис бўлиш — бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ, бу дунёда", деб ёзган эди бу ҳақда Биринчи Президентимиз. Zero, маънавий қашшоқ миллат ҳеч қачон иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тараққийта эриша олмаган. Маънавият қанча

юксак бўлса, инсон капитали шунча қучаяди. Юксак маънавиятли киши ёмон ишлаши, ёмон фуқаро бўлиши, бировга ёмонлик қилиши мумкин эмас.

Одамини — фикр, олами — иш ўзгартиради. Биринчи Президентимиз кўтарган гоёлар халқимизни бирлаштирди. "Ўзбекистон — келажаги буёқ давлат!", "Шу азиз Ватан барчамизники!", "Ватан саждагоҳ каби муқаддас", "Элни Ватан манфаати бирлаштиради", "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!", "Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз!", "Мардлар қўриқлайди Ватанни!", "Огоҳлик — давр талаби", "Тарихий хотирасиз келажақ йўқ", "Адабиётга эътибор — маънавиятга эътибор!", "Тинчлик учун курашмоқ керак"... Бу гоёлар миллий тикланишимизнинг энг қийин йиллари синовидан ўтди. Халқимизни асради, унга қуч, мадад бериб келди.

Биринчи Президентимизнинг бой маънавий меросида ёшлар тарбияси масаласи алоҳида ўрин эгаллади. Ислам Каримов асарларини педагогик ўрганиш уларда бугунги замоннинг қомил инсонларига хос бўлган юксак салоҳиятчи, маънавий уйғоқ, ор-номусли, уят ва андишали, шарму ҳаёли, ибобли ва ифбатли, собитқадам, шижоатли, диний қадриятларни билувчи, савоб ишларни қўп қиладиган, тарихимиз, маданиятимиз, буёқ ажждоларимиз меросини чуқур билувчи, Ватанга содиқ, миллий гурурли, юксак маънавиятли, янгича фуқаровчи каби 200 дан ортиқ фазилатлар баён қилинганини кўрсатади.

Ислам Каримовнинг гоёвий меросида огоҳлик мавзуси алоҳида ўрин тутди. "Юксак маънавият — энгилмас қуч" китобида "Табиийлик", "оммавий маданият" деган никиб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм гоёларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик аёнана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига бепасандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамини ташвишга солмай қўймайди", дейлади. Бу беҳиз эмас. Чунки гоғиллик — қуролсизлик, огоҳлик — қуролланганликдир. Тафаккур қилсақ, "оммавий маданият" деб тарғиб қилинаятган "маданият"да Ислам Каримов бизни огоҳлантирган тўрт таҳдиднинг ҳар бирига мисол топса бўлади: 1. Ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик(аёлга соф инсоний муҳаббат билан эмас, жинсий свего объектис сифатида қараш. Бунки қўз-қўз қилиш. Ешларнинг руҳий дунёсини издан чиқариш). 2. Индивидуализм, эгоцентризм гоёларини тарқатиш(билганини қил. Бир марта яшайсан. Лаззатлан. Бошқалар билан ишинг бўлмасин. Улар ҳам билганини қилсин, деган қарашни ўрқ қилиш). 3. Шунинг ҳисобидан бойлик орттириш(сон-саноксиз диск, ашёларни чиқариш, сотиш, шоу, концертлар ташкил қилиш ва бирданга мўмай даромад олиш). 4. Бошқа халқларнинг неча минг йиллик аёнана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига бепасандлик, уларни қўпориш(ота-боболаримизнинг онгу тафаккурда иш бой йиллар давомида шаклланиб, сайқал толган ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, иббо ва ифбат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар, қадриятларни йўқ қилиш. Уларнинг ўрнига бирорта халқ тан олмаган, қўп мамлакатларда тақиқланган ахлоқсизлик аьаналарига ёшларимизни ўргатиш, ёшлар маънавий оламини дахл-сизлигини бузиш).

Бугунги мураккаб ва таҳликали, тобора глобаллашяатган дунёда буёқ мураббий Ислам Каримовнинг гоёлари ёшларимиз тарбиясига катта хизмат қилди. Zero, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган байрам табригида айтилганидек, "Ислам Абдуғаниевич Ватанимизни буёқ муҳаббат билан севши, халқимизга садақат билан хизмат қилиш, бу йўлда бор билим ва тажрибамиз, бутун борлигимизни сарфарбар этиш борасида биз учун юксак ибрат мактабини яратиб кетдилар".

**Муҳаммаджон ҚУРОНОВ,
педагогика фанлари доктори**

Quvonch va shodlik olib kel, Yangi yil!

(Umumta'lim muassasalarida Yangi yil bayramini o'tkazish yuzasidan metodik tavsiya)

Yakuniga yetayotgan 2017-yil yurimizda inson manfaatini har jihatdan ustun qo'yilgan bilan ham tarix sahifalariga bitilmoqda. Ayniqsa, yoshlarimiz ta'lim, ilm-fan, san'at va adabiyot, sport sohasida ko'plab muvaffaqiyatlarni qo'lga kiritdi. Shu bois, bu bayram barcha ta'lim muassasalarida ko'tarinki ruhda kutib olinmoqda. An'anaviy "Prezident archasi" bayram tadbirining mazmun-mohiyatida ham farzandlarimizga nisbatan cheksiz saxovat, g'amxo'rlik namunasi mujassam.

Yurtimiz umumta'lim maktablarida 2018-yil — Yangi yil bayramini o'tkazish uchun "Quvonch va shodlik olib kel, Yangi yil!" mavzusida tadbir senariysini tayyorlab, uning mazmuniga yil davomida erishilgan yutuqlar, islohotlar samaralarini kiritish maqsadga muvofiqdir. Shu zafarlarga o'z hissasini qo'shgan murabbiy hamda o'quvchilarni rag'batlantirish katta ahamiyatga ega.

Eng muhimi, bu bayram faqat bir kunlik bo'lib qolmay, yangi yil shukhi qishki ta'til kunlari ham davom etadi. Shu bois, ta'lim muassasalarida ma'naviy-ma'rifiy tadbirlar rejasini tuzishda bolalarning qishki ta'tilini ham yuqori saviyada, mazmunli tashkil etishga alohida e'tibor qaratish lozim. Bu borada hududiy xalq ta'limi boshqaruvi idoralari, maktabdan tashqari ta'lim muassasalarida murabbiylari, maktab direktorining ma'naviy-ma'rifiy ishlar bo'yicha o'rinbosarlari, sinf rahbarlari, to'g'arak rahbarlari, mahalla faollari, ota-onalar qo'mitasi, Yoshlar ittifoqi yetakchilarining taklif-mulohazalari inobatga olinadi. Jumladan, rejada quyidagilarni aks ettirish tavsiya etiladi:

- umumta'lim maktablarida bayram tadbiri va qishki ta'til kunlarini yuqori saviyada o'tkazish yuzasidan aniq muddatli chora-tadbirlar rejasini ishlab chiqish va uning ijrosini to'liq ta'minlash;

- tadbir o'tkaziladigan hudud (maydon, zal, xona)ni o'quvchilar yasagan qo'l mehnati namunalari, o'yinchoqlar, devoriy gazetalar bilan jihozlash, amaliy san'at ko'rgazmalarini tashkil etish;

- profilaktika noziri ko'magida bayram tadbirlari va ta'til kunlari pirotexnika vositalaridan foydalanishni qat'iy taqiqlash;

- bayram tadbirlariga faxriy ustoz-murabbiylarni taklif etish, kela olmaydiganlariga tabriknoma yo'llash;

- tarixiy va madaniy yodgorliklar,

umrbod muhrlanadi. Havola etilayotgan tadbirlar rejasiga qarab, ta'lim muassasalarida har bir kunga mos mavzu, yo'nalish tanlashi mumkin:

Birinci kun: "Yangi yil" bayramini maktab doirasida tashkil etish; konsert dasturi uyushtirish; birinchi yarim yillikda namunali xulqi, maktab yoki tuman doirasida erishgan yutuqlari uchun faol o'quvchilarni faxriy yorliq bilan taqdirlash.

Ikkinchi kun: "Qish fasli va Yangi yil bayrami" mavzusida kichik tanlov o'tkazib, unda o'quvchilar yod olgan

bag'ishlasa, ajab emas. Bu tadbir bolalarda o'zini to'g'ri tuta bilish ko'nikmasini shakllantiradi.

Beshinchi kun: "Men qishki ta'tilni qanday o'tkazaman?" mavzusida suhbat tashkil etish o'quvchining erkin fikrlash qobiliyati va muomala madaniyatini rivojlantiradi.

Oltinchi kun: "Kitobxonlar kuni". Bolalar sevib mutolaa qiladigan asarlar asosida tanlov o'tkazilib, sevimli qahramonlar timsoli sahna ko'rinishi orqali ifodalansin.

Yettinchi kun: Tabiat boyliklarini asrab-avaylash, tabiiy resurslardan oqilona foydalanish maqsadida "Biz tabiatni sevamiz" mavzusida davra suhbat o'tkaziladi. Ilmiy manbalardan O'zbekistonning flora va faunasiga doir qiziqarli ma'lumotlarni topib, o'quvchilar e'tiboriga havola etish ularning botanika, geografiya, zoologiya kabi fanlar bo'yicha bilimini mustahkamlaydi.

Sakkizinchi kun: "Ertaklar — yaxshilikka yetaklar" mavzusida o'zbek xalq ertaklari qahramonlarini ifoda etuvchi qo'lbo'lalari niqoblar ko'rik-tanlovi o'tkaziladi. Tanlov 6—7-sinf o'quvchilari o'rtasida o'tkazilib, g'olib deb topilgan eng chiroyli niqoblar boshlang'ich sinf o'quvchilariga sovg'a qilinadi.

To'qqizinchi kun: "O'zbek xalq o'yinlari". Maktab sport zali yoki bolalar va o'smirlar sport maktabida turli milliy sport o'yinlari bo'yicha musobaqa tashkil etiladi. G'olib bo'lgan yosh sportchilarga Bolalar sportini rivojlantirish jamg'armasi homiylikdagi sport kiyimi va anjomlari tuhfa qilinadi.

Ta'tilni soz, maroqli, mazmunli o'tkazsak, dilbandlarimiz 2017-2018-o'quv yilining uchinchi — hal qiluvchi choragini yangi kuch-g'ayrat, a'lo kayfiyat bilan davom ettiradilar.

Xalq ta'limi vazirligi ma'naviy-axloqiy tarbiya boshqarmasi, Respublika ta'lim markazi ma'naviy-ma'rifiy ishlar bo'limi



muzeylar, teatrlar, mustaqillik inshootlariga sayohat uyushtirish;

- o'quvchi-yoshlar qiziqishi va xohishini inobatga olgan holda fan va ijodiy to'garaklar, sport seksiyalari mashg'ulotlarini ta'til kunlari muntazam o'tkazish;

- ta'tilda "Barkamol avlod" bolalar markazlari hamkorligida tadbirlar o'tkazish;

- 8-, 9-, 10-sinf o'quvchilarini kasbga yo'naltirish maqsadida kasb-hunar kollejlariга sayohatlar tashkil etish va hokazo.

Ta'til mazmunli o'tsa, bola qalbida

she'r, monolog, sahna asari va dostonlardan parchalar ijro etiladi. Yaxshi natijaga erishganlar rag'batlantiriladi.

Uchinchi kun: "Eng chiroyli yangi yil o'yinchoqi" bellashuvini tashkil etish. O'quvchilar qo'l mehnati bilan yaratilgan o'yinchoqlar namoyishi tom ma'noda bayramga aylanadi. Tadbirga ota-onalar ham taklif etiladi.

To'rtinchi kun: "Prezident archasi"ga sayohat tashkil etish. Viloyat va tuman markaziy maydonlarida tashkil etilgan "Prezident archasi"ga sayohat har bir o'quvchiga olam-olam zavq

Буюк келажакни кўзлаб



Олмазор туманидаги 165-умумтаълим мактабида "Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз" mavzusida tarqibot tadbiri бўлиб ўтди.

Унда кино ва театр актёрлари, эстрада хонандалари, олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчилари ва ўқувчилар иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, янгиланишлардан мақсад халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада оширишга қаратилганини таъкидлади.

— "Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз". Ушбу сўзларда жам бўлган мазмун нихоятда терандир, — дейди Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси Абдор Хидиров. — Халқимиз не-не кунларни бошидан ўтказмади, иродаси не-не синовларда тобланмади. Аммо ўзлимиздан айрилмадик. Мардлик ва олижаноблик халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Мана шу халқ бир тану бир жон бўлиб, бир мушта айланса, буюк марраларни албатта забт этамиз.

Сардор МУСТАФОЕВ,
"Ma'rifat" мухбири
Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.



Методист ўқитувчилар маҳорати

Юнусобод туманидаги 273-мактабда география ўқитувчилари учун "Методист ўқитувчилар мактаби" ҳамда "Маҳорат мактаби" ўқув-амалий

семинари бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар ХТББ томонидан ташkil этилган тадбирда пойтахт мактабларида фаолият юритаётган тажрибали методист ўқитувчилар иштирок этди.

— Узлуксиз малака ошириш жараёнини такомиллаштириш мақсадида ўтказилган семинарда маҳоратли методист-ўқитувчилар томонидан дарслар ташkil этилди, — дейди туман халқ таълими бўлимининг табиий фанлар методисти Раъно Салоҳиддинова. — Ўқув машғулотларида жами 15 та мураккаб мавзу бўйича дидактик материаллар, электрон дарсликлардан ҳамда географик объектлар, жой номлари, глобус, географик атлас ва хариталардан дарсларда тўғри фойдаланишга оид методлар намоиш этилди.

Семинар давомида иштирокчилар география фани бўйича янгилар ва янги ўқитиш методлари билан таништирилди.

Гулюз ОРИФЖОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири
Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.

2017-yil 23-dekabr, № 102-103 (9064)

Она заминга муҳаббат

ҚИШЛОҚ БОЛАСИНИ ОЛИМ ҚИЛДИ

Ушанда Зафаржон 12 ёшда эди. Худди кечагидек ёдида: қишлоқларига яқин худуддаги нефть кони атрофида ёнги рўй берди. «Аҳилликнинг кўрғони бутун» деганларидек, ҳамжиҳат аҳоли табиий офатни тезда бартараф этди. Бироқ боланинг юрагини ўртаб, катта мақсадларни дилга тугишига ундаган сабаб бошқа эди. Фалокат юз берганидан икки-уч кун ўтгач, қирқ йилдан ортиқ вақт мактабда тарихдан дарс берган, деҳқончилик илмини пухта билган отаси уни боғ этаги томон етаклади. Тупроқнинг юза қатлами қора кукун билан қопланган, замин худди жароҳатлангандек афтоҳол эди.



— Тупроқ касалланибди, болам. Бу — жуда ёмон. Тирик жон борки ҳаёт-мамоти шу ер билан боғлиқ, — деди Абдукарим муаллим ерга синчиклаб қараркан. Сўнг ўғлининг кўзларига умид билан боқди. — Биласанми, ўғлим, мен сенинг келажакда она замин дардига малҳам топадиган етук мутахассис бўлишингни орзу қиламан. Ишонаман, бу қўлингдан келади!..

«Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳиби, Ўзбекистон Миллий университетининг «Тупроқшунослик» кафедраси доценти Зафаржон Жабборовнинг «Ўзбекистоннинг жанубий худуди чўл тупроқларининг нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши ва уларнинг рекультивацияси» мавзусида изланишлар олиб бориб, докторлик (DSc) диссертациясини муваффақиятли ёқлашига, таъбир жоиз бўлса, отасининг шу ишончи, она ерга муҳаббати сабаб бўлди. Ёш олим тадқиқотлари натижасида илк бор чўл минтақасида таркалган бир неча тупроқ турларининг нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланиш манбалари очиб берилди. Зарарланган тупроқлар учун рекультивация технологияси ҳамда тупроқ типлари бўйича биологик усулга асосланган рекультивация технологияси ишлаб чиқилди. Қашқадарё ҳамда Сурхондарё худудидagi тупроқларнинг нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланиш даражалари прогноз қилиниб, хаританомалари яратилди.

Мавхум қарашлардан — аниқ илмий хулосаларга

Мамлакатимиз умумий нефть ва газ хомашёсининг 75 фоиздан зиёди Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Нефть ва нефть маҳсулотлари туфайли ифлосланиш ушбу худудлардаги тупроқларнинг физикавий, кимёвий, биологик хоссалари бузилиб, унумдорлиги пайсаяиб кетишига ҳамда рекультивацияга эҳтиёж ортишига сабаб бўлаётир. Аянчлиси, ўз вақтида зарур чоратadbirlar қўрилмаса, углеводородлар ўн йиллаб, ҳатто юз йилгача тупроқда сақланиб, салбий

таъсир ўтказаверади. Шу аснода ўсимлик дунёси, ундан тушадиган биомасса ва ҳайвонот олами зарар кўради. Нефть билан тупроқ қатламга кирган оғир металлларнинг озуқа занжирини орқали инсон организмга ўтиши туфайли турли руҳий хасталиклар кўпайиши илм-фанда ўз тасдиғини топган. Зафар Жабборовнинг ушбу мавзунини ва унинг тадқиқот объекти сифатида мамлакатимизнинг жанубий минтақаларини танлаши сабаби ҳам шунда эди.

— Дала ва лаборатория шароитида олиб борилган тажрибаларда тупроқшуносликдаги замонавий усуллар қўлланилди. Айрим тадқиқотлар Чехия аграр университети, Словакия қишлоқ хўжалиги университети каби нуфузли олий таълим муассасаларида ўтказилди. Жараёнда соҳанинг етук олимлари билан тажриба алмашиш имкониятига эга бўлди. Ҳамкорликда олиб борилган муҳокама ва тадқиқотлар асносида йиллар давомида турли мавхум тушунчаларга сабаб бўлаётган омиллар ойдинлашди, — дейди ёш олим. — Ерга нефть ва нефть маҳсулотлари тушган, тупроқ таркибиде углерод миқдори ортади. Тоза тупроқда углерод 0,6–0,8 фоиз бўлса, ифлосланган майдонларда бу кўрсаткич 1,5–2 фоизга етади. Натижада гумус (чиринди) миқдори 4–5 фоизга кўтарилади. Бирок бу моддани ҳақиқий гумус деб бўлмайди. Чунки чирини, бижғиш натижасида микроорганизмлар иштирокида йиллар давомида юзага келадиган бундай модда бир ойда пайдо бўлиб қолиши мумкин эмас.

Хўш, унда бу қандай модда?

Қайта-қайта ўтказилган таҳлиллар, бу борада салмоқли изланишлар олиб борган олимлар яратган адабиётлар ҳамда қиёсий хулосалар бу модда антропоген углерод ҳисобланиб, тупроқ гумуси билан ўзаро боғлиқ эмаслиги ҳамда тупроқ унумдорлиги учун аҳамиятсиз эканини тасдиқлади.

Дардга дармон узокдан изланмайди

Изланишлар натижасида тупроқ микроорганизмларининг ифлосланиши таъсирида ўзгариши, нефть

парчаловчи бактерия штаммларининг хусусиятлари, рекультивация жараёни, унга стимулятив таъсир этувчи ўсимликлар, фаоллаштириш омиллари аниқланди. Рекультивация жараёни механизмининг нефть парчаловчи бактерия штаммларини қўллаш ва биоремедиация жараёнига самарали таъсир қилувчи беда, қанджўхори, ёвшан, қирқбуюргун ўсимликлари ташкил этади. Амалиёт натижаларига кўра, штаммларни биргаликда қўллаш юқори самара бериши асосланди.

— Тадқиқотларимиз хорижлик олимларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Улар ифлосланган тупроқлар рекультивацияси жараёнида ўзларида яратилган бактерия штаммларини қўллаш таклифини билдиришди, — дейди Зафаржон Жабборов. — Таклифга рози бўлсак, эҳтимом, мақсадга тезроқ эришишимиз мумкин эди. Бирок биз ўз тупрогимиздан олинган, заминимизда ўсувчи маҳаллий хомашёлар устида тажрибалар ўтказишни афзал кўрдик. Иккинчидан, четдан келтирилган бактерия штаммлари тупроқ иқлим шароитимизга мослашолмай нобуд бўлиши ёки иккиламчи зарар етказиши ҳам мумкин. Ёвшан, қирқбуюргун сингари ўсимликлар ҳозир ҳам биз тадқиқ этган ифлосланган майдонларда ўсапти. Тупроқ унумдорлигини тиклаш мақсадида ерга бактерия штаммларини солиб, беда, қанджўхори, ёвшан, қирқбуюргун экиладиган бўлса, уларнинг илдизлари штаммларнинг фаоллашувига ёрдам беради.

Изланишларимиз самараси хорижий давлатларда амалга оширилган муқобил натижалар билан қиёсланганда 3447 АҚШ доллари фойда қилганимиз, вақт сарфи 1,8–5,3 йилни ташкил этгани кузатилди (таққослаш учун: хорижлик тадқиқотчилар эришган иқтисодий сарф-харажатлар қиймати 7654 АҚШ доллари, вақт сарфи 4,4–7,2 йил бўлган). Яратилган рекультивация технологияси муқобил технологияларга нисбатан иқтисодий тежамкорлик нуқтаи назаридан 2,2 марта юқори самарадорликка эга, вақт сарфи эса 1,3 марта кам.

Ўзбекистон шундай ўлкаки...

Зафаржоннинг сафар халтасида доим тадқиқ этилаётган объектлардан олинган тупроқ намуналари бўлади. Олимнинг сира ёдидан чиқмайди: Чехия аграр университетининг энг мураккаб таҳлиллар ўтказиладиган лабораториясида изланиш олиб бораркан, тупрогимиз намуналари худди тадригogramма чизгилари мисоли экранда намён бўлди. Шунда кўз ўнгидан хокисор, меҳнаткаш юртдошларимиз, хамиша кўлтигида китоб олиб юрадиган отаси, талабчан ва меҳ-

рибон устози Тўхтасин Абдурахмоновнинг самимий қиёфаси намён бўлди. Тупрогимиз дардига дармон излаб йўлга чиққанидан фахрланди.

— Тадқиқот жараёнида Словакия қишлоқ хўжалиги университетига бориб, лабораторияда ишлаш учун рухсат сўрадим, — дейди олим. — Шунда масъуллар «Ўзбекистон тупроғини шундай таҳлиллардан ўтказиш шартми?» деди энсаси қотиб. Бу гап менга жуда оғир ботди. Чунки гап-сўздан уларнинг бирортаси ҳам юртимизнинг бугунги тараққиётидан хабардор эмаслиги кўриниб турарди. Ҳеч иккиланмай университет раҳбариятидан катта аудиторияга муассасанинг профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчи ва талабаларини йиғиб беришларини илтимос қилдим. Уларга мамлакатимиз ҳаёти ҳақида сўзлаб бериш ниятим борлигини билдирдим. Улар рози бўлди. Тақдиротга пухта ҳозирлик кўрдим. Чунки инглиз тилида ўтказиладиган тақдимотим юртимизнинг барча жабҳаларидаги ривожланишларни қамраб олиши керак эди.

Маърузамни бошлаганимдан кўп ўтмай йиғилганлар нигоҳида хайрат пайдо бўлди. Улар Ўзбекистонни қайта кашф этаётгани сезилиб турарди. Эртаси куни лаборатория мудири менга барча зарур усуналар билан жиҳозланган алоҳида хона ҳамда икки нафар ёрдамчи ажратилганини айтди. Ҳамкорликда ишлаш, илмий рисоалар чоп эттириш истагини билдирди. Шунда биз қаерда бўлмайлик, Ватанимиз билан фахрланиш туйғусини баралла намён этишимиз шарт эканини чуқур ҳис этдим.

«Тупроқшуносликка кириш» дарслиги, бир неча ўқув қўлланмалари, монография ва тавсияномалар муаллифи Зафар Жабборовнинг илмий изланишларига Волгоград давлат техника университети профессори, биология фанлари доктори, профессор Алла Околелова, Россия Фанлар академиясининг Уфа биология институти тупроқшунослик лабораторияси бош илмий ходими, биология фанлари доктори Руслан Сулейманов, Польша Жан Кахоновский университети профессори Богуслав Вилькомирский ва бошқа таниқли олимлар юқори баҳо бериб, Ўзбекистонда тупроқшунослик йўналишида янги мактаб очилганини алоҳида эътироф этаётир.

Олимнинг режалари бисёр. Ўзбекистон Миллий университети қошида «Ўзбекистон тупроқшунослик музейи»ни ташкил этиш тараддуида. Гёттинген университети (Германия)нинг ўнга яқин Нобель мукофоти билан тақдирланган олимлар фаолият юритаётган «Тупроқшунослик» кафедраси билан ўрнатилган ҳамкорлиги Зафар Жабборовни соҳадаги ечимталаб масалалар устида янада изчил изланишлар олиб боришга ундаяпти.

Ойбуви ОЧИЛОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Ўқитувчисига меҳр қўйса...

Yilning eng yaxshi o'qituvchisi

Фаргона шаҳридаги 15-мактабнинг бошлангич синф ўқитувчиси, «Йилининг энг яхши фан ўқитувчиси — 2017» республика кўрик-танлово ғолиби Қумрихон Маматхонова ҳар бир дарсида қизқарган метод ва ўйинлардан фойдаланади. Муаллимнинг дарсини кўзатиб, бунга ўзимиз ҳам амин бўлдик.

— Азиз болажонлар, бугунги математика дарсимизни «Мен ёш тadbirkorman» деб номладим. Айтинлар-чи, тadbirkor деганда кимни тushunasиз?

Ўқувчилар берин-кетин жавоб беришди.

— Баракалла, демак, халқига, юртига, одамларга нафи тегадиган, отанамиз, ака-опаларимиз учун иш ўрни яратадиган кишиларни тadbirkor деб атаймиз. Бугунги дарсимизда биз ҳам тadbirkor бўламиз. Қани, ким қайси тadbirkorлик турини танлайди?

Ўқувчилар тadbirkorликнинг барча турлари билан шуғулланувчи касбларни айтишди. Бундан рухланган ўқитувчи уларни рағбатлантирди.

— Яхши, келинлар энди ҳаммамиз учун энг азиз неъмат — нон ишлаб чиқариш буйича тadbirkorлик фаолиятини бошлаймиз. Бунинг учун, биринчи навбатда, ҳалол ва тўғриси бўлишимиз, математик амалларни билишимиз зарур. Масалан, нон ишлаб чиқариш учун бизга нималар керак?

— Ун, сув, ачитки ва туз...

— Яхши болажонлар. Энг аввало, «бизнес режа» тузиб олаемиз. Чунки «бизнес режа»да битта нон ишлаб чиқариш учун неча сўм харажат қилишимиз ёзилган бўлади. Нега грамм ун, қанча туз, неча миллилитр сув ва қанча ачитки керак бўлишини эса амаллар ёрдамида билиб олаемиз.

Муаллима шу тариха доскага қўшув, бўлув, айирув, қўпайтирув амалларидан иборат масалани ёзиб

чиқди. Дарс шу тариха давом этди.

Аҳамиятлиси, дарсда ўқувчилар касблар билан танишди, тadbirkorлик нима эканлигини, биз севиб истеъмол қиладиган ноннинг қандай тайёрланишини билиб олди. Ўқитувчи жараёнда болажонларни ҳалолликка ҳам ўргатди. Чунки ўқувчиларга «Бир дона нонга 150 грамм эмас, 130 грамм ун қўшасан, ноннинг сифати пасаяди, аммо сони кўпаяди. Биз учун сифат муҳими ёки миқдор?», «Сиз ишлаб чиқарган нонингизни сотиш учун реклама ва эълонларга қанча маблағ сарфлайсиз ва буни қайси маблағ ҳисобидан амалга оширасиз?» каби бир-биридан қизқарган болани ўйлашга, мушоҳада юритишга ундовчи саволлар берди.

Қумрихон Маматхонованинг бу каби методлари жуда кўп ва хилма-хил.

— Ўқувчиларни эрта тонгда кутиб олар эканман, уларнинг кайфиятига эътибор бераман. Чунки мактабга шодон келган ўқувчининг ўзлаштириши ҳам, дарсда иштироки ҳам кўнгулдагидек бўлади. Аммо баъзи сабабларга кўра бола мактабга тушкун кайфиятда келиши ҳам мумкин. Ҳамма ўқувчини дарсга бирдек жалб этиш, хафа ўқувчининг кайфиятини кўтариш учун «Саёхатта чиқамиз» номли ўйин ўтказаман. Ўқувчиларни гуруҳларга бўлиб, ҳар бир гуруҳга бир хил ҳарф билан бошланувчи сўзларни айтишни топшираман. Кейин «Қаерга саёхатта борасиз?» деб сўрайман. Агар бу гуруҳга «N» ҳарфи билан бошланувчи сўзларни айтинг десам, ўқувчи «Namanganga» ёки «Nyu-Yorkka», дейди. Қайси егуликни оласиз, десам, «нон, нок» деб жавоб беради. Тушкун ўқувчи ҳам бу жараёнга қўшилиб, кўнгулсизликларни зумда унутади.

Ўқувчиларнинг дунёкарашини кенгайтиришда бадий адабиётларнинг ўрни катта. Буни яхши билган Қум-

рихон Маматхонова «Синф кутубхонаси»ни ташкил этган. Ҳар ҳафтада ўқувчилар ўртасида кўп китоб ўқиш буйича мусобақа ўтказлади.

— Китобхонликини кенг тарғиб қилиш, ўқувчиларни бадий адабиётга қизиқтириш ота-она билан бирга, бошлангич синф ўқитувчисининг вазифаси деб биламан, — дейди муаллима. — Шунинг учун синфимда йил буйи давом этадиган танлов ташкил қилганман. Яъни ўқувчиларни уч қаторга бўлиб қўйганман. Ҳар ҳафтада биринчи қатордаги ўқувчилар ўқиган китобларининг мазмунини гапириб берса, иккинчи қатордаги ўқувчилар ўқиган китобларидаги қаҳрамонларнинг расмини чиқишади, учинчи қатордаги ўқувчилар эса китобдан олган таасуротларини ёзиб келишади. Шу тариха шартлар ўзгариб боради. Ҳар чорак охирида ўқувчилар ўқиган китоблари асосида «Менинг биринчи китобчам» номли ўз «китобча»ларини тайёрлашади. Кимдир чорак давомида ўқиган китобларидаги топишмоқларни, мақолларни, қайсибир ўқувчи бир мавзудаги шеърларни тўплаб, китоб ҳолига келтиради. Ва синфдошларни, ота-оналари олдида «китобча»нинг тақдиротини ўтказади. Шу тариха ўқувчиларда ижодкорлик кўникмалари шаклланади. Ўқувчи ўқитувчига меҳр қўйсагина яхши ўқушга ҳаракат қилади. Буни биринчи устозим Рўзихон Рўзиевадан ўрганганман. У киши дарсга кириб, ўқувчиларга бир марта кўз ташлаб, болалар қаҳда маълумотга эга бўларди. Ширинсўзлик, мулоқимлик билан болани мавзу ичига олиб кетарди. 22 йиллик иш фаолиятимда амин бўлдимки, агар ўқувчи ўқитувчисини яхши кўрса, ўзлаштириши-



да, давоматида, касб танлашида ҳам бу меҳрининг учунлари сезилади. 19 нафар қиз ва 16 нафар ўғил болаларнинг барчаси дарсимизда тўлиқ қатнашади. Синф йиғилишларини ҳам ўғил ва қиз болалар учун алоҳида ўтказаман. Сабаби, ўғил болага айтиладиган баъзи гапларни қиз бола эшитмагани дуруст, қиз боланинг ҳам ўзига яраша сирин бўлади. Озодалик, покизалик, тозалик, меҳнат-севарлик, тежамкорликка ўргатишда ўғил болаларга ўргатаётган усулларимни қизларга қўлламайман. Қизлар учун алоҳида машғулот ишланмиси, кўл меҳнатидан намуналар тайёрлайман.

Қумрихон Маматхонованинг «Йилининг энг яхши фан ўқитувчиси» дея эътироф этилиши бир ёки бир неча кунлик меҳнат самараси эмас, ғолибликка йиллаб қилган заҳматли меҳнати, изланувчанлиги, ижодкорлиги ва болаларни чин дилдан севиши сабаб бўлган, десак адашмаймиз.

Шарифа МАДРАХИМОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Lug'at bilan ishlash o'quvchilarning so'z boyligini oshiradi



Sinab ko'ring

Qarg'a qarg'aning ko'zini cho'qimaydi — Ворон воронову глазу не выклюет.

O'zing pishirgan osh, aylanib ham, o'rgilib ham ichaver — Сам заварил кашу, сам и расхлёбывай.

Do'st boshga kulfat tushganda bilinadi — Друзья познаются в беде.

Xulosa jihatidan mos keluvchi maqollar ham mavjud: Bo'zchi belboqqa yolchimas — Саножник без саног.

Aytilgan so'z — otigan o'q — Слово не воробей, вылетит — не поймаешь.

Berganning betiga qarata — даренуому коню в зубы не смотрят.

Qush tilini qush biladi — рыбаку рыбака издалека видит.

Ushbu topshiriqlardan tashqari, o'quvchilarga tarjima uchun badiiy asardan parcha berish ham mumkin. Bolalar matnlarni mustaqil tarjima qilish uchun lug'atlardan faol tarzda foydalanishga kirishadi.

O'ziga xos misollar asosida olib borilgan mashg'ulotlar orqali ular bilimi va ijodkorligi sezilarli darajada oshadi.

Elmira USMONOVA,
Toshkent farmatsevtika instituti qoshidagi akademik litsey o'qituvchisi

Akademik litseylarning o'zbek guruhlarida o'quvchilar rus tili fani bo'yicha chuqur bilimga ega bo'lishini ko'zlagan holda darslarda yangi innovatsion texnologiyalar, o'qitishning noan'anaviy usullarini qo'llayapmiz. Bunday usullar fikrni erkin va ravon bayon qilish, so'z qo'llash mahoratini oshirishi barobarida o'quvchilarni darslarning faol ishtirokchisiga aylantiradi.

O'quv mashg'ulotlarini qiziqarli o'tkazishning sermahsul usullaridan biri lug'at bilan ishlashdir. Dars davomida oila haqidagi mavzularda qavm-qarindoshlikka oid atamalar lug'atini tuzish vazifasini berish foydadan xoli bo'lmaydi. Chunki o'quvchi

kundalik muloqotda tez-tez ishlatadigan bu so'zlarning ruscha ma'nolarini bilishga qiziqadi. Bu intilishni rivojlantirish uchun o'quvchilarga tarqatma materiallar berilib, so'zlarning ruscha tarjimasi uchun ajratilgan joyni to'ldirish tayinlanadi. Masalan:

Bunday vazifalarni boshqa mavzularda qo'llash ham mumkin. Lug'atni varaqlab, so'zlarning tarjimasini qidirgan o'quvchi ularni, albatta, eslab qoladi va shu yo'l bilan so'z boyligini oshiradi.

Guruhlarda lug'at bilan ishlash jarayonida o'quvchi-

T/Г	O'ZBEKCHA	RUSCHA
1.	<i>Bobo, buva</i>	<i>дедушка</i>
2.	<i>Momo, buvi</i>	<i>бабушка</i>
3.	<i>Tog'a, anaki</i>	<i>дядя</i>
4.	<i>Xola, amma</i>	<i>тётя</i>
5.	<i>Quda</i>	<i>сват</i>
6.	<i>Boja</i>	<i>свояк</i>
7.	<i>Qaynopa</i>	<i>золовка</i>
8.	<i>Kelin</i>	<i>сноха</i>

2017-yil 23-dekabr, № 102-103 (9064)

Маданият масканидаги маданиятсизликлар

Бугун маданият масканлари деярли ҳар куни томошабинлар билан гавжум. Ахир, «якши дам меҳнатга ҳамдам», деб бежиз айтишмайди. Концертга кириб маданий ҳордиқ чиқарамиз, маънавий озуқа ола-миз. Бироқ сўнгги пайтда концертларимизда кузатилаётган айрим ҳолатлар киши кайфиятини бузиб, гашига тегаётгани росто...

Қўғирчоқ театри. Ҳар гал шу ном тилга олинганда мўъжизавий мас-кан, унинг томошабини бўлмиш жаж-жи болажонлар кўз олдимизда гав-даланади. Бу қутлуғ даргоҳга қадам қўйган ҳар бир инсон ёшидан қатъи назар, спектакль воқеаларига ҳай-рат кўзи билан боқади. Бир воқеалардан ўзи учун сабоқ олади, саволла-рига жавоб излайди.

...«Этик кийган мушук» спектакли бошланди. Қаҳрамонлар бирин-кетин парда ортдан сахнага чиқиб кела бошлади. Залда сув қуйгандек жимжитлик. Томошабинларнинг эътибори сахнада эди. Афсуски, бу ҳолат узоққа бормади. Бир гуруҳ кечикувчилар томоша залига бамай-лихотир кириб кела бошлашди. Жажжи томошабинларнинг диққати энди келган тенгдошлари ва уларнинг ота-оналарига қаратилди. Назоратчи аёл кечиккандардан спек-таклни орқароқда томоша қилишни, бошқаларга халал бермасликни сўради. Бу эса кечикиб келган она-лардан бирига ёқмади... «Мен чип-тани биринчи қаторга олганман. Шундай экан, ўзимизнинг жойимиз-да томоша қиламиз», дея ҳамманинг эътиборини ўзига тортиб, олдинги ўриндиққа бориб ўтирди. Улар жой-ларига ўрнашгунча болажонлар диқ-қати яна бўлинди...

Томошабиннинг кечикиб келиши, шубҳасиз, актёрларнинг сахнадаги фаолиятига ҳам салбий таъсир қила-

ди. Спектаклнинг мазмунли чиқиши-да эса диққатни жамлаш, образга тўлақонли киришиш муҳим аҳамият-га эга.

Шундай пайт ўйлаб қоласан киши. Қўғирчоқ театрида сахна асарлари 45 дақиқа, нари борса 1 соат давом этади. Хўш, бола спектаклнинг я-римдан томошага келса, у воқеалар ривожини англай оладими? Спектакл-дан қандай сабоқ олади? Инсон ма-данияти шаклланишининг илк бос-қичи ҳам айнан болалиқдан бошлан-майдами?

Фикримча, биз қачонки фарзанд-ларимизга ўрнат бўла олсак, улар ортимиздан эргашади. Агар юқори-даги ҳолатларга йўл қўядиган бўлсак-чи?..

Яқинда «Истиклол» санъат саро-йига концерт томоша қилишга бор-дим. Санъат саройи шинам, ёруғ, юмшққ ўриндиқлар, нозик дид билан безатилган сахна. Албатта, бун-дан мамнуният туюди киши. Концерт бошланишига оз қолган бўлсан-да, залда томошабин сийрак. Одамлар ҳали келиб улгурмаганиги сабаб концерт белгиланган вақтидан кеч-икиб бошланди. Ҳамон одамлар узун-қисқа бўлиб, боласини йиғла-тиб, қувалаб, ҳой-ҳойлаб кириб кела бошлади. Сахнада турган хонандаю созандалар ҳар зamon кириб кела-ётганларга қараб қўйишади. Улар эса худди «керак бўлса кутасан-да», де-гандек бемалол кириб келишпти.

Ана шундай томошабинлар ичида бир эмас, уч нафар кичик ёшдаги боласини етаклаб олган аёл ҳам бор экан. У ўзи ва болалари билан дам олишни ният қилгандир, лекин болаларнинг шовқинидан атрофдаги-ларнинг безовта бўлиши-чи?

Энди диққатингни жамлаб қўшиқ оҳангию сўзларига ром бўлиб ўти-ргангинда, «Фалон қатор қаерда?», деб яна кечикиб келувчилар пайдо бўлди. Турган гапки, мусиқа садо-лари унинг овозини босиб кетади ва албатта... ширин ҳис бағишлаёт-ган ором ҳам бўлинади. Ҳалиги сўроччи яна саволини такрорлади. Қаторнинг рақамини айтиб, уни ўрнига ўтказиб, яна мусиқа садол-арига сингиб кета бошлаганимда, йўлақда ясан-тусан қилган ёш бир қиз телефонда гаплашиб кимнидир қидириб ўтиб қолди. Қидирган ду-гонаси ҳам ўрнидан туриб уни ёнига имлади. У ҳамроҳининг ёнига бор-ди. Шунча одамни безовта қилгани камлик қилгандек, энди икки дугона кучоқлашиб, ўпишиб, сўрашиб кей-ин ўрнига ўтирдилар... Тўғриси, бу ҳолатга қулишингни ҳам, йиғлашинг-ни ҳам билмайсан, шундай пайт ичингдан концертга келмасам бўлар-кан, деган хаёл ўтади. Концерт то-мошасига келганда санъаткорга миннатдорчилик сифатида гуллар олиб кирилса, мақсадга мувофиқ, 35-40 ёшлардаги баъзи томошабин-лар ўзлари билан бир талай егуликлар(полкорн, қарсилдоқ кар-тошка, писта)ни олиб киришганини кўриб, ҳайратда қоласиз.

Мана шундай ҳолатлар билан кон-церт охирига қолди. Хонанда Ватан ҳақида аjoyиб қўшиқ бошлади. Бу

репертуардаги охириги қўшиқлардан бири эди. Қарасам, томошабинлар кўзгалишни бошлабди. Бу ҳурмат-сизлик санъаткоргами ёки Ватанга? Ўзини маданиятли, тарбияли деб билган киши тугилиб ўсган диёри мадҳ этилаётган қўшиққа тоқат қилмай чикиб кетишга шоишли-шини қандай тушуниш мумкин?...

Сахнада концерт ташкилотчилари-ни таништириш қисми кетяпти, зал-дагилар худди асирликдан тақдиман тутқундек ўзини эшикка уряпти. Қўрган кўз хижолат тортади. Ҳай-роним, икки-уч соат бир жойда ўти-риб томоша кўргани тоқат қилган одам, яна беш-ўн дақиқа ўтириб, санъаткорнинг ташаққурини эши-тишга чидам тополмасмикан?..

Санъаткор ўзининг бир неча йил-лик меҳнатлари сарҳисобини тақдим этиш учун концерт қўяди. Томоша-бин эса бошланишдан ярим соат кейин кириб, тугашига ярим соат қолганида ҳаммани чалғитишига нима дейиш мумкин.

Эшик олдидаги назоратчилар ҳам шу андишада томошабинларга қаттиқ гап айтолмасалар керак. Ахир, чипталарни текшираётганда ёш болали томошабинларга эътироз-лар борлиги, кечикиб келадиганлар учинчи қўнғирчоқдан кейин залга қўйилмаслиги эслатиб ўтилади. Айт-илган жойга вақтида бориб, вақ-тида қайтишни, умуман меҳмонга хос одобга риоя қилишни билган кишилар ўзларини ҳурмат қилиш билан бирга уларга хизмат қилган мезбонга ҳам иззат кўрсатган бўла-дилар. Аҳолининг томоша мадания-тини шакллантириш, ўзини ҳурмат қилиш борасидаги маънавий-маъ-рифий ишларни кенг қўламада олиб бориш, бугунги куннинг асосий та-лабидир.

Дилфуза РҶЗИЕВА,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази ходими

Бугунги кунда мамлакатимизда 1800 дан зиёд матбаа корхоналари фаолият олиб бормоқда. Уларда ҳар йили 4 мингдан ортиқ номда 60 миллиондан зиёд нусада матбаа маҳсулотлари иш-лаб чиқарилади. Бу кўрсаткичлар йил-дан йилга ортиб бораётганини таъ-кидлаш лозим.

Ўз олдида қўйган мақсад ва вазифаларини қонуний асосда бажариб, жамият ва мамлакат ривожига муносиб ҳисса қўшаётган ва бу орқали яқингина даромадга эга бўлаётган корхоналар сони анча. Аммо гуруч курмаксиз бўлмаганидек, соҳада ҳам сохталик йўлини тутиб, қонун талабларини менсимайди-ган, манфаат йўлида киши-лар соғлиғига зарар етқа-зишдан ҳам тоймайди-ган «ишбилармон»лар учраб ту-ради. Жорий йилнинг ке-йинги икки ойи мобайнида Ўзбекистон матбуот ва ах-борот агентлиги томонидан ваколатли давлат органлари билан ҳамкорликда ўшбу

Контрафакт матбаа маҳсулотлари: аниқлаш, чора кўриш ва олдини олиш

йўналишда 2 та қонунбузи-лиш ҳолати аниқланди ва қонуний чоралар кўрилди.

Ўзбекистон Республика Вазирилари Мақамасининг 2017 йил 4 октябрь кунини тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кон-трафакт матбаа маҳсулот-ларини олиб кириш, ишлаб чиқариш, тарқатиш манба-ларини аниқлаш, олдини олиш борасидаги 2017 йил-га мўлжалланган қўшимча чора-тадбирлар режаси» ижросини таъминлаш, яъни ноқонуний ноширлик ва матбаа фаолияти билан шу-гулланувчи матбаа корхона-ларини аниқлаш, савдо мажмуаларида, бозорлар, тургун савдо шохобчалари-да сотилаётган матбаа маҳ-сулотлари стандарт талаб-ларига мослигини ўрганиш, мажмуанга саёз, гализ фирк-ли, ахлоқ меъёрлари, маъ-навият ва миллий қадрият-ларимизга мос келмайдиган, ўқувчи фикрини чалғитади-ган, ёшлар тарбиясига сал-бий таъсир қўришга мум-кин бўлган адабиётларни тайёрлаш ва босиб чиқар-ишнинг олдини олиш мақ-садида агентлик томонидан

Сўнгги икки ой давомида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида 444 та матбаа корхонасида мониторинг ўтқа-зилди ва 37 та мат-баа корхонасининг гувоҳномалари бекор қилинди.

мунтазам мониторинг ишла-ри олиб борилмоқда.

Сўнгги икки ой давомида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида 444 та матбаа корхонасида мониторинг ўтқазилди ва 37 та матбаа корхонасининг гувоҳномалари бекор қилинди.

Ўзбекистон Миллий мат-буот марказида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агент-лиги томонидан ташкил

қилинган семинар «Контрафакт матбаа маҳсулотлари: аниқ-лаш, чора кўриш ва олдини олиш» мав-зусига бағишланди.

Юқорида тилга олинган ҳужжатга му-вофиқ агентлик то-монидан олиб бори-лаётган мониторинг натижалари, тургун савдо шохобчалари ва бозор расталари-га контрафакт мат-баа маҳсулотлари-нинг сотувга чиқиб кетиш ҳоллари, Ўз-бекистон Республи-киси қонун ҳужжатла-ри, Давлат стандар-лари ва белгиланган меъёрларга зид ра-вишда чоп этилган

ҳамда тайёрланган маҳсу-лотларнинг ёш авлод сало-матлиги ва маънавий тафак-куримизга салбий таъсири, матбаа корхоналарида си-фат ва нарх уйғунлигини таъминлаш механизмини та-комиллаштириш, белгилан-ган меъёр талабларига зид ёзув дафтарлари ва қўшим-ча таълим китобларнинг ишлаб чиқарилиши ва сав-

досининг матбаа корхонала-ри ва савдо ташкилотлари фаолиятига кўрсатадиган зарарлари, контрафакт мат-баа маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатишининг ол-дини олишда тегишли ва-колатли органларнинг ҳам-корликда олиб бораётган ишлари каби қатор маса-лалар хусусида атрофилича сўз юритилди.

Семинарда Тошкент шаҳ-рида фаолият олиб бора-ётган етакчи корхоналар, матбаа маҳсулотлари савдо-доси билан шуғулланувчи шохобчалар вакиллари қат-нашдилар. Семинар якуни-каси қонун ҳужжатла-ри, контрафакт маҳ-сулотлар тарқалишининг олдини олиш юзасидан те-гишли тавсиялар, шунинг-дек, бу каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шу-гулланганлик учун Респуб-ликада қонунчилигида на-зарда тутилган жавобгар-лик ҳақида ҳам тушунчалар берилди.

Улғубек МАМАДАЛИЕВ,
Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги
ахборот хизмати
раҳбари



НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ректорати,
профессор-ўқитувчилари
ва талабалари жамоаси
барча юртдошларимизни
янги — 2018 йил билан
самимий муборакбод этади!
Ҳар бир оилата тинчлик-
хотиржамлик,
файзу барака
тилаймиз.
Янги йилда
мамлакатимиз
тараққиёти
йўлидаги эзгу
меҳнатларингизда
омад ва
зафарлар ёр
бўлсин!



2017-yil 23-dekabr, № 102-103 (9064)



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

Барча юрдошларимизни, азиз устоз ва мураббийларни,
мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш
йўлида меҳнат қилаётган барча фермерларни, серҳосил навлар
яратиш устида илмий изланиш олиб бораётган селекционер
олимларни **Янги — 2018 йил** билан муборакбод этамиз!



Ҳар бир оилага тинчлик-хотиржамлик, фаровон турмуш, бахт-саодат тилаймиз!



Янги йилнингиз муборак бўлсин, азизлар!

2017-yil 23-dekabr, № 102-103 (9064)

Yilning eng yaxshi o'qituvchisi



кўрсатиб, устозлик қилди. Тез орада Муқаддам ташаббускорлиги, изланувчанлиги билан ҳамкасблари ўртасида обрўга эга бўлди. Машғулотларда ширинсўзлиги, ҳар бир ўқувчига ўз боласидек эътибор кўрсатиши натижасида ўғил-қизларнинг ҳам меҳрини қозонди.

Кўп йиллик меҳнатлари, касбига фидойилиги натижасида «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2017» республика кўрик-танловида ғолиб бўлди.

— Ўқитувчининг боласи шу номга муносиб бўлиши керак. Бобом ва бувимнинг бу насиҳатларига ҳанузгача амал қилиб келяпман, — дейди Олмалик шаҳридаги 5-мактабнинг ўзбек тили фани ўқитувчиси Муқаддам Йўлдошева. — Энди иш бошлаган

Муаллимнинг фарзанди

Муқаддам вақт топди дегунча қишлоққа — бобосиникига ошиқарди. Мактабда муаллимлик қиладиган бобо-бувининг ишдан қайтишини интиқиб кутар, катталар келгач, дастурхон атрофида қизқарли гурунг бошланарди. Бундай суҳбатлар албатта мактаб ҳаёти, ўқитувчи ва ўқувчилар муносабатига улашиб кетарди. Тургунбой муаллим мактабда раҳбар бўлса-да, 4 ёшли набирасининг саволларига эринмай жавоб қайтарар, бувиси Ҳожарбуш ая эса қизалоқни бағрига босиб, янги шеърлардан ёд олдирадди.

Уша кезлардаёқ Муқаддам онаси, бобоси ва бувисига ҳавас қилиб, улар каби ўқитувчи бўлишни дилига тугди. 1980 йилнинг сентябрида бобоси ва бувиси ишлайдиган Пискент туманидаги 27-мактабнинг 1-синфида қабул қилинди. Ўқитувчининг набираси, ўқитувчининг қизи, деган ном зиммасига икки қарра масъулият юклади: барча фанлардан аъло баҳо олишга ҳаракат қилди.

Орзуи ушалиб, ҳозирги Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети таъминлади. Иш фаолиятини Олмалик шаҳридаги 5-мактабда бошлади. Мактаб раҳбари Зинаида Фозилова ёш педагогга йўл-йўриқ

кезларим педагогларга ҳозиргидек имкониятлар йўқ эди. Бугун яратиб берилган замонавий шарт-шароитлардан унумли фойдаланмаслик касбимизга хиёнатнинг ўзгинасидир.

Муқаддам Йўлдошева машғулотларда компьютер, электрон доска, проектордан, илгор методлардан кенг фойдаланади. Бунинг натижасида русийзабон ўқувчиларнинг ўзбек тилида оғзаки нутқи бойиб бормоқда. Бу эса турли кўрик-танловларда ўз ифодасини топапти. Мисол учун, 2015 йили Дилдора Хайруллаева ўзбек тили фанидан билимлар беллашувининг шаҳар босқичида 2-ўринни, 2016 йили 3-ўринни, 2017 йили Зарина Аширкулова 1-ўринни эгаллади.

Тақрибали муаллима, аввало, ўқувчиларнинг ижтимоий вазиятларда мулоқотга кириша олишига эътибор қаратади. Дарс жараёнида ўғил-қизларнинг оғзаки ва ёзма нутқ кўникмаларини ўстириш мақсадида янги нутқий мавзулар, уларни ифодалашга ҳизмат қилувчи лексик ва грамматик воситаларни қўллайдди. Бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан нафақат дарс жараёнида, балки дарсдан сўнг ҳам шуғулланади. Уларни мантуқий фикрлашга ва янги билимлар олишга ундайди.

Гулноз ОРИФЖОНОВА,
«Ma'rifat» муҳбири

«Математика — гўзал фан»

Халқимизда «Бир киши ариқ қазийди, минг киши сув ичади», деган нақл бор. Ангреник моҳир педагог Нигора Умарова юзлаб ўғил-қизларни илм уммонидан баҳраманд этиб келаётган шундай инсонлардан.

Муаллима қарийб 14 йилдан буюн Ангрэн шаҳридаги 8-мактабда математика фанидан сабоқ бермоқда.

— Болалигимда онамга эргашиб мактабга кўп борардим, — дейди Нигора Умарова. — Инсон қалбига эзгулик уругини қадаб, унга тўғри йўлни кўрсатишдек шарафли касбга ўша пайтлар меҳрим уйғонган. Йиллар ўтиб, ўзим ўқиган мактабда фаолият бошладим. Ўқитувчилик касбини танлаганимда онам «Бола — мисоли гул, унга меҳр билан таълим-тарбия бериш зарур», дея насиҳат қилган эдилар. Ҳар куни жонахон мактабимга келар эканман, онамнинг шу гапи қулоғим остида жаранглаб, болаларни кунт билан ўқитишга ундайверади. Шу боис, дарсларда ноъъанавий усулларни қўллаб, ўқувчиларимда билим, малака, кўникма ва компетенцияларни, ижодкорлик қобилиятини ривожлантиришга интиламан. Аксарият болалар математикани биров мураккаб фан ҳисоблайди. Аслида бу фан

Yilning eng yaxshi o'qituvchisi



Ўқитувчилик касбини танлаганимда онам «Бола — мисоли гул, унга меҳр билан таълим-тарбия бериш зарур», дея насиҳат қилган эдилар. Ҳар куни жонахон мактабимга келар эканман, онамнинг шу гапи қулоғим остида жаранглаб, болаларни кунт билан ўқитишга ундайверади.

— Йиллар давомида ўтилаётган дарс ва машғулотлар ўқитувчининг маҳоратини оширса, танлов уни қархлайди, — дейди Нигора Умарова. — Ҳамкасбларим билан касбий малака, маҳорат бобида беллашиш асосида фаолиятимда керак бўладиган жуда кўп жиҳатларни ўргандим, тажрибамни бойитдим.

Илҳом Жўраев,
«Ma'rifat» муҳбири

Нуктадон олим, талабчан устоз

Умрни икки эшик орасидаги масофага қиёслашди. Ҳақиқатан ҳам, бу — жуда қисқа, бироқ муносиб яшамок учун берилган катта имконият. Бу дамлардан кимдир фойдалана олади, кимдир эса йўқ. Билимдон, талабчан устоз, эл-юрт хурматиға сазовор бўлган педагог Файрат Шоумаров ҳам умрининг бебаҳо дақиқаларидан унумли фойдаланиб, ҳаётини таълим соҳасига бағишлаб яшаётган фидойи инсонлардан.

Қатор йиллар раҳбарлик лавозимларида фаолият юритган психолог фанлари доктори Файрат Шоумаровнинг таълим-тарбия жабҳасига катта меҳнати сингган. Жумладан, у тизимда психологик хизматнинг жорий этилиши, мактаблар штат жадвалига психолог вазифасининг киритилишига муносиб ҳисса қўшди. Айни пайтда устозни психология фани йўналишида мамлакатимизда оилани ўрганиш бўйича шаклландирилган илмий мактабнинг асосчиси, дейиш мумкин. У мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган, соғлом турмуш тарзи, саломатлик ҳамда оила масалаларига бағишланган, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқитиладиган

«Оила психологияси» ва «Шарқона оила» ўқув қўлланмалари, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», «Аёллар энциклопедияси», «Болалар энциклопедияси», «Оила энциклопедияси» сингари китоблар муаллифларидан биридир. Файрат Шоумаров долзарб ижтимоий муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича илмий психологик тадқиқотлар ўтказиш ҳамда уларда қўлланиладиган самарали методлар ишлаб чиқиши борасида ҳам қатор изланишлар олиб борди.

Жонкуяр олим МДХ давлатларидан ташқари, Греция, Франция, Жанубий Корея, Нидерландия, Япония, Филиппин, Швейцария, Туркия

сингари ўндан ортқ хорижий давлатларда ўтказилган турли халқаро конференция, семинар ва симпозиумларда иштирок этиб, мамлакатимизда психология фанида қўлга киритилган ютуқларни дунё миқёсида тарғиб-ташвиқ этишга ҳисса қўшмоқда. Айниқса, 2009 йили Парижда ўтказилган ЮНЕСКО Бош Ассамблеясида Ўзбекистон Республикаси делегациясига раҳбарлик қилиб, маъруза билан иштирок этгани домланинг илмий ижодий фао-

лиятда муносиб ўрин тутди. Фидойи педагог бугунги кунга қадар 30 нафар фан

Ta'lim fidoyilari

номзодига илмий раҳбарлик, 6 нафар фан докторига илмий маслаҳатчилик қилган. Айни пайтда ўнлаб тадқиқотчилар унинг йўл-йўриқларига таяниб докторлик диссертациясини тайёрламоқда. Устоз Марказий Осиё халқлари оилаларининг ижтимоий ва этнопсихологик хусусиятлари, никоҳ мустаҳкамлигига таъсир этувчи омиллар, бадий ижодиёт ва бошқарув психологияси, девиация масалалари таҳлили каби йўналишларда ўтказилган илмий тадқиқот ишларига бевосита бош-қош бўлди. Республикаимизда биринчи марта олий таълим тизимида психологик хизматни ташкил этиш йўналишида Фан ва технологиялар агентлиги томонидан молиялаштирилган амалий лойиҳа раҳбари си-

фатида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиде психологик марказини ишга туширилиши ва фаолият юритишида устознинг хизматлари бисёр. Шунингдек, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги психология фанлари доктори илмий даражасини беришга ихтисослашган Илмий кенгаш аъзоси (айни вақтда раиси) сифатида ҳам самарали фаолият юритиб келяпти.

Жамоат ишларида ҳам фаоллик кўрсатаётган олимнинг ташаббуси билан 2000 йили Ўзбекистон психологлар ассоциацияси ташкил этилди. Файрат Шоумаров ўн йил ушбу ташкилотга раҳбарлик қилди. 2003 — 2010 йиллари «Ўзбекистон-Туркманiston» дўстлик жамияти раиси бўлиб ишлади. Айни пайтда Низомий номдаги Тошкент давлат педагогика университетида ташкил этилган психология ўқув-илмий марказига раҳбарлик қилляпти.

Шариф БАРОТОВ,
психология фанлари доктори, профессор
Умарали ҚОДИРОВ,
психология фанлари номзоди, доцент

Жамоат ишларида ҳам фаоллик кўрсатаётган олимнинг ташаббуси билан 2000 йили Ўзбекистон психологлар ассоциацияси ташкил этилди.

(Охири. Боши газетанинг 101-сонида.)

Домланинг қайтиши

(Хикоя)

Хотира юки қанчалик оғир ва эзгин бўлмасин, арча ифориға тўйинган куз ҳавосида домла анча ўзига келди. Гавдасини тик ушлаб, ўпкасини тўлдириб-тўлдириб нафас олди. Салқин ҳаво вуждига қувват оқиб киргандек бўлди. Енгил ҳаракат билан ўрнидан туриб, профтажанга қайта учрашиш ниятида кўшни бино томон юрди. Қўшмамат ҳам мажлисга чақирилганини эшитган домла уч чақиримча келадиган уйига маҳалла оралаб яёв кетди. Катта кўчага нисбатан тинчроқ, ҳаво ҳам тоза...

Уйига келса, хотини тушликка шолғом шўрва тайёрлабди. Дастурхон устида хотинига юрагини ёрди: Тажангни, бурунбой шогирдини ёмонлади; ректорни алқайди. Барини жимгина тинглаган Анор:

— Ишлайверганингиз маъқулдир-ов, домлажон, — деди, — йиққанингиз даволанишимизга кетса, нафақангиз қўй-пўй тугул қатиқсунгингиздан ҳам ортмайди...

Домла «гапирвер-чи» дегандек индамади. Анор давом этди:

— Темангиз тасдиқлаиб, мақолаларингиз чет элларда чиққан, бир ўйлаб кўринг, дадаси! Ректорингиз ақлли бола. Кўрпага аччиқ қилиб...

— Ким аччиқ қилибди?! — овозини кўтарди домла.

— Сиз! — Бўш келмади хотини. — Тан олаверинг, дадаси. Бир Абдукулданмас, бор-ку, анави завкафедрангиз... Ушадан ҳам норозисиз. Аризаниям аччиқ устида ёздингиз. Оч қорним, тинч кулоғим деб... Сизга барибир эмасми, амманнинг бузоғини олмайдими ўша магистратурасию аспирантурасига!..

— Менга барибир эмас! Эртага халқнинг боласини ўқитади ўша амманнинг бузоқлари!.. Нариеғи занжирли реакция! Ўн беш йил ўтмай, халқингни ерда, ғафлат ва жаҳолатнинг сассиқ балчиғида кўрасан. Шундай бўлса, сенга барибирми?! Эшитиб қўй, тарихини билмаган халқ — компасиз кема!..

Анор «Шундай экан, нега кетмоқчиси?» демоқчи эди, улгуролмади — домла овкатга фотиҳа учун қафтларини кўтарди. Анор жимиб, эрига қўшилган бўлди.

* * *

Мирсодиқ домла бир соатча вақт ичида Қўшмаматнинг идораси жойлашган қаватдаги барча деворий тарғибот ишланмаларини бирор сўз қолдирмай ўқиб чиқди. Лекин на раис ва на котиба қиз бўй кўрсатди. Домла кафедрага ўтиб, оёқларига бироз бўлса-да дам беришни, баҳонада ҳамкасбларидан хабар олишни маъқул кўрди.

Кафедрада мудир ва котиба қиздан бўлак ҳеч ким йўқ экан.

— Келинг, домла! — мудир ўрнидан турди. Ёнидан жой кўрсатди, — ўтинг домла, ўтиринг!..

«Қадам етди, бало етмасин»дан кейин хол-аҳвол сўрашган бўлиши.

— Бемаврид келиб, ишининг белига тепмадимми, мабодо?..

— Йўғ-ей, домла! Энди сиз меҳмонсиз биз учун!.. Ўзбекининг меҳмони ҳамиша мавридида келади, — дея кулди Зийнатбек кўли кўксига. — Домла, қалай энди, зерикмаяпсизми?! Янаги кенгашда кафедранинг ҳисоботи бор экан. Ушанга тайёргарлик дегандай... Дилдорахон, домла билан бир пиёла чой ичайлик!.. Келинг домла, қайси шамол учирди?..

— Профкомга келувдим...

— Ҳа-ҳа, эшитдим. Боя мажлисдан олдин ректор роса таъ-

димда. Йў-йўғ-е, у мавзуда умуман гап бўлгани йўқ!.. Хўп-хўп! Бўпти, ака!.. Ҳозир!..

Зийнатбек домлага юзланди: — Кечирасиз, мени декан йўқлаб қолди! Сиз бемалол чой ича туринг! Дилдорахон, домланинг чойига қараб туринг!.. — деди ва чарм жуздонини бағрига босганича эшик томон юрди.

— Домла, менда бошоғриқ таблетка бор, берайми?! Сиз ташвиш тортманг, домла! Сурагингиз бу ёқда... — Дилдора хонанинг тескари томонига ишора этди.

«...Менга барибир эмас! Эртага халқнинг боласини ўқитади ўша амманнинг бузоқлари!.. Нариеғи занжирли реакция! Ўн беш йил ўтмай, халқингни ерда, ғафлат ва жаҳолатнинг сассиқ балчиғида кўрасан. Шундай бўлса, сенга барибирми?! Эшитиб қўй, тарихини билмаган халқ — компасиз кема!..»



зирини берди. Латипов домла учун ҳар йили истаган сихатгоҳига йўлланма ажратасан, деди.

— Таъзирини еса, ханузгача йўқ-ку?..

— Тўйга кетишди улар, Сўқоққа дейишди-ёв... Тажанг тўйга бормаса, ҳеч ким бормайди. У кўлар учун барометр, алжирак бошлагани — қайтадиган вақт бўлди дегани.

— Эшитмаган эканман!..

Кулишдилар.

Иккинчи пиёла чойдан хўплаётиб, домланинг назари қарши деворда «КАФЕДРА АЪЗОЛАРИ» ёзуви тагидаги суратларга тушди. Ўзиники йўқ! Кейинроққа ўтказишдимикин, деган ҳадик билан яна бирров нигоҳ ташлади — йўқ!.. Домланинг юраги гурсиллади, томирлари қизиди. Ҳаяжонини сездирмаслик учун назарини хонадаги бошқа деворий лавҳаларга қаратди.

«Шундай бўлади-да, ишдан кетгач...».

Чойдан ҳар замонда бир хўплаб, гоҳ қоғозга, гоҳ олдидаги жажжи калькуляторга қандайдир рақамларни қайд қилиб қўяётган мудир домлани унутгандек эди.

Шу пайт мудирнинг телефони жиринглаб қолди.

— Эшитаман! Ҳа-ҳа. Ҳозир ол-

Мирсодиқ гавдасини ярим айланториб, орқа деворга қаради. «УСТОЗЛАР — ФАҲРИМИЗ» бошлавҳаси тагидаги өттинчи ўринда турган рангли сурат Мирсодиқники эди. Биринчи сурат — фотодан кўра қўлда чизилганга ўхшагани, катта марказдан осиеликларнинг тарихий саводини очиб қўйиш учун жўнатилган профессор Иван Иванович Петров,

иккинчиси — муруч гулли дўппини чеккасига қўндирганича кулиб тургани Сайфи Нигматуллин, кейинчилари кафедрада фаолият кўрсатган марҳум маҳаллий профессор-ўқитувчилар эди... Мирсодиқнинг сурати замонавий фото маҳсули сифатида ранги билангина эмас, ифоданинг аниқлиги ила ҳам ажралиб турарди. Ким билади яна, одам оламдан ўтгач, унинг сурати ўзгариб кетармиш деган гаплар бор...

Пиёла тагида қолган икки хўпламча чой томоғидан ўтмади.

— Чой учун раҳмат, қизим! Мен бораё бўмасам, — деди домла синиқ товушда. Секин ўрнидан кўзгалди.

— Шошманг, домла! Мен ҳозир, бир дақиқа... — дея Дилдора ҳам хонадан чиқиб кетди.

Бир пиёла чой ичим вақт ўтдики, котибадан дарак бўлмади. Мирсодиқ «кетаверайин» деган ўй

билан ўрнидан турди. Котиба ўтирадиган хонага ўтганда ўзини лоҳас сезиб, қаторлаштириб қўйилган курсилардан бирига ўтирди. Кириш эшиги олдида «гангир-гунгур» сас эшитилди.

— ... орасида кўриб, кайфлари учиб кетди! — бу Дилдоранинг овози эди.

— Бунинг нимасига хафа бўлади. Бугун бўлмаса эртага ўшалар қаторига ўтади. Э-эй, баттар бўлсин!..

Эшик очилиб, Зийнатбек ва котиба киришди. Мудир домлани пойгакда кўриб, типирчилаб қолди.

— Ие-ие, домла, ўтиринг эди, суҳбатлашиб. Қаерга шошасиз?! — ўшалар қаторига!.. — домла мудирга кулимсираб қаради.

Зийнат хайкалдек котди...

Домла вуждига қувват энди. Ўрнидан дикка туриб, шахд билан эшик томон юрди.

Бино олдидаги майдончада битирувчи босқич курсбошиси йўлиқди. Талаба саломга қўша енгил таъзим қилди.

— Домлажон келинг, мен сизни элтиб қўяман! — дея Мирсодиқнинг тирсагидан тутиб, қатор турган машиналар сари етаклади.

Машина ўрнидан кўзгалиб улгурмай, олд эшик очилиб, котибанинг овози эшитилди:

— Самад, мана буларни ҳам элтаркансан, — деди у бир боғлам қоғоз жуздонларни ўриндикқа қўяркан.

— Ўғлим, мени элтиб қўйишни ким буюрди сенга — сўради домла катта йўлга чиқишгач.

— Дилдора, ўша илтимос қилди. Сал мазалари... йўқ, чарчаган кўринадилар деди. Домла сира хижолат тортманг, шугина хизматимиз кўп бўптим! Шунча йил таълим бердингиз...

Домла эшитилмас «Хм-м» деб қўйди. Ёнидаги даришанинг ойнасини туширди. Кузнинг салқин ҳавоси машина салонидagi сунъий чарм ҳидини ҳайдаб чиқарди. Самад машинани домла эшиги олдида тўхта-тиб, кўнғироқ тугмачасини босди. Пешовз чиққан Анорга папкалар боғламини тутқазди. Домлага тегишли хужжатлар эканлигини айтди... Эрининг авзойини кўриб, капалаги учган Анор «бу нима, бу нима?» дея бир эрига, бир йигитга мўлтиради.

Манзарани ташқаридан кузатиб турган Мирсодиқ секин келиб, боғламини хотини кўлидан олиб, йигитга узатди:

— Ўғлим, Дилдора опанга бориб айтақол, ҳозирча кафедрада туратураркан, дегин. Аммо бугунги хизматинг учун раҳмат сенга!..

Талаба елкасини бир қисиб олди-ю:

— Майли. Обориб бераман, домла! — дея боғламини орқа ўриндикқа ташлади...

Файзулла СОЛАЕВ

Нукус шахри

2017-yil 23-dekabr, № 102-103 (9064)

Магмуров Абдулла Махмудовичнинг 13.00.01 — Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент ихтисослиги бўйича «Олий таълим тизимида стратегия ва функционал менежментни интеграциялаш механизми ва тарихи» мавзусидаги (педагогика фанлари бўйича) докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 30 декабрь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шохкўчаси, 27-уй.
Тел/факс: (0-371) 276-76-51; e-mail: tgru_info@edu.uz

Якубжанова Дилораб Батировичнинг 13.00.03 — Махсус педагогика ихтисослиги бўйича «Бўлажак дефектологларда касбий ишқорликни ривожлантириш механизми» мавзусидаги (педагогика фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 30 декабрь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шохкўчаси, 27-уй.
Тел/факс: (0-371) 276-76-51; e-mail: tgru_info@edu.uz

Ахмедов Азизхон Дилшодовичнинг 13.00.03 — Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ ихтисослиги бўйича «Инновацион фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш» мавзусидаги (юридик фанлар бўйича) докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Тошкент давлат юридик университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Ю.22.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 26 декабрь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй.
Тел/факс: (0-371) 233-66-36, 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz

Бегматова Дилором Баходировичнинг 08.00.13 — Менежмент ихтисослиги бўйича «Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқаруving самардорлигини баҳолаш усулларини такомиллаштириш» мавзусидаги (иқтисодий фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент давлат иқтисодий университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 29 декабрь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 49-уй.
Тел/факс: (0-371) 232-64-21, 232-60-03, 239-01-49.

Қаҳқоров Отабек Сиддиқовичнинг 08.00.13 — Менежмент ихтисослиги бўйича «Таълим тизимида иқтисодчи кадрларни тайёрлашнинг бошқарув механизмини такомиллаштириш (Бухоро вилояти мисолида)» мавзусидаги (иқтисодий фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент давлат иқтисодий университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли илмий кенгашининг 2018 йил 5 январь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 49-уй.
Тел/факс: (0-371) 232-64-21, 232-60-03, 239-01-49.

Қурбонов Нозим Мухаммадрашитовичнинг 05.01.07 — Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи ихтисослиги бўйича «Нефть, газ ва сувли қатламлардаги фильтрация жараёнларининг математик моделлари ва самарали сонли алгоритмлари» мавзусидаги (техника фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.T.07.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 29 декабрь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур шохкўчаси, 108-уй.
Тел/факс: (0-371) 238-64-43, 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz

Махманов Ориф Қудратовичнинг 05.01.04 — Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер тармоқларининг математик ва дастурий таъминоти ихтисослиги бўйича «Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий салоҳиятини мониторинг қилиш усул ва моделлари яратилиши» мавзусидаги (техника фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.T.07.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 29 декабрь куни соат 12:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур шохкўчаси, 108-уй.
Тел/факс: (0-371) 238-64-43, 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz

Халиков Улғабек Рустамовичнинг 08.00.07 — Молия, пул муомаласи ва кредит ихтисослиги бўйича «Ўзбекистонда фонд бозори орқали инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг такомиллаштириш» мавзусидаги (иқтисодий фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Ўзбекистон Республикаси банк-молия академияси ва Тошкент давлат иқтисодий университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.15.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 28 декабрь куни соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннахр кўчаси, 16-уй.
Тел/факс: (0-371) 237-53-25, 237-54-01; e-mail: info@bfa.uz

Валиев Бобур Батировичнинг 08.00.02 — Макроиқтисодиёт ихтисослиги бўйича «Миллий иқтисодийнинг барқарор ривожланишини таъминлашда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан фойдаланиш самардорлигини ошириш» мавзусидаги (иқтисодий фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Тошкент давлат иқтисодий университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.15.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 25 декабрь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннахр кўчаси, 16-уй.
Тел/факс: (0-371) 237-53-25, 237-54-01; e-mail: info@bfa.uz

Очиллов Хасан Рашидовичнинг 12.00.08 — Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи ихтисослиги бўйича «Ўзгалар мулкни компьютер воситаларида фойдаланиб талон-тороғ қилганлик учун жавобгарлик» мавзусидаги (юридик фанлар бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент давлат юридик университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Ю.22.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 26 декабрь куни соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй.
Тел/факс: (0-371) 233-66-36, 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz

Очиллов Ботир Бахрамовичнинг 23.00.04 — Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг сиёсий муаммолари ихтисослиги бўйича «Б.Клинтон ва кичик Ж.Буш администрацияларининг Марказий Осиёда олиб борган сиёсатининг генезиси ва эволюцияси» (сиёсий фанлар бўйича) мавзусидаги докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Tar/Yu/I/S/24.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 28 декабрь куни соат 14:30 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100192, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шохкўчаси, 54-уй, «Б» бино, 103-хона.
Тел/факс: (0-371) 267-67-69, 267-09-00; e-mail: rektorat@uwed.uz

Умаров Акрам Азаматовичнинг 23.00.04 — Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг сиёсий муаммолари ихтисослиги бўйича «XXI аср бошида Марказий Осиё минтақавий ҳавфсизлигида Афғонистон омилли» (сиёсий фанлар бўйича) мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Tar/Yu/I/S/24.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 28 декабрь куни соат 14:30 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100192, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шохкўчаси, 54-уй, «Б» бино, 103-хона.
Тел/факс: (0-371) 267-67-69, 267-09-00; e-mail: rektorat@uwed.uz

Бекмуродова Гузал Адхамовичнинг 08.00.11 — Маркетинг ихтисослиги бўйича «Тижорат банклари рақобатбардодчилигини оширишнинг инновацион маркетинг концепциясини такомиллаштириш» (иқтисодий фанлари бўйича) мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент давлат иқтисодий университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 29 декабрь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 49-уй.
Тел/факс: (0-371) 239-64-21, 239-41-23.

Тожиёва Гулбаҳор Номозовичнинг 10.00.01 — Ўзбек тили ихтисослиги бўйича «Ўзбек тили маънавий-маърифий лексикасининг мустақиллик йилларидаги тараққиёти («миллий ғоя» атов бирликлари тизими)» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Самарқанд давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли илмий кенгашининг 2018 йил 5 январь куни соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй.
Тел/факс: (0-366) 239-11-40, 239-18-92; e-mail: rector@samdu.uz

Раҳимкулов Ғайрат Норқўқоровичнинг 10.00.05 — Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти (тожик тили ва тожик адабиёти) ихтисослиги бўйича «Мустақиллик даври тожик матбуотининг тили ва услуби («Овози тожик») ва «Овози Самарқанд» газеталари материаллари асосида» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Самарқанд давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли илмий кенгашининг 2018 йил 5 январь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй.
Тел/факс: (0-366) 239-11-40, 239-18-92; e-mail: rector@samdu.uz

Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси Тасвирий санъат факультети «Дастгоҳли рангтасвир» кафедраси ўқитувчиси

Анвар ШОДИЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси Амалий санъат факультети «Бадий кулчилик ва таъмирлаш» кафедраси катта ўқитувчиси Ирода Жониевага отаси

Ёқуб ЖОНИЕВнинг

вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Халқ таълими вазирлигининг «Ўқув таълим таъминот» давлат унитар корхона жамоаси корхонанинг Самарқанд вилоят ҳудудий филиали бошқарувчиси Эсонбой Мухаммадиевга падари бузруквори

Латип ота МУҲАММАДИЕВнинг

вафоти муносабати билан таъзия билдиради.





Китоб миллатнинг ақл кўзини ёритувчи офтобдир!

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ

Мухтарам юртдошлар!

Сизларни Янги – 2018 йил билан самимий
қутлаймиз! Барчангизга энг эзгу тилакларимизни йўлаймиз!

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини
Сизга тақдим этади! Ушбу нодир асарлар қалбингизга
нур ва оилангизга маърифат олиб киради, деб ишонамиз.



Мурожаат учун манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Лабзак кўчаси, 86-уй.
Телефонлар: (+99871) 241-83-29. Моб.: (+99895) 144-41-82,
(+99893) 791-00-70, (+99895) 195-42-42. www.gglit.uz, e-mail: info@gglit.uz.

Маҳсулотлар сертификатланган.
Хизматлар лицензияланган.

2017-yil 23-dekabr, № 102-103 (9064)

Байрамолди мегаспорт мусобақаси

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти тасарруфидаги Республика техник ва амалий спорт турлари марказида «Биз — чемпионлар!» шиори остида мегаспорт мусобақаси ташкил этилди.



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши, Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси, Маданият, Соғлиқни сақлаш, Факуллодда вазиятлар вазирликлари ҳамда «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгаши ва қатор ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур спорт тадбирида республикамизнинг 31 та олий

таълим муассасасидан жамоалар иштирок этди. Очилиш маросимида сўзга чиққанлар мамлакатимизда спорт ва жисмоний тарбияни янада ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор ҳақида тўхтади.

Шундан сўнг мусобақага старт берилди. Баҳсларда ҳар бири 9 нафардан иборат жамоалар гуруҳларга бўлиниб, белгиланган шартлар асосида куч синашди. Яқунда Чирчиқ давлат педагогика институти жамоаси 16,8 балл тўлаб, 1-ўринни кўлга киритди.

Кучли учликдан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ҳамда Самарқанд давлат университети жамоалари ўрин олди. Голиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари ҳамда дипломлар берилди.

Абдуқаном АБДУЛЛАЕВ,
Чирчиқ давлат педагогика институти
кафедра мудири



Майдонда спортчи педагог оилалар

Таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси Ромитан тумани кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 25 йиллиги муносабати билан мусобақа ташкил этилди.

Миришкор болалар ва ўсмирлар спорт мажмуасида ўтказилган баҳсларда тумандаги 42 та умумтаълим мактабининг спортсевар педагог ва ишчи-ходим-

лари волейбол, шахмат ва шашка бўйича ўзаро куч синашди.

10-мактаб жамоаси шарафини оилавий спортчилар — жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Акмал Абдуллаев, унинг турмуш ўртоғи, 5-синф раҳбари Дилфуза Муқимова ва уларнинг қизи — шу мактабдаги тўғарақ раҳбари Дилнора Саъдуллаева муносиб ҳимоя қилди.

Яқунда мазкур оила вакиллари билан А.Абдуллаев шашка,

Д.Саъдуллаева шахмат бўйича совриндор бўлди, Д.Муқимова эса волейбол жамоаси билан 4-ўринни кўлга киритди.

Голиб ва совриндорлар, фаол иштирокчиларга эсдалик совғалари, диплом ва медаллар берилди.

Ш.НОРОВА,
Ромитан туманидаги
10-мактабнинг қасаба
уюшма
кўмитаси раиси

Спорт луғати

МАТЧ (инглизча «match», «match play») — икки ёки ундан ортиқ спортчи, жамоалар ўртасидаги ўйин; мусобақа ташкилотчисининг турнир тизими элементи. Матч сўзи аслида бир неча маъноларни билдиради.

Аммо спорт журналистикасида одамлар ёки жамоаларнинг маълум бир спорт тури бўйича бир-бири билан рақобати тушунилади. Спорт шарҳловчилари «ўртоқлик матчи», «келишилган матч» каби сўз бирикмаларини кўп ишлатади.

Аксариyat ҳолларда бу сўз шахмат мусобақалари пайтида қўлланилади.

Матч сўзининг 15 га яқин синонимини бор: учрашув, қарама-қаршилик, келишув, ўйин, маратон, биринчилик, радиоматч, рақобат, мусобақа, кимўзар, суперматч, баҳс, топ-матч, турнир ва ҳоказо. Шунингдек, воқеа, синов, тест, матчпал, боут, кураш, дерби, плей-офф, такрорлаш, ре-матч каби атамалар билан ҳам маълум ўринларда синоним бўла олади.



МАСКЕРАНО ХИТОЙГА КЎЧАДИ

Аргентиналик таникли футболчи, «Барселона» жамоаси аъзоси Хавьер Маскеранонинг «қишки трансфер» пайтида Хитойнинг «Хэбэй Чайна Форчун» клубига ўтиши ҳақида «ESPN Deportes» телеканали маълум қилди.

«Хэбэй» ва «Барселона» масъуллари ўртасидаги келишувга кўра, 33 ёшли ярим ҳимоячи учун хитойликлар 10 миллион доллар тўлайди. Мазкур трансферни тезроқ имзолаш ниятида «Хэбэй» вакиллари Барселонага келди ва Маскерано 2018 йилнинг 1 январидан расман «Хэбэй Чайна Форчун» аъзосига айланган. Унинг ўзига йил давомида 19 миллион доллар тўланади.

Эслатиб ўтамиз, Маскерано 2010 йили «Ливерпуль» дан 24 миллион евро эвазига «Барселона»га ўтганди.

АЗАРЕНКОГА МАХСУС ТАКЛИФНОМА

«Катта дубулга» туркумидаги Австралия очик чемпионати (Australian Open) ташкилий кўмитаси беларуслик теннисчи Викториа Азаренкога махсус таклифнома юборди.

Мусобақа матбуот хизмати манбасида ёзилишича, турнир директори Крейг Тили мазкур чемпионат баҳонасида Викториага шу йилнинг ёзида содир бўлган оилавий муаммоларидан бироз бўлса-да чалғитмоқчи.

Спортчининг ўзи ҳам Мельбурнда ўтайдиган шиддатли мусобақаларни соғинганини яширмади. Бироз олдин келаси йилнинг 15-28 январидан ўтказиладиган турнирда америкалик теннисчи Серена Уильямснинг қатнашиши тасдиқланганди.

КАКА ФАОЛИЯТИНИ ЯҚУНЛАДИ

Бразилия терма жамоаси собиқ ярим ҳимоячиси, машҳур футболчи Рикарду Изексон дус Сантус Лейти, қисқача айтганда, Кака футболчилик фаолиятини яқунлаётгани тўғрисида «Instagram»даги саҳифасида ёзди.

35 ёшли спортчининг охириги тўп сурган клуби АКШнинг «Орландо Сити» жамоасидир. У ўз вақтида Бразилиянинг «Сан-Паулу», Италиянинг «Милан» ва Испаниянинг «Реал» клублари сафида тўп тепган. «Милан» билан 2007 йили Европа чемпионлар лигасида, Бразилия терма жамоаси таркибиде эса 2002 йили жаҳон чемпионатида зафар қўчган. 2007 йилдаги бетакрор ўйини учун дунёнинг энг яхши футболчисига аталган «Олтин тўп»ни кўлга киритган.

У энди мураббий ёки спорт директори бўлиб ишламоқчи.

ЕНГИЛМАС БИЛЛИ

72,6 кг вазн тоифасида Жаҳон бокс ташкилоти чемпионлик камари соҳиби британиялик Билли Жо Сондерс канадалик Давид Лемьега қарши ўтган ҳимоя жангида зафар қўчди.

«ТАСС»да келтирилишича, Квебекда кечган 12 раундлик муштлашувда ҳакамлар бир овоздан Биллини голиб деб топди: 120-108, 117-111, 118-110.

28 ёшли Билли Жо ҳисобида энди 26 ғалаба (12 нокаут) бор. У ҳали бирор марта енгилмаган, дуранг қайд этмаган. Чемпионлик камарини 2015 йилнинг декабридан буён уч марта ишончли тарзда ҳимоя қилди. У мазкур камарни ўша йили ирландиялик Энди Лидан «тортиб» олганди. 28 ёшли Давид Лемье эса фаолиятидаги 4-мағлубиятни қарши олди. Аммо унинг ҳисобида 38 ғалаба (33 нокаут) бор.

З.ХОЛОВ тайёрлади.

Газетамизнинг навбатдаги сони
30 декабрь куни чиқади.

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • реклама • эълон • реклама • эълон

Усмонова Наргиза Бахтиёрбековнанинг 05.04.01 — Телекоммуникация ва компьютер тизимлари, телекоммуникация тармоқлари ва қурилмалари. Ахборотларни тақсимлаш ихтисослиги бўйича «Инфокоммуникация тармоқ тизимларида ассоциатив ўзаро ҳаракатлар» мавзусидаги (техника фанлари бўйича) докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.T.07.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 30 декабрь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзили: 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳрўҳчаси, 108-уй. Тел/факс: (0-371) 238-64-89, 238-64-15, 235-10-40; e-mail: info@tuit.uz

Ғуломов Шерзод Ражабовичнинг 05.01.05 — Ахборотларни ҳимоялаш усуллари ва тизимлари. Ахборот хавфсизлиги ихтисослиги бўйича «Компьютер тармоқларида трафикани филтрлашнинг махсус усули ва воситалари» мавзусидаги (техника фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.T.07.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 30 декабрь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзили: 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳрўҳчаси, 108-уй. Тел/факс: (0-371) 238-64-89, 238-64-15, 235-10-40; e-mail: info@tuit.uz

Qishloq Qurilish Bank

Барча юртдошларимизни кириб келаятган
ЯНГИ – 2018 ЙИЛ БИЛАН самимий
 муборакбод этамиз!
 Сизларга мустақкам соғлиқ,
 бахт-саодат,
 тинчлик ва хотиржамлик тилаб,
 қуйидаги омонат
 турларини таклиф этамиз:

Миллий валютада:

«Кафолат»

омонати.

Маблаглар 3 ойдан 12 ойгача бўлган
 муддатга қабул қилинади.

Ҳисобланган фоизлар
 капитализация қилиб борилади
 ва омонат муддати тугагандан
 сўнг тўлаб берилади.

Хорижий валютада:

«Капитал»

омонати.

Маблаглар 12 ой
 муддатга қабул қилинади.
 Ушбу омонатга ҳисобланган
 фоизлар ҳар ой
 якунида омонатчининг талаби
 асосида тўлаб берилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги
 омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Мурожаат учун: (+99871) 150-72-58, 150-39-93.

“Қишлоқ қурилиш банк” – фаровон ҳаётингиз хизматида!

www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

Ma'rifat

ТА'СИ
 ETUVCHILAR:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги,
 Ўзбекистон Олий ва о'рта maxsus
 та'лим вазирлиги, Ўзбекистон
 Та'лим, сан ва маданият
 ходимлари касба уюшмаси
 Республика кенгаши.

Бosh муharrir Husan NISHONOV

Gazeta Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida
 2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
 Indeks: 149, 150. Г-1215. Tiraji 33802.
 Hajmi 8 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
 qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:
 qabulxona — 233-50-55;
 kotibiyat — 233-99-15;
 reklama va marketing bo'limi —
 233-42-92(faks), 236-54-17.



«Ma'rifat»-dan
 materiallarni ko'chirib
 bosish tahririyat ruxsati
 bilan amalga oshirilishi
 shart.

Tahririyatga kelgan
 qo'lyozmalar taqriz
 qilinmaydi va muallifga
 qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
 Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Ў'zА yakuni — 02.10 Topshirildi — 02.45

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,
 Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
 Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:

Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.
 Navbatchi muharrir:
 Shodmonqul SALOM.
 Navbatchi:
 Dilmurod DO'STBEKOV.

1 3 4 5 6